

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Х.М. Убайдуллаев, Т.А. Хидоятов, Й.И. Абдурахмонов,
Г.И. Коробовцев, Я.М. Мансуров**

“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ”

Ўқув қўлланма

Тошкент–2012

**Муаллифлар : Х.М.Убайдуллаев, Т.А.Хидоятов, Й.И.Абдурахмонов,
Г.И.Корбовец, Я.М.Мансуров**

“Архитектуравий лойиҳалаш” предмети мазкур ихтисослигининг (5340100- “Архитектура”) ўқув режасига мувофиқ олий архитектура мактабида 3,4,5,6,9 семестрларда лойиҳа фанини ўқитиладиган амалий материалларни ўз ичига олади.

Ўқув қўлланма йўналишининг асосий мақсади талабаларнинг билимларини курс ва диплом ишларини ишлаб чиқишда мураккаб бўлган амалий (архитектуравий лойиҳалашнинг) масалаларини мустақил ҳал этиш учун етарли бўладиган турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш соҳасида махсус маълумотлар билан бойитиш орқали архитектура ихтисослиги талабаларнинг касбий салоҳиятини юксалтиришдан иборат.

Тақризчи:

“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
профессори Й.И. Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан турдош олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг энг муҳим фаолиятдан бири бу халқ ҳаётининг моддий – маънавий жиҳатдан фаровонлигини ошириб бориш маданий ва маънавий кенгайиб бораётган эҳтиёжларини тўлақонли таъминлашдан иборат.

Бу муҳим масалаларнинг ечими архитектуравий инфратузилманинг миқдор ва сифат жиҳатдан ташкил этилиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, турар – жой ва жамоат биолари архитектурасига тегишлидир.

Архитектуравий лойиҳалашнинг умумий доираси турар – жой биоларини лойиҳалашга бағишланган ихтисослаштириш бўлимининг ажратилиши турар – жой биоларининг халқ ҳўжалигида тутган ўрни, ҳажми ҳамда яшаш жойларини лойиҳалаш билан узвий боғланган иқлимнинг специфик жиҳатлари, геологияси, халқ анъаналари билан изоҳланади. Шунинг учун замонавий оиланинг сони ва ёши, оила аъзоларининг машғуллик характери, даражаси ва шу каби бошқа сабабларга боғлиқ равишда яшаш жойига нисбатан қўйиладиган турли талаблари ва эҳтиёжларини тўлиқ қондириш турар – жой биоларини архитектуравий лойиҳалашнинг асосий масаласи деб ҳисобланади. Қишлоқ турар – жой биолари бевосита қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришнинг, айниқса фермер ҳўжаликлари билан бевосита боғлиқ бўлган функциялар тўплами бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини турар – жойдан ихтисослашган бино ва иншоотларга қараганда шаҳар турар – жойларидан тубдан фарқ қилади.

Жамиятнинг маънавий маданиятини ошириш, инсонларнинг маълумотини онгини ва жисмоний етуқлигини ошириш, болаларга маиший хизмат кўрсатиш ва уларни тарбиялаш ижтимоий ҳаётнинг турли шакллари ва одамларнинг фаолияти билан узвий боғлангандир. Буларнинг ҳаммаси маҳалла маркази, болалар боғчаларидан тортиб ижтимоий ишлаб чиқариш биоларини ўз ичига олган жамоат биолари инфратузилмасининг қўп жиҳатлилигида намоён бўлади.

Жамоат биолари ўзининг типологияси бўйича жуда хилма – хилдир. Жамоат биоларининг функционал мўлжаллаганликдаги фарқланиши, конструктив усуллар (приёмлар) ва қурилиш услублари турли туман, ҳажмий фазовий ва режавий ечимлари билан боғлиқдир. Шаҳар ва қишлоқ қурилишида жамоат биолари етакчи ўринда композицион аҳамият касб этиши ўлкамиздаги ўзига хос архитектуравий муҳитнинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

ТАҚИ “Архитектура” факультети “Бакалаврият” бўлимида олий архитектуравий таълимнинг мақсади 4,5 йиллик ўқув йили давомида кенг

профилга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида вужудга келадиган ижодий масалаларни мустақил равишда, юқори профессионал даражада ечишга қодир бўлган архитекторларни тайёрлашдан иборатдир.

Мамлакат аҳолисининг кўпайиб бориши натижасида жойлаштириш структураси муаммоларини илмий – асосланган ҳолда ечиш, янги шаҳарлар лойиҳалаш ва мавжуд шаҳарлардаги биноларни реконструкция қилишни, мамлакат аҳолисининг автомобилизациясининг динмий равишда ўсиб бориши ва инфратузилмали объектларнинг ечилишига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кишлоқ аҳоли яшаш жойларини инженерлик жиҳатдан тўлиқ таъминлаган ҳолда қайта қуришни талаб этади. Бизнинг кўз ўнгимизда рўй бераётган илмий – инфорацион техник тараққиёт натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг супер – янги замонавий (ўта замонавий) юқори ишлаб чиқариш технологияларига интенсификация қилиниши, энг асосийси – янги бозор – рақобат масалаларида моддий қадриятларни яратаётган инсоннинг бу қадриятларни яратиш жараёнига бўлган муносабати, мамлакатнинг архитектуравий – фазовий инфратузилмасини аниқлаб беради.

Ижтимоий фаолиятда бўлгани каби индивидуал ижодда ҳам инфорацион оқимнинг глобаллашуви (интернет, мобилли алоқа) инсониятнинг моддий ва маънавий талабларининг муттасил ўсиб боришига олиб бориши функционал белгиланадиган архитектуравий объектларнинг нафақат меъёрий миқдорига, балки аввалом бор бино ва иншоотларнинг барча типларидаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сифатига, уларнинг шинамлигига ҳамда улардаги дам олиш шароитларига бўлган юқори талабларни олдинга сурмоқда.

Марказий Осиё регионидagi мамлакатлар ичида аҳолиси бўйича энг катта бўлган Ўзбекистон Республикасининг масштаблари иқлим ва сув таъминоти бўйича хуш манзарали ҳудудларнинг нисбатан жуда ҳам кўп бўлмаслиги бу ўлкаларнинг атрофидаги мухитини асраб – авайлаб муҳофаза қилишни, қабул қилинаётган лойиҳавий ечимларнинг пухта иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини, тоғ – ён бағирларининг хуш иқлимли ҳудудлар сифатида аҳолини жойлаштириш учун ўзлаштирилишини талаб этади. Иқлимга кўра мураккаб бўлган (чўл ва даштли зоналар) ва ҳисобий сейсмиклиги бўйича районлар (Рихтер шкаласи бўйича 7 – 9 балл) Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини ташкил этганлиги, яқин келажакда аҳолининг кўпайишига боғлиқ ҳолда суғийи мухит сифатидаги Архитектуранинг ролини янада ўсиши функционал.

конструктив ва бадий масалаларни янада кўпроқ мураккаблаштиради ва уларга бўлган масъулиятни оширади, бу масалаларни архитекторлар янги ерларни ўзлаштиргандан сўнг ҳал қилинади.

“Архитектуравий лойиҳалаш” фани (курси) бўлажак архитекторларга нафақат билимлар мажмуаси ва амалий ўқувларни беради, балки хусусий буюртмада у ёки бу конкрет объектни умумлашган ҳолда кўра олишни ҳам ўргатади: катта мамлакат, мураккаб иқлим ва геологик шароитлар, юқори сейсмиқлик, буюк архитектуравий анъаналар – бутун жаҳон аҳамиятига эга бўлган, машҳур архитектура ёдгорликлари, ажойиб ва меҳнатсевар, сабр – қаноатли, тинч – осойишта, архитектуравий гўзалликни ардоқловчи ва юқори баҳолайдиган халқнинг барча фазилатларини архитектор ўзининг лойиҳасига сингдириши лозим.

1. Фаннинг мазмун – моҳияти.

“Архитектуравий лойиҳалаш” фани “Архитектура” ихтисослиги бўйича Бакалаврият Б – 580101 мутахассислик фанларнинг асоси ҳисобланади ва ўз навбатида йирик махсус функционал мавзулардан ташкил топган турларга бўлинади:

А. Тураф – жой бинолари; Б. Жамоат бинолари.

“Архитектуравий лойиҳалаш” фаннинг мақсади назарий ва амалий билимлар комплекси асосида архитектуравий лойиҳалашнинг ижодий жараёнининг услубиятини эгаллаган юқори савияли мутахассис амалиётчиларни тайёрлашдан иборат. Фанни ўзлаштириш давомида қуйидаги масалалар ечилади:

1. Кириш – таништириш маърузалари ўтилгандан кейин, этилган мутахассис тайёрловчи кафедралардан иккитасидан биттасини танлаш. Функционал мавзулардан ҳар бирида (иккита курс лойиҳаларидан ҳар бирига 10 ҳафтадан вақт берилади). Шу орқали архитектор касбига бўлган ички интилиш хусусий архитектуравий дидни шакллантирилади.

2. Замоनावий талаблар комплекси бўйича масалаларни ижодий ечиш услубини эгаллаш учун архитектуравий лойиҳалашнинг аниқ соҳасида назарий билимларни амалий қўллаш мақсадида танланган топшириқни ўрганиш.

3. Танланган курс мавзуси ёки диплом иши лойиҳаси бўйича бино ва иншоотларнинг замоनावий лойиҳалаш ва қурилишида ватанимизда ҳамда чет элларда тўпланган тажриба орқали: қоғозга қўл билан чизиш, калькага нусхасини тушириш, интернетдан маълумотларни қоғозга чиқариб олиш орқали танишиш.

4. Архитекторнинг ижодий услубини иқлим, геологик, маҳаллий қурилиш зонасининг талаблар тўпламини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик, композицион бадий ва конструктив масалаларни комплекс ечиш услубини эгаллаш.

5. Объектни шаҳарсозлик ва ҳажмий – фазовий комплексини конкрет муҳит – майдончасида қўришни график тасвирлашга уриниш мақсадида қалам билан қоғозга клаузуралар қўринишида А – 3 форматда эскизлаштириш – биринчи оралиқ назорати;

6. Архитектуравий меъёрлар ва қондалар асосида билим ва савияни индивидуал архитектуравий графикани шакллантириш орқали намоён этиш; а) аъъанавий тип орқали қалам ёрдамида; б) персонал компьютерда (ПК) кўрсатиш ва баҳолаш иккинчи оралиқ назорати;

7. Лойиҳани якуний график асосида тасвирлаш: а) аъъанавий тип (тушъ, акварель, гуашъ ва ҳ.к. ёрдамида); б) ПК дан А -3 форматда лойиҳанинг қоғоз нусхасини олиш – кафедра ўқитувчиларидан тузилган комиссия КП да комплексли якуний баҳолаш.

“Архитектуравий лойиҳалаш” курсининг дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

А) Назарий қисм курс лойиҳа ишининг ҳар бир мавзуси бўйича кириш маърузалари ўқилади. Бундан мақсад, берилган бино типининг лойиҳаланиш ва қурилишининг замонавий ҳолатлари билан талабаларни таништиришдан иборат бўлиб, унда кафедранинг услубий фондида сақланаётган иқтидорли талабалар томонидан бажарилган энг яхши лойиҳавий ечимларни мисол тариқасида кўрсатиш билан топшириқни кўргазмали (иллюстрацияли) ташкил этиш ва лойиҳалашдаги ечимларни деталли тушунтириш.

Б) Амалий қисмда талаба томонидан танланган курс бўйича ва диплом иши лойиҳаси топшириғини бажаришга ҳар бир талабанинг мустақил равишда ижодий ёндашишга қаратилади. Бунда уларнинг бажараётган ишлари мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг тажрибали ўқитувчиларининг индивидуал раҳбарлигида олиб борилади ва талабаларга диплом лойиҳаларини бажаришда тегишли кафедраларнинг ўқитувчилари консалтация берадилар.

2. “Архитектуравий лойиҳалаш” курсининг услубий асослари

Тошкент Олий Архитектура Мактаби тизимида архитектуравий лойиҳалашни ўргатадиган услубий курси йирик учта курсга бўлинади:

Биринчи курс: умумий тайёрлаш – талабаларни профессионал кизиқишлари ва саволлар доирасига киритиш мақсадида йўлга қўйилади, бадий дид ва фазовий таассуротни фикрлаш асосларини сингдириш, график тасвирлаш маҳоратини ўстириш, архитектуравий композиция асослари билан уларни таништириш;

Иккинчи курс: бакалаврларни асос билан таъминлаш профессионал тайёрлашда зарур бўлган, информациялар (ахборотлар, маълумотлар) ва архитектуравий лойиҳалашнинг шаҳарсозликдан бошлаб, реал муҳитда алоҳида турувчи функционал жиҳатдан турли туман мавзулар бўйича зарур бўлган амалий савияларни беради;

Учинчи курс: магистрнинг ихтисосликни танланган соҳадаги келгуси фаолиятда профессионал ориентациясига шарт-шароит ҳозирлайди.

Талабани архитектуравий малакасини оширишнинг асосий принциплари архитектуравий лойиҳалашнинг комплексли услубини умумийликдан хусусийликка томон боришини: шаҳарсозлик вазиятида, архитектуравий-фазовий композицияни, функционал тархий структурани, конструкция асослари, инженерлик таълимотини, иқтисодий самарадорликни ижодий фикрлаш билан ўзлаштиришдан иборатдир.

Ўқув дастурида куйидагилар кўзда тутилади: умумий тайёрлаш жараёнида алоҳида лойиҳаларни қисқа муддатли лойиҳа – эскизлар билан деталли ишлаб чиқиш, бунда асосан бадий – композицион характердаги масалалар қондага кўра, клаузурла кўринишида ечилади.

Биоларнинг ҳамма типологик гуруҳларидан курс ва диплом иши лойиҳаси учун объектлар сифатида характерли ҳажмий тархий (режавий)

тузулмага эга бўлган биноларнинг кўп учрайдиган турлари (майда ячейкали яшаш уйлари, меҳмонхоналар, пансионатлар, санаториялар, туристик базалар, лойиҳалаш институтлари, офислар, мактаблар; залли – кўрғазмали ва спорт комплекслари (мажмуалари); катта оралиқларга эга бўлган ёпик стадионлар, концерт заллари; аралаш структуралар бизнес марказлар, савдо комплекслари (мажмуалари, ёшлар ва маданият марказлари, йирик гаражлар автомобиллар турадиган жойлар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари ва бошқалар) танлаб олинади.

Иккинчи курсда талабалар курс лойиҳаларини (КЛ) учта курсда бажарадилар:

- тайёргарлик кўриш курси КЛ мавзулари бўйича кириш мавзуларини, берилган шаҳарсозлик вазияти билан танишишни, зарур бўлган ахборотлар, маълумотларни тўплаш, илмий раҳбарларнинг тушунтиришларини ўз ичига олади;

- танланган топшириқни пухта ўрганиш курси эскиз ғояни қаламда А3 форматда комплексли тасаввур қилиш билан клаузурларни бажариш ва ижодий эскизлар устида ишлаш;

- зарур бўлган ҳамма чизмаларнинг комплектли (жам.тамаси) бўйича КЛсини ижодий деталли ишлаб чиқиш фазаси.

Курс ва диплом лойиҳа ишлари шаҳар лойиҳа ташкилотлари ва хуссий ижодий устахоналарнинг реал дастурлари бўйича ишлаб чиқилади, бу билан архитектуравий лойиҳалашнинг амалий йўналтирилганлиги ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, топшириқлар институтдаги лойиҳалаш кафедралари ва илмий – текшириш ҳамда лойиҳалаш институтлари, саноат ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномалари билан боғлиқ бўлган мавзулар бўйича ҳам иш олиб борадилар, бу шартномалар асосидаги ҳамкорлик ўқув жараёнида бажарилаётган лойиҳаларга илмий изланиш, илмий тадқиқот, эксперименталь характер беради. Лойиҳа мавзуси замонавий талабларга реал лойиҳалаш шароитларига мос яқинлаштириш мақсадида коррективировка қилиниши мумкин.

3. Курс лойиҳалари.

Архитектор – бакалаврни тайёрлаш бўйича ўқув режасига мувофиқ равишда курс лойиҳалари ихтисослашган етакчи “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида 4,5,6 ва 9 семестрларида (биринчи ярим йилликда) бажарилади.

КЛ бўйича топшириқларни бериш кетма – кетлигининг принципи битта: оддийдан мураккабликка ва бир вақтнинг ўзида катта бўлмаган хоналар тўпламига эга бўлган бинолардан кўп функционаллик биноларга ўтилади. Турар - жой мавзусидаги КЛ реал амалиётда энг кўп талаб этиладиган объектлар сифатида биноларнинг қаватлар сонига кўра аниқланадиган барча типлари (кам қаватли 1 – 2, ўрта қаватли 3 – 5, кўп қаватли 6 – 16) бўйича бажарилади. Жамоат биноларининг катта турли хилдаги типларидан энг кўп учрайдиганлари ва долзарб бўлганлари курс лойиҳаси учун ажратиб олинади. Қуйида “Бакалавр” ихтисослигининг семестрлар бўйича бериладиган тартибдаги курс лойиҳалари бўйича ўқув топшириқлари ва услубий кўрсатмалар мисол тариқасида келтирилган.

**КУРС АРХИТЕКТУРАВЙЙ
ЛОЙИҲАЛАРИ
(4,5,6 семестр)**

1. “КАМ ҚАВАТЛИ ЯШАШ УЙИ”

мавзуси бўйича курс лойиҳасига ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар.

1. Умумий тушунчалар.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва “аҳоли” яшайдиган пункларидаги реал шароитлар учун 1 – 2 қаватли хусусий, яшаш уйлари типдаги коттеджларни лойиҳалашда зарур бўладиган амалий малаканинг талабалар томонидан эгалланиши лойиҳанинг бош масаласи бўлиб ҳисобланади.

Режага асосан бозор иқтисодига аста – секин: ўтиш моддий бойликларни, заҳиралар (ресурслар)ни қайта тақсимлашга олиб бормоқда ва ижтимоий аренада хусусий тадбиркорларнинг – мустақил равишда, ишлаб чиқаришнинг янги турларини ташкил этишда тадбиркорлар, ўртада турувчи савдо фирмалари, аҳолига кенг ассортиментда хизмат кўрсатадиган ўқув ва маданият марказларини вужудга келтирмоқда. Шу билан бир қаторда жамиятда энг такомиллашган технологиялар асосида ижтимоий муносабатларнинг янги турларини яратмоқда.

Ўрта синфдаги деб ном олган одамлар ва уларнинг oilалари пайдо бўлаёпти, улар ўзларининг ижодий – ишлаб чиқариш ва тижорат соҳасидаги фаолияти эвазига юқори даромадга эришмоқдалар. Булар турмушда халқнинг янги менталитетини яратмоқдалар, шу менталитет таркибига буюмлар оламининг бутун – бир комплекси, биринчи навбатда соф oilали яшаш уйи сифатида ва “яшаш уйи + хусусий ишлаб чиқариш” органик комплекси сифатидаги хусусий уй – жойларнинг янги типлари киради.

2. Бош режа

Талаба илмий раҳбари билан бирга Тошкент шаҳридаги реал ер майдончасини (ёки Ўзбекистон Республикасидаги исталган шаҳарда) М 1:500 масштабдаги топотасвири майдони 0,6га дан ортик бўлган ер майдончасини танлайди (вариантлар: 20х30м, 15х40м, 12х50м, қиска томони кўча тарафга тегишли). Майдон қатъий тарзида функционал ва технологик жиҳатдан ишга яроқли ташқари қисми ва oilага мосланган ичқари қисмга бўлинган бўлиш лозим. Умумий майдоннинг ҳар бир қисми машина ва одамларнинг киришини, ёпиқ гаражнинг бўлишини ва машина учун очиқ жой қолдирилишини, сув билан таъминланганлигини, кўкаламзор-лаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда қулай режалаштирилган бўлмоғи лозим. Мумкин қадар очиқ типдаги 3х6м ўлчамли сув ҳавзаси (бассейн)ни, кичик архитектуравий шакллар узун курси (скамейка)лар, супа, сури, гулзор ва шунга ўхшашларни режага киритишни тақозо этилади. Майдон бўйича техник – иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади ва стандарт талаблар бўйича майдон ҳудуди мувозанати (баланси) аниқланади (яъни қурилиш майдони, қаттиқ

қопламали йўлақлар ва майдончалар, яшил майдон юзалари m^2 (га) ва улар юзаларининг умумий майдон юзасига нисбатан фоиизи ҳисобланади). Йирик шаҳарларда ер майдонсининг танқислигини ҳисобга олган ҳолда икки – беш майдонни блокировка қилиш (бирлаштириш) тавсия этилади.

3. Яшаш уйи

Уйлар фақат оилавий яшаш учун майдони $12m^2$ /бир кишига бўлган меъёрга қабул қилинади. Уй – хонадонларнинг турлари яшаш хоналари сони ва яшаш ҳамда ёрдамчи хоналарнинг умумий қулайлиги бўйича 1 жадвал бўйича қабул қилинади.

Уйдаги ҳар бир хонанинг шамоллатилиши ҳаво оқимининг ўтиши орқали таъминланмоғи лозим: қарама – қарши фасадлардаги дераза оралиқлари форточкалари орқали горизонтал йўналишда ҳавонинг “оқиб” ўтиши ёки шахталар ёрдамида вертикал шамоллатиш лозим. Бунда йиғма шахта кўндаланг кесимининг умумий юзаси шамоллатиладиган хона умумий юзасининг $1/20$ қисмини ташкил этиши ҳисоблаб топилган. Вертикал шамоллатишда йиғма шахтага уланиш, битта қаватдан кейин тирсаксимон канал билан амалга оширилади. Бир томонли ориентацияга эга бўлган уйлар учун вертикал шамоллатиш мажбурийдир.

Қулай бўлган уйларнинг хоналари: меҳмонхона, умумий хона, кундузи кабинет вазифасини бажарувчи ота – она ётоқ хонаси, ўйин ва кизиқиши бўйича машғулотлар ўтказиладиган болалар ётоқхонасидан ташкил топган яшаш қисмини икки-сезонада гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

а) кундузги пайтда фойдаланиладиган зона даҳлиз, ховлили қўшиб қурилган шкаф, санитария тугуни, меҳмонхона, умумий хона, кабинет, хонадон ичидаги зинапоя, ошхона, ёзги жой (ҳовли); б) окшомги пайтда фойдаланиладиган зона – холл, ётоқхоналар, кийим алмаштириш хоналар, умумий фойдаланиладиган ажратилган санитария тугуни, ётоқхоналарнинг ёнига жойлашган, эни $1,2m$ бўлган лоджия туридаги индивидуал ёзги олди очиқ хона (жой).

Меҳмонхона – меҳмонлар учун мўлжалланган хона. Бу хона хонадон даҳлизидан бевосита кириш эшигига эга бўлади ёки унга умумий ҳовлидан кирилади. Меҳмонхона “дубль”, меҳмонхона номери принципи бўйича ўзининг қўшиб қурилган шкаф билан жиҳозланган даҳлизига ажратилган санитария тугуни (ҳожатхона + ваннахона)га ва камида иккита ухлаш жойига эга бўлган яшаш хоналаридан ташкил топади. Меҳмонхона орқали хонадоннинг бошқа хоналарига ўтиш кўзда тутилмайди.

Умумий хона – бош тантанавор, майдони бўйича хонадоннинг энг катта хонаси, бу хона бир томондан ховли орқали даҳлиз билан бевосита боғланишга ва иккинчи томондан ошхона ҳамда ёзги жой (ҳовлича) билан бевосита боғланишга эга бўлади. Каттароқ майдонга эга бўлиш ва байрам кунларида фойдаланиш учун қулайлик ҳосил қилиш мақсадида умумий

хонани ошхона билан ягона фазовий кенгликка сурилувчан (йиғиладиган) пардеворлар орқали бирлаштиришга йўл қўйилади.

Ётоқ хоналар – ўтиш жойларига эга бўлмаслиги ва ажратилган индивидуал санитария тугунлари ҳамда кийим алмаштириш хоналари (гардероб)га эга бўлиши тақозо этилади. Хонадоннинг ҳамма яшаш хоналари тўғридан – тўғри табиий йўл билан шамоллатилиши лозим.

Ошхона – функционал жиҳатдан иккита зонага эга бўлади: а) овқат (таомлар) тайёрлаш – ишчи б) кундалик овқатланиш жойи. Ошхона, бу зона умумий хонага йиғиладиган пардевор ёрдамида бирлаштирилиши мумкин. Ишчи ошхонанинг энг кам майдони 8 м^2 бўлиб, унинг 3 метрлик фронтига жиҳозлар (совутгич, икки камерали ювиш мосламаси, иш столи, кир ювиш машина – автомат, газ ёки электр плита) жойлаштирилади. Ошхона маҳсулотлар ва идишларни сақлашга мўлжалланган жойга (кладовкага) ҳам эга бўлади.

Дахлиз – холл эни 1,6м бўлиб, қўшиб қурилган шкаф билан жиҳозланади, бу шкаф устки кийимлар ва эни 0,6м бўлган пойафзал учун қисмлардан иборат бўлади, шкафнинг бўйи 1 – 2 хонали хонадонларда 0,8м, 3 – 4 хонали хонадонларда 1,2м, 5 – 6 хонали хонадонларда 1,6м ва 7 – 8 хонали хонадонларда эса 2,0м ни ташкил этади. Қўшиб қурилган шкафлар дахлизнинг эни қисқартириб қўймаслиги лозим. Холлар умумий хона билан йиғма (суриладиган) шиша пардеворлар билан боғланиши туфайли хонадондан турли функцияларни бажариш учун “оқиб ўтувчан” фазовий кенгликни ташкил қилади. Хонадон ичидаги йўлаклар ва шлюзлар потолок баландлигини қисқартиради ва бунда соф баландлик 2,2м ни ташкил этади. Қўшиб қурилган шкафлар ва хўжалик омборлари қуйидаги ўлчамларга эга бўлади: кийимлар учун шкафнинг эни – 0,6м, идиш – товоқлар ва китоблар учун 0,3м, хўжалик ва мавсумий буюмлар (нарсалар) учун 0,8м да бўлиши талаб этилади. Хонадон ичидаги зинапояларнинг эни 0,9м дан кам бўлмаслиги ва энг катта оғмалиги 1:1,5 нисбатда бўлиши, майдончаларнинг эни 1,2м дан кам бўлмаслигини тақозо этилади. Умумий хона ёки холлда радиусли зинапояларга йўл қўйилади, лекин бунда улар оралик майдончаларсиз қурилади ва зиналарнинг эни бир – биридан фарқ қилади, зинанинг оғмалиги ўзгарувчан бўлади.

Муаллифнинг асосий ғояси – архитектура ёдгорлиги сифатидаги фойдаланиш муддати 125 йилдан кам бўлмаган олий архитектура санъати объектини яратишда қўлланадиган қурилиш – монтаж ишлари учун қабул қилинган конструктив схема ва устубларга боғлиқ бўлади.

7 – 8 – 9 балли сейсмикликдаги 12 – балли шкала бўйича ўқув мақсадларида қуйидагилар тавсия этилади: пойдеворлар – қуйма темирбетон ва йиғма бетон блоклардан; деворлар – маҳаллий қурилиш материаллари (ғишт, шлакоблок)дан яширин темирбетон каркас ва темирбетон қуйма белбоғларнинг оралиқ том ёппалари баландлигида бажарилади. Тошкентнинг иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда деворнинг қалинлиги 38см (1,5 ғишт)ни ташкил этади. Том ёпилмаси ва

оралиқ том ёпилмалари – қалинлиги 22см бўлган кўп тешикли темирбетон плиталардан бажарилади, бунда 3 – 7,2м бўлган оралиқни ёпиш мумкин бўлади: антисейсмик конструктив тадбирлар деворларнинг режадаги ўқларининг – “қайчи” кўринишида силжишига йўл қўймасликни тақозо этади; антисейсмик тадбирларнинг талабларига риоя қилиш мажбурийдир!; зинапоялар – темирбетон элементлардан ташкил топади; том – оғма чердакли бўлиб, металл ситронилали ташқи сув оқишнинг ташкил этилиши билан шамолланадиган фазога эга бўлади, бунда чердак ёпилмаси турли рангдаги лнстли металл черепицалардан бажарилади. Ясси томдан ҳовли сифатида фойдаланиш мақсадида мансардли қаватни қуришга йўл қўйилади: фасадларнинг ташқи пардозланиши рангли юкори сифатли материаллардан ишланиб, узоқ муддатга мўлжалланган бўлишни тақозо этилади.

1 – жадвал. Комфорт типли хонадоннинг бир кишига 25 – 30м² юза тўғри келишидан келиб чиққан ҳолдаги таркиби ва юзаси (майdonи).

Хоналар таркиби		Турар жой хоналарининг юзалари, м ²				
		3 хонали	4 хонали	5 хонали	6 хонали	7 хонали
А. Яшаш хоналари						
1.	ОК (умумий хона)	22	24	26	28	30
2.	МХ	20	22	24	26	28
3.	СПР (ётоқ хона)	18	18	18	18	18
4.	СП – 1 (ётоқ хона)	-	12	12	12	12x2
5.	СП – 2 (ётоқ хона)	-	-	14	14	14
6.	Д/и (болалар хонаси)	-	-	-	16	16
Яшаш майdonи:		60	76	94	114	130
Б. Ёрдамчи хоналар						
7.	ПР + ХЛ + КР	10	12	15	18	20
8.	КХ + СТ (ошхона)	12	12	14	14	12
9.	С/У (санитар тугун)	5	6	8	10	12
10.	СН + БС	-	15	20	25	30
11.	КЛ + ВШ	3	5	7	10	12
Ёрдамчи майdon:		30	50	64	77	90
Умумий майdon:		90	126	158	191	220

Изоҳ: А) Шартли белгилар: ОК (ух) – умумий хона, МХ – меҳмонхона меҳмонлар учун хона, меҳмонхона номери сифатида лойиҳаланади, иккита жой ва қўшимча болалар кроватининг қўйилиши ҳисобга олинади, локалли ажратилган санитар тугунлар, балкон ёки

лоджия типигаги ёзги хона бўлиши ҳисобга олинади. СПР – ота – она ётоқ хонаси; СПР – бир киши учун ётоқхона; СП – 2 – икки киши учун ётоқхона; Д/И – болалар учун ўйин хона; ПР + ХЛ + КР – даҳлиз + холл + йўлак; КХ + СТ – ошхона, ҳар куни (кундалик) фойдаланиш учун; СУ – ажратилган санитар тугунлари; СН + БС – сауна + бассейн; КЛ + ВП – хўжалик кладовкаси + қўшиб қурилган шкафлар.

Б) Қаватининг баландлиги – 3,3м, ёзги хоналарининг баландлиги – 4,95м кам бўлмаслиги лозим.

4. Машина туриш жойи ва гараж.

Машиналар учун ажратилган очиқ ташқаридаги жой 4 – 6 автомашина учун мўлжалланган бўлиши керак. Ёпиқ машина турар жойи – гаражнинг майдони $1 \text{ м/м} = 24 \text{ м}^2$ бўлиб, иккита машина учун мўлжалланади (машиналарнинг кириши ва чиқишини ҳисобга олган ҳолда).

5. Техник – иқтисодий кўрсаткичлар.

а) Яшаш майдони; б) Умумий майдон; в) Ёзги (иситилмайдиган) хоналар майдони; г) қурилиш ҳажми.

6. Курс лойиҳа – иши таркиби.

- майдоннинг бош режаси – 1:500, 1:250 (масштабда);
- фасадлар (иккита) – М1:150; 1 – қават ва такрорланмайдиган қаватларнинг режаси, М1:100; - зинапоя катакчаси бўйича кўндаланг кесим, М1:100, 1:150; - перспектива (аксонометрия) ёки макет.

7. Ишнинг бажариш графикаси.

Курс, диплом олдир лойиҳасининг бажариш муддати – 10 ҳафта.

1 – рейтинг – А – 3 қоғозга қўлда қалам билан клаузурани бажариш – 4 ҳафта якунида.

2 – рейтинг – 8 – ҳафта охирида 0,8х0,8м ўлчамдаги битта рамка остида 0,55х0,75м ўлчамдаги иккита рамка остида (планшетларда) қалам орқали бажарилган лойиҳани баҳолаш.

3 – рейтинг – қўл билан қаламда тўлиқ бажарилган лойиҳани баҳолаш (тушъ, акварель, гуашъ, темпера) – 11 – ҳафтанинг бошида.

Тузувчи :проф. Коробовцев Г.И.

2. “ЎРТА ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ (ЛИФТСИЗ)”

мавзуси бўйича ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар

1. Умумий тушунчалар

Шаҳар яшаш ҳудудларининг танқислиги туфайли Ўзбекистон Республикасида аҳолини урбанизациялашган ҳолда жойлаштирилиши бўйича 3,4,5 қаватли лифтсиз уйлар турар – жой биноларининг асосий типларига айланмоқда. Уларнинг кўплаб қўлланиши яшаш ҳудудлари ва инженерлик коммуникацияларидан етарли даражада самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Турар – жой биноларининг бундай типни Марказий Осиё регионларида турли – туман архитектуравий режавий, ҳажмий – образли ва конструктив ечимлари билан янада кенг оммалашиб бормоқда. Улар иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, турли сонли ва демографик таркибдаги оилаларнинг яшаши учун фазовий – режавий параметрлар бўйича республикамизнинг мураккаб иқлими ва сейсмик районларида (7 – 9 балли) маълум муддатларда нормал санитар гигиеник ва комфорт шароитларни яратди.

Курс лойиҳасининг бош масаласи Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшаш пунктларидаги айнан реал шароитлар учун ўрта қаватли турар – жой биноларини лойиҳалаш бўйича амалий – ижодий малакаларнинг эгаллашдан иборатдир.

2. Топшириқнинг мазмуний таркиби.

Ўзбекистон Республикасининг иқлим ва сейсмик шароитлари учун шаҳар типдаги 3 – 5 қаватли турар – жой биносини форэскизли стадияда (курсда) лойиҳалаш. Ўзгарувчан ёки доимий қаватликни, режавий ва конструктив структурани, архитектуравий – бадий образни, хонадонлар таркибини танлаш талаба томонидан Ўзбекистон Республикасининг шаҳарлари ёки аҳоли яшаш пунктларида турар – жой бинолари учун ажратилган майдонларида олиб борилади.

2.1. Чегаравий қаватлик бўйича лифтсиз яшаш уйлари пиёда чиқиш баландлиги 12,5 бўлган максимал баландликда режалаштирилади. Пиёда чиқиш масофаси (баландлиги) уй олдидаги тратуар сатҳидан охириги қават уйига кириш сатҳи билан ўлчанади. Проезд билан қўшилган йўлка сатҳи биринчи қават сатҳидан - 1м қуйида жойлашади, асосий яшаш қаватининг баландлиги 3м (полдан - полгача), максимал қаватлар сони 5 та деб аниқланади ($3 \times 4 + 1 = 13,0\text{м}$). Агар 5 – қават хонадонлари “пент - хауз” типининг сатҳи бўйича иккита сатҳда ечилган бўлса, у ҳолда лифтсиз ҳолатда 6 – қаватни (яшаш уйини) ҳам лойиҳалаш мумкин бўлади. Лекин бундай қилиш тақозо этилмайди, чунки иссиқ даврлар (июль + август)да инсон ҳаётий фаолиятининг физиологик параметрлари бўйича оптимал (мақбул) қаватлилик уч қават бўлади. Демак, 4 – қаватли янги комфортли уйлар лифтга эга бўлишини тақозо этилади.

2.2. Режавий схемалар бўйича - турар – жой бинолари қуйидагича лойиҳаланиши мумкин: а) сексияли – ҳамма хонадонлар қаватлар бўйича вертикал пиёда юриш коммуникацияси – лифт атрофида гуруҳлантирилади, бунда хонадонлар дахлизи олдида битта ёки иккита кириш майдончаси кўзда тутилади; б) галереяли ва йўлакли – хонадонлардан зинапоя катагига чиқиб қаватлар бўйича жойлаштирилган умумий фойдаланишдаги галереялар ёки йўлақлар орқали амалга оширилади; в) эвакуацияни амалга оширишнинг қўшма схемаси: галереяли – сексияли ёки йўлакли – сексияли, бунда галерея ёки йўлақларнинг қисқа узунликда бўлишларидан фойдаланилади. Бундай қисқа бўлимлар битта зинапояга кўпроқ хонадонларнинг тўғри келишини таъминлайди. Бунда шуни назарда тутиш керакки, галереялар ҳам йўлақлар ҳам қандайдир майдонни эгаллаши тайин, бу майдон сексияли бинолардаги битта зинапоялардан анча кўп бўлган майдонни ташкил этади. Шунинг учун турар – жой биноларининг сексияли схемаси иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлиб қолаверади. Режаларнинг галереяли – сексияли ва йўлакли – сексияли схемалари баланд яъни кўп қаватли лифтга эга бўлган турар – жой бинолари учун жуда қулайдир.

2.3. Уйлар фақат онлали жойлашиш учун қабул қилинади, бунда бир кишига 12м^2 юзали майдон тўғри келадиган меъёрдан келиб чиққан ҳолда камида 100 кишини сиғдира оладиган турар – жой биноси лойиҳаланади (минимум ҳолатда 24 хонадон бўлади, улар камида иккита блок – сексияларга жойлашади ва бинода режаси, тўплами бўйича уч типли хонадонлар бўлиши тақозо этилади). Яшаш хоналари сони ва яшаш ҳамда ёрдамчи хоналардаги умумий комфортлик бўйича белгиланадиган хонадон типлари 1 – жадвалга асосан қабул қилинади. 1 – асосий вариант, 2 ва 3 – лари эса диплом олди ва диплом иши лойиҳалари учун қабул қилинади. Талаба хонадон таркибини қуйидаги вариантларда қабул қилади:

а) кам хонали (1 – 3 хонали хонадонлар), б) ўртача сонли хонали (3 – 5 хонали хонадонлар), в) кўп хонали (4 ва ундан юқори хоналарга эга бўлган хонадонлар), г) турли уйғунликдаги қўшма хонали хонадонлар, кўпроқ кам хонали (1 – 2 хонали) хонадонларнинг кўп хонали хонадонлар (4 ва ундан юқори хонали) билан уйғунлашуви, бунда уч ёки тўрт авлодли онлаларнинг қўшни бўлиб яшашлари учун $(1 - 2) + (4 - 5 - 6)...$

3.4. Яшаш хоналаридан ҳар бирининг шамол ёрдамида табиий шамоллатилиши талаб этилади: горизонтал равишда қарама – қарши жойлашган дераза форточкалари орқали шамоллатиш, ёки аэрацион шахталар ёрдамида вертикал равишда шамоллатиш, бунда йиғма шахтанинг кўндаланг кесим юзаси шамоллантирилаётган хона юзасининг $1/20$ қисмини ташкил этиши лозим. Бунда йиғма шахтага уланиш қаватлар оша (яъни битта қаватдан кейин) тирсакли уланиш орқали амалга

оширилади. Бир томонли ориентацияга эга бўлган хонадонлар учун вертикал шамоллатишнинг бўлиши мажбурийдир.

Хоналар таркиби	Уй хоналарининг юзалари, м ²				
	3 хонали	4 хонали	5 хонали	6 хонали	7 хонали
А. Яшаш хоналари					
1. ОК (умумий хона)	22	24	26	28	30
2. МХ	20	22	24	26	28
3. СПР (ётоқ хона)	18	18	18	18	18
4. СП – 1 (ётоқ хона)	-	12	12	12	12x2
5. СП – 2 (ётоқ хона)	-	-	14	14	14
6. Д/и (болалар хонаси)	-	-	-	16	16
Яшаш майдони:	60	76	94	114	130
Б. Ёрдамчи хоналар					
7. ПР + ХЛ + КР	10	12	15	18	20
8. КХ + СТ (ошхона+ошхона)	12	12	14	14	12
9. С/У (санитар тугун)	5	6	8	10	12
10. СН + БС	-	15	20	25	30
11. КЛ + ВШ	3	5	7	10	12
Ёрдамчи майдон:	30	50	64	77	90
Умумий майдон:	90	126	158	191	220

Изоҳ: а) шартли белгилар: ОК – умумий хона, СПР – ота-она ётоқ хонаси, СП – 1 – бир киши учун ётоқхона, СП – 2 икки киши учун ётоқхона, ПР = ХЛ + КР – даҳлиз + холл + йўлак, КХ + СТ – ошхона + ошхона, С/у – ажратилган санитар тугунлар, КЛ + ВШ хўжалик хонадонси + қўшма қурилган шкафлар; б) 1 – жадвалда келтирилган юзалар 10%дан ошмаган миқдорда оширилишига йўл қўйилади; в) Иккита сатҳда жойлашган хонадонларда хонадон ичи зинапояларини жойлаштириш учун 8 – 10м² юзали майдон қўшимча киритилади; г) Яшаш қаватининг баландлиги – 3,0м, ёзги хоналарнинг тавсия этиладиган баландлиги ер сатҳида (1 - қаватда) ва том ёпилмаларида (2 – 5 қаватлар) битта одамга 6м² юза тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда 4,5 кам бўлмаслиги лозим (12м²/1 киши яшаш майдони нормасида); қурилиш районининг ҳисобий сейсмиклиги – 7,8,9 баллни ташкил этиши тақозо этилади.

2.5. Уйларнинг структураси.

Яқин риштали алоқалар бўйича оила-клонларини жойлаштиришнинг ананавий усулини ҳисобга олиб, умумий ёзги ховли-жой, атрофида хонадонларнинг турли типларини жойлаштириш тавсия этилади, масалан, 1+2+6, ёки 1+3, 2+4, 1+5, 2+2+3+4 ва ҳ.к. бунда умумий коммуникациялар (знапоаялар, галереялар, йўлаклар) орқали хонадонларга локалли кириш имкониятлари ва ҳар бир хонадондан умумий оила ховлисига чиқиш имконига эга бўладиган локалли чиқиш ҳам кўзда тутилади. Бунда биринчи ва иккинчи қаватдаги хонадонларни (фақат коттеджлар типидagi иккита сатҳдаги хонадонлар) учун хонадон олдидаги ер устига индивидуал ховлиларни лойиҳалаш тавсия этилади ва бир кишига 12м² юза тўғри келиш меъёридан фойдаланилади (бунда ховлили, қурилишлар: гараж – машина жойи, хўжалик омбори, ёзги ошхона ва санитар тугуни ҳисобга олиниши лозим).

Хонадонларни режалашда халқ меъморчилиги принциплари ва усулларида ҳамда ватанимиз ва чет элларда иссиқ иқлим ва юқори сейсмик (7 балл ва ундан юқори) регионларда ўртача қаватли биноларнинг замонавий архитектурасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан ижодий фойдаланишни тақозо этилади.

2 –жадвал. Қулай уйларнинг таркиби ва майдони бир кишига 25 – 30м² умумий майдон тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.
“500 – 800 кишига мўлжалланган ўртача қаватликдаги турар – жой биносининг структураси”. (бакалавриатуранинг IX семестри).

Хоналар таркиби		Уй хоналарининг юзалари, м ²				
		3	4	5	6	7
		хонали	хонали	хонали	хонали	хонали
А. Яшаш хоналари						
1.	ОК (умумий хона)	22	24	26	28	30
2.	МХ	20	22	24	26	28
3.	СПР (ётоқ хона)	18	18	18	18	18
4.	СП – 1 (ётоқ хона)	-	12	12	12	12х2
5.	СП – 2 (ётоқ хона)	-	-	14	14	14
6.	Д/и (болалар хонаси)	-	-	-	16	16
Яшаш майдони:		60	76	94	114	130
Б. Ёрдамчи хоналар						
7.	ПР + ХЛ + КР	10	12	15	18	20
8.	КХ + СТ (ошхона+ошхона)	12	12	14	14	12

9.	С/У (санитар тугун)	5	6	8	10	12
10	СН + БС	-	15	20	25	30
11	КЛ + ВШ	3	5	7	10	12
Ёрдамчи майдон:		30	50	64	77	90
Умумий майдон:		90	126	158	191	220

2.6. Уйнинг яшаш хоналари: меҳмонхона, умумий хона, ота – она ётоқхонаси, болалар ётоқхоналари яшаш хоналари таркибига киради. Кундузги пайтда ота – оналар ётоқхонасидан кабинет, болалар ётоқхоналаридан эса улар учун ўйин хоналар ва уларнинг қизиқишлари бўйича машғулот хоналари сифатида фойдаланилади, яшаш хоналарини иккита зонага гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқдир: а) кундузи тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган зоналар – дахлиз- холл + қўшиб қўрилган шкаф, санитар тугун, меҳмонхона, хонадон ичи зинапоёси, ошхона, ҳовли (ёзги дам олиш жойи); б) оқшомги пайтда тўлиқ фойдаланиладиган зоналарга – холл, ётоқхоналар, гардеробли хоналар (кийим алмаштириш хоналари), умумий ажратилган фойдаланишдаги санитар тугунлар, ётоқхоналарга туташган эни 1,2м дан кам бўлмаган лождия типдаги ёзги фойдаланиш жойлари.

Меҳмонхона – меҳмонлар учун алоҳида ажратилган хона, меҳмонхона дахлиздан ёки ҳовлидан бевосита кириш жойига эга бўлади, яъни меҳмонхонага бошқа яшаш хоналари орқали кирилмайди. Меҳмонхона “дубль” деб номланувчи меҳмонхона номери принципи бўйича лойиҳаланади ва у қўшиб қўрилган шкаф билан жиҳозланган дахлизга, ажратилган санитар тугунга (ҳожатхона ва ювиниш хонаси) ҳамда иккита ухлаш жойига эга бўлган яшаш хонасига эга бўлади.

Меҳмонхонага уйларнинг бошқа хоналари орқали ўтишга рухсат берилмайди, яъни меҳмонхонага уйнинг бошқа хоналари орқали ўтиш кўзда тутилмайди.

Умумий хона – хонадоннинг тантанавор хонаси бўлиб, у бир томондан холл орқали дахлизга бевосита боғланган бўлади, иккинчи томондан эса ошхона ва ёзги жой (ҳовли) билан бевосита боғланишга эга бўлади. Байрам кунлари фойдаланиш учун қулайликлар туғдириш ва кенгроқ (катта) майдонга эга бўлиш мақсадида умумий хонани ошхона билан йиғма (силжийдиган, ҳаракатланувчан) пардеворлар ёрдамида бирлаштиришга рухсат берилади.

3 – жадвал. Юқори қулайликка эга бўлган уйларнинг таркиби ва майдони (юзаси) 1 кишига 35 – 40м² (35 – 40м²/киши) юза тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш орқали аниқлани.

Хоналар таркиби		Уй хоналарининг майдони, м ²				
		4 хонали	5 хонали	6 хонали	7 хонали	8 хонали
А. Яшаш хоналари						
1.	Умумий хона	24	27	30	33	36 – 60
2.	Меҳмон хона	24	27	30	33	36 – 60
3.	СПР – ота – она ётоқхонаси	20	20	20	20	20 – 24
4.	СП – 1 – бир кишилиқ ётоқхона	-	12	14	14	12x2
5.	СП – 2 – икки кишилиқ ётоқхона	-	-	14	14	14x2
6.	СП – меҳмонлар ётоқхонаси	-	-	-	-	24
7.	КБ – кабинет	14	14	14	16	20
8.	Д/и – болалар ўйнайдиган жой	-	-	-	16	16
Яшаш майдони:		115	138	161	190	254-284
Б. Ёрдмчи хоналар						
9.	ПР + ХЛ + КР	24	30	36	42	48
10.	КХ + СТ (ошхона – стол)	14	16	18	20	22 – 24
11.	С/У (санитар тугун)	12	14	16	18	20
12.	СН + БС (сауна - бассейн)	15	20	25	30	36 – 48
13.	Биллиард хонаси	24	24	24	30	36 – 48
14.	Тренажёрный зал	18	24	30	36	48 – 60
15.	Клад + Гард	8	10	12	14	16 – 24
Ёрдмчи майдон:		115	138	161	190	254-284
Умумий майдон:		192	238	281	334	458-540

Изоҳ: а) шартли белгилар: ПР + ХЛ + К – даҳлиз + холл + йўлак; б) Яшап қаватининг баландлиги – 3,3м; катта юзага (майдонга) эга бўлган хоналарнинг баландлиги 1,65м га қаррали қилиб олинади (4,95м; 6,6м); в)

Иккита сатҳда жойлашган хонадонларда хонадон ичи зинапоyesi учун $10 - 12\text{ м}^2$ юзага эга бўлган майдон қўшиб берилади; г) Ёзги хоналарнинг майдони $6 - 10\text{ м}^2$ /киши, баландлик $- 4,95$ ва $6,6\text{ м}$.

Ётоқхоналар – алоҳида ажратилган санитар тугунлар ва кийиниш гардероблари билан жиҳозланиши мумкин, улар орқали хонадоннинг бошқа хоналарига ўтишга рухсат берилмайди, яъни уларда ўтиш жойлари кўзда тутилмайди. Ҳамма яшаш хоналар тўғридан – тўғри тушадиган табиий ёруғлик ва табиий равишда шамоллатилиш имкониятига эга бўлиши тақозо этилади.

Ошхона – функциональ жиҳатдан иккита зонага эга бўлади: а) овқат (таомлар) тайёрлаш зонаси – иш зонаси (ишчи зона); б) кундалик овқатланиш жойи (зонаси) ошхона, бу зонани умумий хона билан йиғма (силжийдиган, ҳаракатланувчан) пардеворлар ёрдамида бирлаштириш мумкин. Ишчи ошхонанинг майдони 8 м^2 дан кам бўлмаслиги лозим, унинг 3 м фронтал узунлиги бўйлаб жиҳозлар (совутгич, икки камерали ювиш мосламаси, иш столи, кир ювиш машинаси – автомат, газ ёки электр плитаси). Ошхонада озиқ – овқат маҳсулотлари ва идиштовокларни сақлаш жойи (кладовка) ҳам кўзда тутилади.

Даҳлиз + холлнинг эни $1,6\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги ва у қўшиб қурилган шкаф билан жиҳозланиши лозим. Бу шкаф устки кийимлар ва пойфазаллар учун мўлжалланган бўлиб, унинг эни $0,6\text{ м}$ ва бўйи: $1 - 2$ хонали хонадонларда $- 0,8\text{ м}$, $3 - 4$ хонали хонадонларда $- 1,2\text{ м}$, $5 - 6$ хонали хонадонларда $1,6\text{ м}$, $7 - 8$ хонали хонадонларда $- 2,0\text{ м}$ ни ташкил этади. Қўшиб қурилган шкафлар даҳлизнинг энини қисқартирмаслиги керак. Холлар умумий хоналар билан шишадан ишланган пардеворлар орқали (ёрдамида) боғланади ва бунда “окиб ўтувчан” фазовий кенгликни ҳосил қилади, бундай фазовий кенгликдан турли функцияларни бажаришда эркин ҳолда универсал фойдаланиш мумкин.

Хонадон ичидаги йўлаклар ва шлюзларнинг эни $1,2\text{ м}$ дан кам бўлмаслигини тақозо этилади, уларга антрессоллар яъни потолокка осма тарзда шкафлар ўрнатилади, бу шкафлар полдан потолоккача бўлган баландликни қисқартиради, шкаф остидаги ўтиш жойининг баландлиги $2,2\text{ м}$ ни ташкил этади.

Қўшиб қурилган шкафлар ва хўжалик омборхонасининг эни қуйидагича бўлади: кийим кечаклар учун $- 0,6\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги; китоблар ва идиш – товоқлар учун эса $- 0,3\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги; хўжалик ва мавсумий нарсалар – буюмлар учун эса $0,8\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги лозим. Хонадон ичига қурилган зинапоyларнинг эни $0,9\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги лозим ва бу зинапоyнинг энг катта оғмалиги $1:1,5$ нисбатни ташкил этиши, зинапоy майдончасининг эни эса $1,2\text{ м}$ дан кам бўлмаслиги лозим. Радиусли – ташки контури эгри чизиqli, бўлган зинапоyларга рухсат этилади. Уларнинг оғмалиги ўзгарувчан бўлади, ҳар бир зинанинг боши ва охирининг эни бир – бирдан фарқ қилади, яъни зинапоyлар қочирма

ҳолатда жойлаштирилади, бундай зинапоаяларда оралик майдончанинг бўлиши кўзда тутилмайди ва уларни умумий хона ёки ҳоллга қуриш тавсия этилади.

2.7. Эвакуация зинапоаясига бир қаватнинг ўзида яшаш блок – секциясининг ишчи зинапоаясига чиқилгани каби ҳамма хонадонлардан чиқилади. Бу зинапоаянинг оғмалиги (қиялиги) 1:2 нисбатни ташкил этмиш лозим (поғоналар – зиналарнинг баландлиги 15см ва эни 30см бўлади), зинапоая маршлари ва майдончаларининг эни 1,2м дан кам бўлмаслиги лозим, маршлар орасидаги оралик (тирқиш) 0,1м ни ташкил этиши, ён томондан ёки юқоридан (томдаги зенит фонарь) табиий ёритиш ҳамда шамоллатиш кўзда тутилган бўлиши лозим. Умумий йўлаклар ва очик галереяларнинг эни 1,4 дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Эвакуацион зинапоаяларда тутун тўпланмаслиги олдини олиш учун ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида квартирлардаги очик балконлар ва лоджиялар бўйича қўшни блок – секцияларга ўтиш жойларининг кўзда тутилиши тақозо этилади. Комфорт шароитга эга бўлган турар – жой биноси учун ёнғин хавфсизлиги меъёрининг бундай экстремаль талабини қўллаб бўлмайди. Шу сабабли шинам, комфорт ва юқори комфорт шароитли типдаги ўрта қаватли барча янги яшаш уйлари учун тутун тўпланмайдиган зинапоаяларни лойиҳалашни тақозо этилади, бунда берилган блок – секция яшовчиларини қўшни блок – секцияларнинг режавий (тархий)структурасига боғлиқ бўлмаган ҳолда локаль эвакуация қилишни таъминлаш кафолатланган бўлиши талаб этилади.

Зинапоаяларда тутуннинг тўпланмаслигини қуйидагича таъминланади: а) ташқи очик зинапоаяларни ўрнатиш билан; б) ёпик зинапоаяларни тўсувчи конструкцияларнинг оловга бардошлик (ёнғинга бардошлик) чегараси бир соатдан кам бўлмаслиги лозим.

2.8. Яшаш уйлари (турар – жой бинолари) даги санитар – техник жиҳозлар – замонавий марказлашган инженерлик коммуникациялар. Ошхона энергия тежайдиган табиий газ плитаси билан жиҳозланганда унда табиий ёруғлик ва табиий шамоллатиш албатта кўзда тутилиши лозим. Электр энергиясига мосланган ошхонани иккинчи ёруғлик – сунъий ёритиладиган жойга жойлаштириш мумкин.

Ҳамма санитар тугунлар алоҳида типда жойлаштирилади, унитаз ва қўл ювгич билан жиҳозланган хожатхона, ванна – джакузи, қўл ювгич, биде ва кир ювиш машинаси билан жиҳозланган ванна хона. Санитар тугунларни бошқа хонадонларнинг яшаш хоналари ҳамда ошхоналарининг устига ўрнатишга рухсат берилмайди. Индивидуаль санитар тугунларга яшаш хоналаридан киришга йўл қўйилади. Умумий фойдаланишдаги санитар тугунларга фақат даҳлиз, йўлак ва шлюздан, индивидуаль фойдаланишдаги санитар тугунларга ётоқ хоналардан киришни тақозо этилади.

2.9. Қурилиш материаллари ва конструкциялари қабул қилинган конструктив схема ва қурилиш – монтаж ишларини ишлаб чиқариш услубларига боғлиқ бўлади, улар абадий архитектура ёдгорликлари сифатида олий архитектура санъати объектини яратиш тўғрисида муаллифнинг уникаль гоёларига тўлиқ жавоб берган ҳолда 125 йилдан кам бўлмаган муддатда хизмат қилиши кўзда тутилади. Ҳуқуқ мақсадларида 7 – 8 – 9 балли сейсмикликдаги 12 балли шкала бўйича қўйидагиларни қабул қилиш тавсия этилади: пойдеворлар – қўйма темирбетонли ва йиғма бетон блоклардан; деворлар – темирбетон каркас ва темирбетон қўйма белбоғ конструкциялар комплексида ғишт ва шлакоблоктан терилади. Тошкент иқлим шароитлари учун деворнинг қалинлиги 38см (1,5 ғишт); том ёпиғмаси – қалинлиги 22см бўлган кўп тешикли йиғма темирбетон плиталар қўлланилади, улар ёрдамида 3,0 – 7,2м оралиқлар ёпилади; антисейсмик конструктив талаблар бўйича режада деворлар жойлашиш ўқларини кўчиришга йўл қўймаслик талаб этилади; антисейсмик тадбирларга қатъий риоя қилиш талаб этилади; эвакуацион зинапоялар йиғма – темирбетон элементлардан тайёрланади; бино томи – чердакли, икки томонли қияликка эга бўлган металл стропилаларга ўрнатиладиган турли рангли металл черепицаларда бажарилади, ёмғир ҳамда қор эришидан ҳосил бўладиган сув ташқи сув оқиш қувурлари орқали пастга узатилади. Мансардали қаватга ва ясси том қисмларидан фойдаланган ҳолда патио ҳовли сифатида тент – хауз хонадонларнинг қурилишига руҳсат берилади. Том бу бешинчи фасаддир. Фасадларнинг ташқи фасади юқори сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда тегишли ранглarning қўлланилиши билан узоқ муддатга чидайдиغان қилиб ишланиши лозим.

2.10. Бош режа томонидан 4 – 6 яшаш уйлари гуруҳларидан таркиб топган майдоннинг бош режаси талаба томонидан лойиҳаланаётган уйни ва бу гуруҳ уйларига тегишли бўлган ички ҳовлиларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Бош режада ёруғлик тушиш томонларининг ориентацияси (шимолга йўналтирилган) тасвирланиши, машина кириш жойларининг эни 3,5 машиналар икки томонлама қатнаш жойларининг эни 6 м ўлчамда, ҳар бир уй атрофида 5 – 6 та машина учун туриш жойи, хўжалик, болалар ва спорт майдончалари, чангни бостириш мақсадида сув сепиш учун мўлжалланган сув хавзалари, пиёдалар юриш йўлакчалари тасвирланган бўлиши лозим.

2.11. Ҳар бир хонадон ва бутун уй бўйича техник – иқтисодий кўрсаткичлар:

а) яшаш майдони; б) умумий майдон; в) ёзги хоналар, жойларнинг (иситилмайдиган) майдони; г) 12м² юзага бир киши (12м²/киши) тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда яшаш уйининг аҳолисини аниқлаш.

3. Лойиҳа график қисмининг таркиби:

- 500 кишилиқ яшаш уйлари гуруҳининг бош режаси, М 1:1000, М 1:500; иккита фасад чизмаси, М 1:100, М 1:150; мебелларнинг жойлашишини

кўрсатган ҳолда учта типдаги уйларнинг режаларини (тархларини) тузиш;
уйнинг перспектива (аксонометрия)сини чизиш ёки макетни яшаш.

4. Лойиҳани бажариш графиги.

Курс (курс) лойиҳасини бажариш муддати – 10 ҳафта.

Рейтинг – 1 – тўртинчи ҳафта охирида қўлда клаузурани чизиш.

Рейтинг – 2 – еттинчи ҳафта охирида 0,8х0,8м ёки 1,0х1,0м битта рамкада қўл орқали қаламда чизилган лойиҳани баҳолаш ёки 0,55х0,75м рамкада (планшетда) қўл орқали қатамда чизилган лойиҳани баҳолаш.

Рейтинг – 3 – қўлда тўлиқ (тушь, акварель, гуашь, темпера) ёки персоналъ компьютерда бажарилган лойиҳани XI ҳафтанинг бошида баҳолаш.

Тузувчи:проф.Коробовцев Г.И.

3. “КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР – ЖОЙ БИНОСИ”

мавзусида курс лойиҳаси бўйича ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар

1. Умумий тушунчалар

Шаҳарлардаги яшаш ҳудудларининг танқислиғи туфайли Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказлари, мамлакат пойтахти ва Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарларида вақт ўтиши билан аҳолини урбанизациялашган (жамланган) ҳолда жойлаштирадиган турар – жой биноларининг асосий типларини кўп қаватли яшаш уйлари ташкил эта бошлайди. Бундай уйларнинг кенг кўламда қўлланиши яшаш ҳудудларидан ва инженерлик коммуникацияларидан етарли даражада самарали фойдаланиш имконини беради. Уйларнинг бундай типи яъни кўп қаватли турар – жой биноларининг архитектуравий режасининг турли – туман экани, ҳажмий – қиёфали ва конструктив ечимлари бўйича, Марказий Осиё регионида етарлича кенг апробация қилинган. Улар фойдаланиш учун иқтисодий тежамкор, ҳудуддан рациональ фойдаланишда самарадор ва турли сонли ва демографик таркибга эга бўлган оилаларнинг мамлакатнинг мураккаб иқлим ва сейсмик (7 – 9 балл) районларида яшашлари учун фазовий – режавий параметрлари бўйича меъёрий санитария – гигиеник ва комфорт шароитларни анча узок бўлган муддатга таъминлаб беради. Шу билан бир вақтнинг ўзида кўп қаватли яшаш уйларнинг қурилиши йирик шаҳарларда кўркам фазовий композицияларни яратиш ва ўсиб бораётган Республика аҳолисини жойлаштириш имконини беради.

Курс лойиҳасининг асосий вазифаси талабалар томонидан Ўзбекистон Республикасидаги айнан йирик шаҳарларда мавжуд бўлган реал шароитлар учун кўп қаватли яшаш уйларини лойиҳалаш учун зарур бўлган амалий ижодий савияларни ўзлаштиришдан иборатдир.

2. Топшириқнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикасининг иқлим ва сейсмик шароитлари учун шаҳар типидagi 9 – 16 қаватли яшаш уйини форэскизли стадияда (курсада) лойиҳалаш тавсия этилади. Ҳар бир кишига 10 – 12м² меъёрига асосан яшаш уйининг ҳажми 200 – 300 кишини ташкил этади. Қаватлар сони, қаватнинг ўзгармас ёки ўзгарувчан бўлими, режавий ва конструктив структурасининг, архитектуравий – бадний образини, хонадоннинг таркибини мамлакат йирик шаҳарларидан бирида яшаш уйлари учун ажратилган реал майдон учун мўлжалланган.

Чегеравий қаватлилик бўйича лифтли яшаш уйларида қўлланиладиган лифтлар типлари билан регламентлаштирилади: 9 қаватгача бўлган яшаш уйларида юк кўтарувчанлиги 450кг (200х200см ўлчамли шахта) бўлган битта лифт ўрнатилади, бу лифт ҳар бир қаватда яшаётган 40 нафар

яшовчига хизмат қилади; 16 қаватгача бўлган яшаш уйларига иккита лифт ўрнатилади:

1) лифтниң юк кўтарувчанлиги 450кг ни ташкил этади;

2) лифтниң юк кўтарувчанлиги 620кг (200х250см ўлчамли шахта) бу лифтлар ҳар бир қаватда яшайётган 40 нафар яшовчиларга хизмат қилади. Агар 9 – 16 қаватли уйлардаги юқори қаватларидаги хонадонлар иккинчи сатҳ билан “пент - хауз” типда ечилган бўлса, у ҳолда 10 – 17 қаватли яшаш уйини лойиҳалаш мумкин бўлади.

2.2. Режавий (тархий) схемалари бўйича яшаш уйлари қуйидагича лойиҳаланиши мумкин: а) бир секцияли бир нуқтага жамланган типда ва кўп секцияли (пластинали) типда бўлади, бундай уйларда блок – секцияларниң ҳамма хонадонлари қаватлар бўйича вертикал коммуникациялар блоки – тутун тўпланмайдиган зинапоялар ва лифтлар атрофида қисқа йўлақларга эга бўлган ҳолда гуруҳлантирилади (энг узоқ жойлашган хонадондан тутун тўпланмайдиган зинапоя катакчасидаги очиқ лоджиягача бўлган масофа 12 метрдан ошиб кетмаслиги лозим); б) галереяли ва йўлакли типдаги яшаш уйларида хонадонлардан вертикаль коммуникацияларниң локалли блокига чиқиш қаватлар бўйлаб жойлашган очиқ галереялар ёки ёпиқ йўлақлар орқали амалга оширилади (ташкил этилади); в) яшаш уйлари қўшма (аралаш) режавий (тархий) схемалари: галереяли – секцияли ёки йўлакли – секцияли бўлиб, улар қисқа галерея ёки йўлақларга эга бўлади, бундай қўшма (аралаш) схемалар битта зинапояга тўғри келадиган хонадонларниң сонини ошириш имконини беради.

Бунда шуни назарда тутиш лозим, галереялар ва йўлақлар секциялар чегарасида (ичида) майдон ва ҳажмларни эгаллайди, бу эса ҳар битта зинапоя катакчасиниң майдони ва ҳажминини сезиларли даражада оширади. Шу сабабли секцияли схема иқтисодий жиҳатдан анча самарали бўлиб қолаверади а) галереяли – секцияли ва йўлакли – секцияли схемалар кўп қаватли (баланд) лифтли яшаш уйлари учун анча қулай бўлиб, бунда зинапоя – лифтли тугун ўзида тутун тўпланмайдиган зинапоя катакчасини намоён этади, зинапоя катакчаси пружинали ўзи ёпиладиган эвакуацион эшикка эга бўлади, бу эвакуацион эшик орқали аввал лифтли ҳолга сўнгра эса очиқ балконили ўтиш жойи бўйича ташқи очиқ ҳаволи зонага чиқилади.

2.3. Уйлар фақат оилали истиқомат қилиш мақсадида минимум (камида) 100 киши учун яшаш майдони 12м²/киши метёрга асосланган ҳолда қабул қилинади (уйда режаси (тархи) ва тўплами бўйича турлича бўлган камида икки блок – секцияга жойлашган минимум 24 хонадон жойлашади). “Яшаш хоналариниң сони ва яшаш ҳамда ёрдамчи хоналариниң умумий қулайлиги бўйича хонадон типлари асосий вариант 1 – жадвал бўйича, диплом олди ва диплом лойиҳалари учун эса 2 ва 3 – жадваллар бўйича қабул қилинади. Талаба хонадонлар таркибини қуйидаги вариантлар бўйича танлаб олади: а) кам хонали (1 – 3 хонали

хонадонлар), б) ўрта сонли хоналарга эга бўлган хонадонлар (3 – 5 хонали хонадонлар), в) кўп хонали (4 ва undan юқори) хонали хонадонлар, г) исталган (ихтиёрий) уйғунликдаги аралаш хонали хонадонлар яъни аксарият ҳолларда кам хонали (1-т 2 хонали) хонадонларнинг кўп хонали (4 ва undan юқори) хоналар билан уйғунлашувидан ҳосил қилинадиган уч ёки тўртта авлодларнинг қўшни бўлиб яшашлари учун мўлжалланадиган хонадонлар (1 – 2) + (4 – 5 – 6).

1 – жадвал. 25 – 30см²/киши ҳажмига асосан қўмфорт типидagi хонадонларнинг таркиби ва майдонлари.

“500 – 800 кишига мўлжалланган ўрмача қаватли янаш структураси” маъзуси бўйича Диплом олди лойиҳасининг асосий варианти (бакалавриатуранинг IX семестри).

Хоналар таркиби		Уй хоналарининг майдони, м ²				
		3 хонали	4 хонали	5 хонали	6 хонали	7 хонали
А. Яшаш хоналари						
1.	Умумий хона (УХ)	22	24	26	28	30
2.	Меҳмон хона (МХ)	20	22	24	26	28
3.	Ота – она ётоқ хонаси (ООЁХ)	18	18	18	18	18
4.	Бир кишилик ётоқ хона (ЁХ-1)	-	12	12	12	12x2
5.	Икки кишилик ётоқ хона (ЁХ-2)	-	-	14	14	14
6.	Болаларнинг ўйин хонаси (БЎХ)	-	-	-	16	16
Яшаш майдони:		60	76	94	114	130
Б. Ёрдамчи хоналар						
7.	Д + ХЛ + КР	10	12	15	18	20
8.	КХ + ОХ	12	12	14	14	16
9.	С/Т (санитар тугун)	5	6	8	10	12
10.	СН + БС	-	15	20	25	30
11.	КЛ + ҚШ	3	5	7	10	12
Ёрдамчи майдон:		30	50	64	77	90
Умумий майдон:		90	126	158	191	220

Изоҳ: а) шартли белгилар: УХ – умумий хона, МХ – меҳмон хона – меҳмонлар учун бола кравати билан иккита ётоқ жойга, локалли

ажратилган санитар хоналар ва балкон ёки лоджия типдаги ёзги хонага эга бўлган меҳмон хона сифатида лойиҳаланади, ООЁХ – ота – она ётоқ хонаси, ЁХ – 1 – бир кишилик ётоқ хона, ЁХ – 2 – икки кишилик ётоқ хона, Б/ух – болалар ўйин хонаси, Д + ХЛ + КР – дахлиз + холл + йўлаклар, КХ + ОХ – ошхона, С/Т – ажратилган санитар хоналар, СН + БС – ҳаммом (сауна) + чўмилиш ҳавзаси (бассейн), КЛ + ҚШ – хўжалик моллари хонаси (кладовка) + кўшиб қурилган шкафлар; б) яшаш қаватининг баландлиги – 3,3м, ёзги хоналарнинг баландлиги – 6 – 10м²/киши, баландлиги – 4,95 ва 6,6м.

2.4. Хонадонлардаги яшаш хоналарининг ҳар бирда тўғридан – тўғри (сквозное) шамоллатиш таъминланган бўлиши лозим: қарама – қарши декорда жойлашган дераза табақалари (форточкалари) орқали горизонталь ёки аэрацион шахталар ёрдамида вертикаль шамоллатишни таъминлаш зарурдир, бунда йиғма шахталарнинг қўндаланг кесим юзаси шамоллатиладиган хоналар умумий юзасининг 20 дан 1 қисмига тўғри келади, яъни 1/20 нисбатда ҳисобланади. Бунда йиғма шахтага битта қаватдан кейин улашиб, қайта ориентацияланиш рўй бермайди. Бир томонли ориентацияланган хонадонларда вертикаль шамоллатишни амалга ошириш мажбурийдир яъни вертикал шамоллатишнинг албатта бўлиши талаб этилади.

2.5. Хонадонларнинг структураси. Яқин қариндошлик алоқаларини бўйича оилаларни жойлаштиришнинг анъанавий усулини ҳисобга олиб, умумий ёзги хоналар (жойлар) – ҳовлилар атрофида хонадонларнинг турли типларини компоновкалаштириш тавсия этилади, масалан, 1 + 2 + 6 ёки 1 + 3, 2 + 4, 1 + 5, 2 + 2 + 3 + 4 ва ҳ. к., бунда умумий коммуникациялар (зинапоялар, галереялар, йўлаклар) орқали хонадонларга локалли (алюҳида) кириш ва ҳар бир хонадондан умумоилавий ҳовлилар – ҳамма хонадонлар ёзги жойларининг умумлашган майдонига чиқиш имконияти мавжуд бўлади. Бундай вазиятда биринчи ва иккинчи қават хонадонларда (фақат икки сатҳда жойлашган – икки қаватли коттеджлар учун) ерда жойлашадиган хонадон олди индивидуаль ҳовлилар 12м²/киши меъёрга асосланган ҳолда лойиҳаланади (ҳовлидаги қурилишлар: гараж – машина турадиган жой, хўжалик моллари хонаси, ёзги ошхона ва санитар тугунлар ҳисобга олинishiни эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади). Хонадонларни лойиҳалашда (режалашда) халқ меъморчилиги усуллари ва принципларидан, юртимиз ва хориждаги иссиқ иқлим ва юқори сейсмик (7 балл ва ундан юқори) регионларда қурилган ўрта қаватли замонавий яшаш уйлариининг замонавий архитектураси бўйича тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланишни тақазо этади.

2.6. Хонадонларнинг яшаш хоналари: меҳмонхона, умумий хона, ота – она ётоқ хонаси, болалар ётоқ хоналари. Ётоқ хоналар кундузги пайтда кабинет ва болаларнинг ўйин хоналари вазифасини бажаради,

умуман олганда қизиқиш бўйича шугулланиш учун хоналарни икки зонага гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқдир: а) кундузги фойдаланиш жойлари – даҳлиз + қўшиб қурилган шкаф, санитар тугун, меҳмон хона, умумий хона, кабинет, хонадон ичи зинапоёси, ошхона – ошхона, ёзги жойлар (ҳовлилар); б) окшомги фойдаланиш жойлари – холл, ётоқ хоналар, кийим алмаштириш хоналари, умумий фойдаланиладиган ажратилган (алоҳида) санитар тугунлар, ётоқ хоналар олдидаги эни 1,2м дан кам бўлмаган лоджия типидagi ёзги хоналар.

Меҳмонхона – меҳмонлар учун мўлжалланган хона бўлиб, бу хона хонадон даҳлизидан ёки умумий ҳовлидан бевосита кириш эшигига эга бўлишини тақазо этилади. Меҳмонхона “дубль” меҳмонхона номери принципи бўйича лойиҳаланиб, унда қўшиб қурилган шкафга эга бўлган даҳлиз, алоҳида (ажратилган) санитар тугунлар (хожат хона + ванна хона) ва камида иккита ухлаш жойига эга бўлган яшаш хонасига эга бўлади. Меҳмонхона орқали хонадоннинг бошқа хоналарига ўтишни тавсия этилмайди.

Умумий хона – хонадоннинг тантанавор бош хонаси бўлиб, бу хона бир томондан даҳлиз билан холл орқали бевосита боғланишга ва иккинчи томондан ёзги дам олиш жойи (ҳовли) билан боғланишга эга бўлади. Умумий хонани каттароқ юзали майдонга эга бўлиш ва байрам кунларида қулай фойдаланиш учун ошхона + ошхона билан битта фазовий кенгликка йиғма (силжийдиган) пардеворлар орқали бирлаштиришга рухсат берилади (йўл қўйилади).

Ётоқ хоналарни лойиҳалаш орқали хонадоннинг бошқа хоналарига ўтиш тавсия этилмайди ва улар алоҳида (ажратилган) санитар тугунлар ва кийим алмаштириш хоналарига эга бўлади. Ҳамма яшаш хоналари тўғридан – тўғри табиий ёритиш ва шамоллатишга эга бўлиши лозимдир.

Ошхона функционал жиҳатдан иккита зонага эга бўлади: а) овқат (таомлар) тайёрлайдиган зона – ишчи ошхона; б) кундалик овқатланиш зонаси, – ошхона, бу зонани умумий хона билан йиғма (силжийдиган) пардеворлар билан бирлаштириш мумкин. Ишчи ошхона 8м² дан кам бўлмаган юзага эга бўлиши ва 3,0м фронт бўйича жиҳозлар (совутгич, икки камерали ювгич, иш столи, газ ёки электр плитаси, кир ювиш машинаси - автомат) нинг жойлаштирилиши кўзда тутилади. Ошхонада маҳсулотлар ва идишларни сақлаш жойи ҳам кўзда тутилади.

Даҳлиз + холларнинг эни 1,6м дан кам бўлмаслиги ва устки кийимлар ҳамда пойафзаллар учун мўлжалланган қўшиб қурилган шкаф билан жиҳозланган бўлмоғи лозим, бу шкафларнинг эни 0,6м бўлади, бўйи эса қуйидаги ўлчамларда: 1 – 2 хонали хонадонларда – 0,8м, 3 – 4 хонали хонадонларда – 1,2м, 5 – 6 хонали хонадонларда – 1,6м, 7 – 8 хонали хонадонларда – 2,0м бўлади. Қўшиб қурилган шкафлар даҳлизнинг энини қисқартирмаслиги керак. Холлар умумий хоналар билан йиғма шаффоф пардеворлар орқали боғланади, бунда бу хоналардан турли функцияларни бажаришда эркин ҳолда универсал фойдаланишни таъминлайдиган

хонадоннинг “оқиб” ўтувчан тантанавор фазовий кенгликлар ҳосил қилинади.

Хонадон ичидаги йўлаklar ва шлюзаларнинг эни 1,2м дан кам бўлмаслигини тақазо этади, уларнинг юқори қисмида антресоллар (потолокка осилган шкафлар) нинг ўрнатилиши кўзда тутилади, бундай шкафлар тагидаги ўтиш жойининг баландлиги 2,2м ни ташкил этади.

Кўшиб қурилган шкафлар ва хўжалик буюмлари жойи (хонаси) нинг эни қуйидаги кўрсатилган ўлчамлар: кийимлар учун мўлжалланган шкафнинг эни – 0,6м; идиш – товоқлар ва китоблар учун мўлжалланган шкафнинг эни – 0,3м; хўжалик буюмлари ва сезонли предмет – нарсалар учун мўлжалланган шкафнинг эни – 0,8м дан кам бўлмаслиги лозим.

Хонадон ичидаги зинапоёлар эни 0,9м дан кам бўлмаслиги ва оғмалилиги (қиялиги) 1:1,5 нисбатда бўлмоғи лозим, зинапоё майдончасининг эни 1,2м дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Умумий хоналар ва холларга радиусли, яъни эгри чизикли контурга эга бўлган қочирма поғонали, ўзгарувчан оғмалик (қиялик) даги, оралик майдончаларга эга бўлмаган зинапоёларнинг ўрнатилиши (қурилиши) га рухсат берилади (йўл қўйилади).

2.7. Эвакуация зинапоёси бир вақтнинг ўзида яшаш блок – секциясидаги ҳамма хонадонлар учун асосий ишчи зинапоё бўлиб ҳисобланади. Эвакуацион зинапоё 1:2 нисбатли оғмалик (қиялик) га эга бўлади (зинапоё поғоналари эни 30см, баландлиги 15см бўлади), зинапоё маршлари ва майдончаларининг эни 1,2м дан кам бўлмаслиги, маршлар орасидаги тирқиш (оралик) 0,1м бўлиши лозим, уларда ён томонли ёки юқори (томдаги фонар орқали зенитли) табиий ёритилганлик ва табиий шамоллатишнинг кўзда тутилишини тақазо этилади. Умумий йўлаklar ва очиқ галерейаларнинг эни 1,4м дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Бундай зинапоёларда тутун тўпланиш эҳтимоли мавжуд бўлганлиги туфайли уларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўшни блоклардаги очиқ балкон ва лоджиялар бўйича ўтиш йўлларининг бўлиши кўзда тутилмоғи талаб этилади. Ёнги хавфсизлиги меъёрларининг бундай экстремаль талабини комфорт яшаш уйлари учун қўллаб бўлмайди. Шу сабабли яхши шароитларга эга бўлган комфорт ва юқори комфортли типдаги ўрта қаватли ҳамма яшаш уйлари учун тутун тўпланмайдиган, берилган (қаралаётган) блок – секция яшовчиларини қўшни блок – секцияларнинг режавий (тархий) структураларига боғлиқ бўлмаган ҳолда яъни мустақил равишда локалн эвакуация қилишни кафолатлайдиган зинапоёларни лойиҳалашни тақазо этилади. Зинапоё катакчасининг тутун тўпланмас бўлиши қуйидаги ҳолларда таъминланади: а) ташқи очиқ зинапоёларнинг қурилиши билан; б) ёпиқ зинапоёларни тўсиб турувчи конструкцияларнинг олов бардошлик чегараси 1 м дан кам бўлмаслиги билан таъминланади; в) ёпиқ зинапоёга очиқ ўтиш балкон – лоджиялар орқали тутиш билан таъминланади.

Изоҳ: лифтли яшаш уйларида лифт холидан одатда тутун тўпланмайдиган сквозли (очик) эвакуацион ўтиш жойи сифатида фойдаланилади.

2.8. Яшаш уйи хонадонларидаги санитар – техник жиҳозлар – бу марказлашган инженерлик коммуникацияларга боғланган жиҳозлардир. Энергия тежайдиган ошхона плитаси табиий газ билан таъминлангани туфайли ошхона табиий ёруғлик ва табиий шамоллатиш имкониятига эга бўлиши талаб этилади. Электр энергиясига уланган плитага эга бўлган ошхона – ошхоналарни иккинчи ёруғлик бўлган жойларга ёки кенг корпус ичига умумий светоаграцион шахтага чиқадиган кенг корпусга жойлаштириш мумкин. Ҳамма санитар тугунлар (унитаз ва қўл ювгич билан жиҳозланган хожатхона ҳамда ванна – джакузи ва қўл ювгич, биде, кир ювиш машинаси билан жиҳозланган ванна хонаси) ажратилган ҳолатда бўлишини тақазо этилади. Санитар тугунларни яшаш хоналари бошқа хонадонлардаги ошхоналар устига ўрнатиш жойлаштириш таъқиқланади.

Индивидуал санитар тугунларга яшаш хоналаридан киришга йўл қўйилади. Умумий фойдаланишдаги санитар тугунларга фақат даҳлиз, йўлак ва шлюзлардан; индивидуал фойдаланишдаги санитар тугунларга ётоқхоналардан кириш кўзда тутилишини тақазо этади.

2.9. Қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қўлланилишини қабул қилинган конструктив схемага ва қурилиш – монтаж ишларини ишлаб чиқариш услубларига боғлиқ бўлади, қўлланиладиган қурилиш материаллари ва конструкциялари абадий архитектуравий ёдгорлик сифатидаги камида 125 йил муддатда хизмат қиладиган олий архитектура санъати объектини яратиш тўғрисидаги уникал муаллифлик гоёсига тўлиқ жавоб бермоғи лозим. Ўқув машғулотларини бажариш мақсадида 7 – 8 – 9 балли сейсмиклик учун 12 балли шкала бўйича қуйидагилар тавсия этилади: пойдеворлар – қўйма темирбетон ва йиғма темирбетон блоклардан бажарилади; деворлар маҳаллий қурилиш материаллари (пишган гишт, шлакоблоклар) нинг темирбетон каркасли ва қаватлар баландлигида қўйма темирбетонли белбоғ билан комплекс конструкция ташкил этиш орқали бажарилади; гиштли деворларнинг қалинлиги Тошкент шароитида 38см (1,5 гишт) қилиб бажарилади.

Том ёпилмасини – қалинлиги 22см бўлган кўп тешикли темирбетонплиталар ташкил этади, бундай плиталар билан 3,0м дан 7,2м гача бўлган ораликлар ёпилади; антисейсмик конструктив тадбирлар деворларнинг режадаги ўқларининг силжишига йўл қўймасликни тақазо этади; антисейсмик тадбирларнинг талабларини бажариш мажбурийдир!

Эвакуация зинапоёлари – йиғма темирбетон конструкциялардан бажарилади; том – чердакли бўлиб, оғма ҳолатда жойлашган металл стропилаларга турли рангларга эга бўлган металл черепицаларнинг маҳкамлаш орқали ёпилади ва қор – ёмғир сувларининг ташқи тўпланган

ҳолда оқими ташкил этилади. Мансардли қаватларнинг ва ясси том қисмларидан патио=ҳовлилар сифатида фойдаланиш орқали пент – хауз хонадонларнинг қурилишига рухсат берилади: фасадларнинг ташқи пардози рангларнинг қўлланиши юқори сифатли материалларнинг қўлланиши билан амалга оширилади.

2.10. 4-6 та яшаш уйларидан ташкил топган катта бўлмаган яшаш гуруҳлари таркибидан ташкил топган майдоннинг бош режаси талаба томонидан ёруғлик томонлари бўйича (шимолга йўналган) ориентацияни, машина кириш жойларининг эни 3,5м, машина қатнов йўлларининг эни 6,0м энликда ҳар бир гуруҳ уйлари учун меҳмонларнинг 5 – 6 машиналари туриш учун автомобил турар жойлари, хўжалик , болалар ва спорт майдонларини, сув сепишга мўлжалланган сув ҳавзалари, пиедалар учун мўлжалланган йўлакларни тасвирлаш билан бажарилади.

2.11. Ҳар бир хонадон ва бутун уй бўйича техник – иқтисодий кўрсаткичлар: а) яшаш майдони; б) умумий майдон; в) ёзги (иситилмайдиган) жойлар (хоналар) нинг майдони; г) $12\text{м}^2/\text{киши}$ ҳисобидан келиб чиққан ҳолда яшаш уйининг аҳолисини ҳисоблаш.

3. Лойиҳа график қисмининг таркиби – 500 кишига мўлжалланган яшаш гуруҳининг бош режаси, М 1:1000, 1:500;:- фасадлар (иккита), М 1:100; 1:100, 150; - биринчи қават ва такрорланадиган қаватлар режаси (тархи), М 1:100, 1:150; - учта типдаги хонадонларнинг мебелларни жойлаштирган ҳолдаги режаси (тархи), М 1:100; - зинаюя катакчаси бўйича кўндаланг қирқим, М 1:100; - перспектива (аксонометрия) ёки макет.

4. Ишнинг бажарилиш графиги.

Курс лойиҳаси курсининг бажарилиш муддати – 10 ҳафта.

1 – рейтинг – 4 – ҳафта охирида – қўлда бажарилган клаузуранинг баҳоляниши.

2 – рейтинг – 7 – ҳафта охирида 0,8х0,8м ёки 1,0х1,0м ли битта рамкада ёки 0,55х0,75м ли иккита рамка (планшет) да қаламда бажарилган лойиҳани баҳолаш.

3 – рейтинг – 11 – ҳафта бошида қўлда тўлиқ бажарилган (гушъ, акварель, гуашъ, темпера) лойиҳани баҳолаш.

Тузувчи: проф.Коробовцев Г.И.

**200 – 600 МАШИНАГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ГАРАЖ –
АВТОМАШИНАЛАР ТУРАР ЖОЙИ**
мавзусидаги курс лойиҳасига ўқув
топшириғи ва услубий кўрсатмалар.

1. Умумий қондалар.

Инсоннинг пиеда юриш ўртача тезлиги 4км/соат бўлиб, бу тезлик нисбатан катта эмас, шунга қарамасдан инсон тарихий даврларигачаёқ Марказий Африкадаги Ернинг барча қитъаларига жойлашишга улгурди. От, туя ва бошқа кўтлаб ҳайвонлардан оғир юкларни кўтаришда, ташишда фойдаланиш инсоннинг мускул кучларини бошқа муҳим иш ва юмушларни бажаришга сарфлаш имконини берди. Отларда, туяларда зарур бўлган жойларга қатнашда ва юкларни ташишда инсон тезликка эришди, лекин бундай тезлик сезиларли даражада ўзгарди холос. XIX асрнинг охирига келиб, ички ёнув двигателининг ихтиро қилиниши туфайли автомобиллар яратилиши туфайли инсон 10 – 20 марта катта бўлган тезликка эришди. Автомобилларга бўлган эҳтиёж вақт ўтиши сари орта борди. Автомобил ишлаб чиқариш жадал суратлар билан ўсди.

“Автомобил турар жойи” муаммоси ҳозирги замонавий йирик шаҳарда жуда ўткирлашиб бормокда. Ҳақиқатан ҳам, автомобил хонадонда сақланмайдиган ягона индивидуаль фойдаланиладиган нарсадир. Ҳаттоки, автомобилсозлик юқори даражада ривожланган мамлакатларда ҳам хусусий автомобил вақтнинг 95% да фойдаланилмасдан туради. Бунда ҳар бир турувчи автомобил учун иккита туриш жойи зарур бўлади: биринчиси – яшаш жойидан узоқ бўлмаган масофада (500м гача) жамоа гаражи бўлса, иккинчиси эса иш жойи ёки хизмат кўрсатиш объекти олдидаги очиқ ёки ёпиқ авто турар жойидир. Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Асака шаҳрида автомобил заводининг ишга туширилиши Республикамизда автомобилсозликнинг жадал суратлар билан ўсишига олиб келди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, суғориладиган ерга эга бўлган ўлкаларда жойлашган Ўзбекистон шаҳарларида ернинг танқислиги туфайли “автомобил турар жойи” муаммосини ечишнинг ягона тўғри йўли бу индивидуаль фойдаланишдаги автомобилларни сақлаш учун кўп қаватли гараж – машина турар жойларини кўриш эканлигини кўрсатади. Автомобилларни (бундан кейин а/м деб аталади) жойлаштиришнинг манежли типдаги гаржларни иктисод қилиш ўз йўлига кўра жуда оддийдир: а/м ни ерга жойлаштиришда (бокс типдаги гараж) – 25м^2 , а/м ни иккита сатҳда жойлаштиришда – 15м^2 , уч сатҳда жойлаштиришда – 10м^2 , тўрт сатҳда жойлаштиришда – 8м^2 , саккиз сатҳда жойлаштириш учун – $4,5\text{м}^2$ юза талаб қилинади. Автомобилларни лифтлар ёрдамида электро механик кўчиришнинг компьютерли бошқаруви гараж – автомобиллар турар жойи – автоматларининг иктисодиёти янада самарадордир.

Гаражлар –автомашиналар турар жойлари ерга нисбатан жойлашишига кўра ер ости, ер усти, кўп қаватли, аралаш типда бўлади. Автомашиналар ларнинг гаражлар – автомашиналар турар жойлари ичида ҳарактланиши бўйича қуйидагича бўлади: ўзи юрар рампали, автоматлаштирилган лифтли ва аралаш (автомашиналарни лифтларда кўтариб тушириш, бунда манежда а/м ларни лифтларда кўтариш/тушириш, бунда манежда автомашинанинг ўзи инсон бошқарувида ҳаракатланиши билан манервланади). Автомашиналарнинг турар – жойининг типи бўйича гаражлар қуйидагича бўлади: боксли (локалли, кам ҳолларда) ва манежли (умуман олганда очиқ жойда, худди шаҳар автомашина турар жойлари каби кенг юзали).

2. Топпириқнинг мазмуни .

Ўзбекистон Республикасининг иқлим ва сейсмик (7-9 балли)

шароитлари учун шаҳар типигаги кўп қаватли гараж-автомашиналар турар жойини форэскизли стадия (босқичида) лойиҳалаш тавсия этилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам минимал қурилиш майдони ва мумкин қадар максимал қаватли компактли ечимга эга бўлган режа(тарх) тузишга интилиш зарур бўлади. Бизнинг шаҳарларимизда ер танқис ва кам. Ўзбекистонда ерга меҳр бериш ва уни асраб-авайлаш керак.

2.1. Қурилиш майдони (майдонси): Фаол ҳаракатга эга бўлган шаҳар магистрალიга бевосита яқин бўлган майдон рельефининг катта ўзгариши (тепаликлар, адирлар, қияликлар, ирмоқлар ва ҳ.к.) туфайли майдони учун ноқулай бўлиши мумкин. Майдонга гараж автомашиналар турар жой ташқи фойдаланиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган ювиш жойи, меҳмонларнинг машинаси учун 10-15 м/м (25 м²/ жой) авто турар жойи асосий бино атрофида ҳалқали айланиб юриб ўтиш йўли, ёнғин ҳавсизлиги учун сув сифимининг ($d_{\text{мкм}} = 6\text{м}$, $h = 2,4$) бўлиши талаб этилади, меҳмонлар, мижозлар ва ходимлар учун дам олиш айбни жойи (ҳудуди)нинг бўлиши тақоза этилади: персоналнинг айвон тагидаги 20 м/м ли ишлаб чиқариш авто турар жойи: қолган ҳудуд кўмаклаштирилади ва жойдан туриб бошқариш бошқарувчидан автоматик ишлайдиган дарвоза ва эшиклар билан тўсилади.

2.2 Тури (типи) ва қаватлар сони: гараж- автомашиналар турар жойлари турини (типини) танлаш (автомашиналарнинг ўзи юрар рамонвли манежли тури, лифтлар ёрдамида вертикал кўтарилувчи ва горизонтал йўналишда ўзи юрар комбинациялашган ёки 2,2х4,6х0,1 м ўлчамли махсус металл платформаларида механик усулида кўчириладиган “тўлиқ автомат” тури, бу тур ишчи таянч томонда ролик билан жиҳозланади), қаватларнинг сони доимий ёки ўзгарувчан бўлиши, шу қаторда ер остида (2-3) ер устида (5-6) манежлар учун, яшаш

қурилишларида 10-12 “автоматлар” учун томдан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда, ички режавий ва конструктив структурали, архитектуравий — образли гараж турар жойлари талаба томонидан реал майдонда танланади, бу майдонлардан ҳар бири Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларида гараж автомашиналар турар жойлари учун ажратилган жойларда қурилади. “Автомат” типидagi гараж- автомашиналар турар жойлари қаватлиги — чегаралайди. Автомашиналарни ўзлари юриб бориш тартибида манежли гараж автомашиналар турар жойига бир томонлама боши берк қаторга 90° бурчак остида жойлаштиришда режа (тарх) да рангли пунктир кўрсаткич (стрелкали) чизиклар билан автомашиналарнинг рампл — лифддан машиналар турар жойига ҳаракатланиш йўналиши ва аксинча қайтиш йўналиши кўрсатилади. Тўғри оқимли турдаги гараж автомашиналарнинг манежли тури (типи) ҳам қўлланилиши мумкин яъни автомашиналарнинг лифтли кириши ва чиқишни ташкил этиш билан қаватларда манеж турар жой чегарасида автомашиналарнинг бир томонлама жойлаштирилишини таъминлаш мумкин.

2.3. Конструкция ва архитектура: Йиғма ёки қуйма темирбетон ёки боғланган типли металл каркасли ёхуд асосий горизонтал сейсмик кучларни (қурилиш майдонининг ҳисобий сесмиклари 7-9 балл) қиладиган “Асосий ядроси” деб аталувчи конструкцияси асосий юк кўтарувчи конструкция бўлиб хизмат қилади. “Бирлик ядроси” бўлиб рамалар, зинапоя — лифтли тутун (узел)лар хизмат қилади. Антисейсмик боғланишлар вертикал ўрнатиладиган ясси темирбетон-конструкторларнинг тавсиялари бўйича пойдевордан бошлаб бино бутун баландлиги бўйлаб ўрнатилади. Турар жойнинг фасадлари қандай жойлашишидан қатъий назар диафрагмалари тўғри бурчакостида ўрнатилиши тақоза этилади. Манежли турдаги (типдаги) гараж автомашиналар турар жойларидан персоналлар (хизмат кўрсатувчи ходимлар) ва миждозларни эвакуация қилишнинг ягона йўли бу тутун тўпланмайдиган (ёки очик) зинапоя катакларидир. Гараж автомашиналари турар жойи комплексининг ва ёрқин фасадларнинг суперграфикаси билан томдаги реклама ва биринчи қават сатҳидаги рекламанинг композицион ечимлар ғояси муаллифнинг ўзига хавола этилади. Автомобилларнинг замонавий бўёкли динамикаси дизайнини эътиборга олишни тақозо этилади яъни гараж — автомашиналарнинг турар жойи автомобиллар суперархитектураси билан уйғунлашган (гармоник) бўлиши ва ўз формаси ҳамда ранги бўйича динамик ва замонавий бўлмоғи лозим.

2.4. Хоналарнинг таркимби ва майдони (м²).

1	Дистпечер хонаси	18
2	Хайдовчи –элтувчилар хонаси (фақат рампли гараж –автомашиналар турар жойи учун)	18
3	Машиналарни ювадиган ходимлар хонаси (ювадиган ходимлар)	18
4	Гардероб (кийим , алмаштиришхонаси), душ (ходимлар ювинадиган хона, ювадиган ходимлар санитар текшируви учун	18
5	Автомат – ювгичлар	4x12мx2=96
6	Акумуляторни сақлаш хонаси	18
7	Акумуляторларни зарядлаш хонаси	12
8	Кислота хонаси	10
9	Вулканизация / шиналарни монтадж (ш/м) қилиш хонаси	18
10	Шиномонтаж сақлаш хонаси	12
11	Ишчи ходимларнинг дам олиш хонаси	12
12	Мой сақлаш хонаси	12
13	Мой алмаштириш хонаси	12
14	Эҳтиёт қисмларини сақлаш хонаси	18
15	Гардероб, душ, ишчи ходимлар санитар учун	18
16	Орасталик –тозалаш инвентарлари (анжомларини) сақлаш хонаси	6
	Ишлаб чиқариш зонаси бўйича жами майдони	316 м ²
17	Эҳтиёт қисмлар дўкони (савдо-сотиқ зали)	54
18	Дўкон эҳтиёт қисмларининг сақлаш омборхонаси	24
	Дўкон бўйича жами майдон	78 м ²
19	Мудир хонаси	18
20	Бош инженер хонаси	18
21	Қабулхона	12
22	Ҳисоб- китоб хонаси	18
23	Гардероб, душ, ходимлар (персонал) санитра учун	18
24	Ходимлар (персонал) учун дам олиш хонаси	36
	Маъмурий бошқарув зонаси бўйича жами :	130 м ²
	Ҳизмат кўрсатиш бўйича жами:	524 м ²
25	Ҳар бир автомашиналар учун 2,2х4,6м ² юза тўғри келишини ҳисоблаш бўйича автомашиналар турар жойи:	200 ж/м =2200м ² 300 ж/м=3300 м ² 400 ж/м=4400 м ² 500 ж/м=5500 м ² 600 ж/м=6600 м ²

Изоҳ : а) Ҳизмат кўрсатиш хоналари (жойлари) қоидага кўра 1 каватга жойлаштирилади; маъмурий –бошқарув хоналари энг юқори каватга жойлаштирилади; б) Ҳизмат кўрсатиш хоналарининг ишчи ҳарорати: ишлаб чиқариш зонасининг икки ҳарорати - $+15^{\circ}\text{C}$, маъмурий – бошқарув ва дўкон зонасининг ҳарорати - $+18^{\circ}\text{C}$; в) Манежли типидagi автомашиналар турар жойи –иситилмайди, очиқ ҳолатда бўлади, табиий шамоллатишга эга бўлади; автомат автомашиналарнинг турар жойи – ёпиқ тур (тип) да иситилмайдиган,шамоллатиладиган бўлади; г) Ўтиш йўллари, рамплар , лифтлар (автомашиналарни кўтаргичларнинг ўлчамлари 3×6 м), йўлаклар, холлар ва эвакуация зинаюя катакчалари-топишириқ билан режалаштирилмайди ва амалдаги технологик ва ҳамда ёнги хавсизлиги меъёрлари талаблари бўйича қабул қилинади; д) Хоналарнинг минимум баландлиги: хизмат кўрсатиш хоналарнинг баландлиги -3,0 м ,ишлаб чиқариш зонаси ва дўкон (савдо –сотиқ зали) – 3,6 м; манеж типидagi гараж автомашиналар турар жойининг каркас конструкциясининг энг пастки қисмигача ригелларгача бўлган баландлик - 2,2 м; “автомат” типидagi гараж автомашиналар турар жойида сақлаш учун 0,2 м баландлик қўшиб берилади, лекин унинг баландлиги 1,8 м дан кам бўлмаслиги лозим; е) Гараж автомобиллар турар жойига буфет ёки очиқ ҳавода салқин йўл бўйича жойлашадиган 12-16 кишига мўлжалланган кафени киритиш мумкин, бу кафе $24-36\text{ м}^2$ юзага эга бўлган кишиги зал, $12-15\text{ м}^2$ юзага эга бўлган ошхона –тайёрлаш хонаси, 10 м^2 юзага эга бўлган омборхона, юзаси душ 12 м^2 бўлган хизмат кўрсатиш хонаси, 6 м^2 юзали душ ва санитар тугундан иборат бўлиб, унинг умумий $76-95\text{ м}^2$ юзани ташкил этади.

2.5 “Эталон автомобиль”. Гараж –автомашиналар турар жойи “эталон”(ўртача) автомобилнинг техник параметрлари бўйича ҳисобланади: узунлиги -410см, эни-170см, баландлиги-160см, минимал ташқи габаритли бурилиши радиуси -5,5см . кўп сонда (массали) ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг техник ҳарактеристикалари 1-иловада келтирилган.

2.6. Қаватли манежга автомобилларни жойлаштириш.

Қоидага кўра, ўтиш йўлига 90° бурчак остида тўғри бурчакли боши берк турар жойлари қабул қилинади ва бир қатор турар жойлар иқтисодий жиҳатдан самаралаи деб ҳисобланади. Автомашиналарнинг маълум сони учун автомашиналарни икки қаторли боши берк ҳолатда жойлаштириш ҳам мумкин. Бунда дастлаб автомашиналар биринчи мустақил қаторга аниқ графикага асосан жойлаштирилади ёки ўша қатордан чиқарилади, сўнгра 1 минутдан кейин иккинчи мустақил қаторга жойлаштирилади ёки ундан.

Автомашиналарни бундай жойлаштириш гараж автомашиналар турар жойининг фойдали сифimini оширади ва автомобилларни сақлашда минутли графикдан фойдаланиладиган ва бу графикни пухта бажарадиган мижозлар учун абонемент тўлов микдорини пасайтиради. Дево­рлар ва

автомобилларнинг орасидан масофа 0,5 м ни ташкил этиши ва ундан ошиб кетмаслиги автомашиналар ва калонналар ўртасидаги масофа 0,3 м дан кам бўлмаслиги лозим. Автомшиналар ва конструкцияларнинг шикастланмаслиги учун автомашиналарнинг киритиш- чиқаришда хавфсизлигини кафолатлаши учун $d=50-70$ мм бўлган қувурлардан ишланган гилдирак қайтаргичлардан фойдаланилади. Бу гилдирак қайтаргичлар пол сатҳидан 100 мм баландликда калонналар ва ташқи деворларга яқин жойларда автомашиналарнинг ҳаракатларини чегаралаш учун полга ўрнатилади. Битта йўналишда эни 7,0 бўлган қаватлардаги юриш (ўтиш) йўллари автомашиналари икки томонлама боши берк ҳолатда жойлаштиришда хизмат қилади. Ўзбекистон учун энг кўп сонли бўлган Tico, Matiz, Nexia автомобилларни қулай жойлаштириш мақсадида гараж автомашиналар турар жойларини лойиҳалашда калонналарни ўрнатишнинг 9,0х9,0 м ли туридан фойдаланиш тавсия этилади.

**1-илова: Кўп сонда (массали) ишлаб чиқариладиган
автомобилларнинг техник характеристикаси**

Автомобил маркази	Двигетел ҳажми- қувват/О.К	Бўйи см	Эни см	Баландлиг и см	Д поп м
“Эглон” автомобил	-----	410	170	160	11,0
Daewoo –Tico	0,8-41	334	140	139	8,8
Daewoo – Matiz	0,8-56	350	149,5	147	8,8 [*]
Daewoo – Nexia	1,5-75	448	166	139	10,6
Lada - Nova	1,7-80	404,5	161	144	11,2
Lada – 110	1,5-79	426,5	167,5	143	11,0
Lada - Niva	1,7-82	372	168	164	11,6
Volga 3102/3110	2,0-136	487	180	148	11,6
Peugeot 106	1,1-60	368	159	138	11,0
Peugeot 306	1,4-75	426,5	169	138	11,0
Peugeot кабриолет	2,0-133	418	169	138	11,0
Renauet	1,4-75	413	170	142	11,4
Audi A3	1,6-101	415	173, 5	142	10,9
Audi A4	1,6-101	448	173, 5	141	11,5

2.7 Рами /пандуслар – оғма (қия) текислик бўлиб, қаватлар орасидаги бу текислик бўйича автомашиналар юриб кўтарилади. Бу қия йўллар(текисликлар) тўғри чизикли ва эгри чизикли (айлана шаклида) бўлиши мумкин, бунда бир томонлама айлана йўлга эга бўлган рамплар анча қулайроқ бўлади, чунки бурилишнинг битта радиусида зарур бўлган қаватга битта рамп бўйича етиб олиш ва бошқасига ҳам кириб бориш мумкин. Шундай қилиб 200-600 ж/м (жой/ машина) сигими гараж автомашиналар турар жойлари иккита бир хил йўлга эга бўлган рампларга эга бўлади: биттаси автомашиналарнинг кўтарилиши учун, иккинчиси

уларни тушириши учун хизмат қилади. Рампларнинг қиялиги градусларда, фоизларда ёки баландлигининг қия текислик горизонтал проекциясининг узунлигига нисбати билан ифодаланди 1^0 (градусли) қиялик 1,7% га, $20''$ га тенг бўлади. Замонавий автомобиллар учун бу қияликка 1% да -14^0 дан 18^0 гача ёки қават баландлигининг рамп проекциясига бўлган 1:4 дан 1:3 нисбатларида бўлиши мумкин, яъни рампнинг режа (тарх) даги чизилишига ва узунлигига боғлиқ равишда 24 дан 31 % гача бўлиши мумкин. Ўтиш майдонларида рампнинг манеж горизонталига бўлган қиялиги автомобилнинг рамп учун мўлжалланган базасидан икки марта кичик бўлиши лозим. Ўтиш майдонсининг қиялиги 7-8% дан ошмаслиги лозим (рампларнинг қиялиги 15% бўлган ҳолатда). Рампларнинг ўртача қияликлари қуйидагича бўлади: қия поллар учун – 1:25 ёки 4%; айланма рамплар учун -1:12 ёки 8,5% ; тўғри бурчакли рамплар учун -1:8 ёки 12,5%; ярим рамплар учун -1:7 ёки 14,5 %. Битта йўлли рамплар учун тавсия этиладиган қиялик - 1:10 ёки 10 % ни ташкил этмиши тақоза этилади. Битта йўлли рампларда автомашиналарнинг ўтиш қисмининг эни қуйидагича қабул қилинади: а) тўғри чизикли рамплар учун автомобилнинг эни катта энига 0,8 см қўшилади, лекин бу йўлнинг эни 2,5м дан кам бўлмаслиги ва бу ўлчамга икки томондан пиёдалар юриш йўлакчасининг $0,75 \times 2 = 1,5$ ўлчамли қўшилади; б) айланма рамплар учун рамп бўйича ҳаракатланаётган энг катта автомобилнинг режа (тарх) дан проекциясида ҳосил бўладиган йўлка энига + 1 м қўшилади, бунда бу ўлчам 3,5 м дан кам бўлмаслиги лозим (икки томондан пиёдалар юриш йўлакчасининг $0,75 \times 2 = 1,5$ м ли эни қўшилади). Айланма рамплар учун қиялик рампнинг бўйлама ўқи бўйича ҳисобланади.

2.8. Комбинициялашган тури (типтаги): авто турар жойлари (ярим механизациялашган) автомобилларини вертикал кўчириш (кўтариш ва тушириш) учун лифт –кўтаргичлар билан жиҳозланади, бу лифт-кўтаргичларнинг кабиналари 3×6 м ўлчамда бўлади; автомобиллар манежда ўз ҳаракатланиши билан тегишли жойга етказилади. Лифтларнинг сони минимум иккита бўлади –биттаси автомобиллари кўтариш, иккинчиси эса уларни тушириш учун хизмат қилади.

2.9. Автоматлаштирилган гаражлар тўлиқ механизациялаштирилган бўлиб, бунда махсус универсал платформалар ҳаракатланиб, уларга кўчириладиган автомобиллар автоматик тарзда маҳкамланади. Кейинги йилларда автомобилларни вертикал кўчирадиган ва вертикал ҳолатда сақлаб турадиган (автомобилнинг олдинги кўпригидан осган ҳолда) автоматлаштирилган гараж автомашиналар турар жойлари ишлаб чиқилди ва амалиётта тадбиқ этилди. Бундай гараж автомашиналар турар жойларнинг анча кам жой эгаллаши билан ҳаракатланади.

2.10. Техник –яқтисодий кўрсаткичлар: а) m^2 да ўлчанадиган ишчи майдон юзаси (тоғширишқ орқали меъёрланади); б) m^2 да ҳисобланадиган умумий майдон (коммуникацияларини ҳисобга олган ҳолат); в) m^2 да

ҳисобланадиган иситилмайдиган автомашиналар турар жойлари; г) m^3 ўлчанадиган иситилмайдиган қурилиш ҳажми.

3. Лойиҳа график қисмининг таркиби:

А. Аъъанавий графикада бажариладиган лойиҳалар учун:

- зоналарнинг хизмат қисми билан гарад автомашиналар турар жойлари комплексининг бош режаси, М 1:500;
- ташқи рекламани иккита тасвирлайдиган рангли фасадлар (супер графика билан), М 1:200, 1:150;
- биринчи қават ва такрорланадиган қаватларнинг режаси (тарҳи), бунда хоналарнинг экспликацияси ҳам бажарилади, М 1:200, 1:150;
- Рамп автомашиналарнинг, лифт кўтаргичи жойлашган ўрни бўйича кўндаланг қирқим, М 1:100, 1:150;
- перспектива (аксонометрик) ёки макет. Буларнинг ҳаммаси 55х75 ўлчамдаги иккита рампада ёки планшетларда, ёки 80х80 см(100х100см) ли битта рампада бажарилади.

Б. Персонал компьютерда бажариладиган лойиҳалар учун:

- ҳудди юқорида кўрсатилган чизмалар бажарилади, бироқ бунда чизмалар горизонтал компоновкалаштирилган ҳолда А-3 форматли қоғозда (30х40см) чап томондан намоиш этиш албomini тикиш мақсадида 2 см қолдирилган ҳолатда босмадан чиқарилади.

4. Ишни бажариш графиги. Курс (курс) лойиҳасини бажариш муддати -10 ҳафта.

1 –рейтинг. 4 ҳафта охирида А-3 форматли қоғозда клаузурани қўлда бажариш

2 –рейтинг. 7- ҳафта охирида 80х80 см ли битта рампада ёки 55х75 см иккита рампада (планшетда) қўлда бажарилган лойиҳани баҳолаш.

3 –рейтинг. 11 ҳафта бошида қўлда тўлиқ график бажарилган лойиҳаси баҳолаш.

Итоҳ: Лойиҳани персонал компьютерда бажариш ПК да ўқитиш кафедраси мудирининг махсус рухсати билан амалга оширилади

Адабиётлар

1. «Архитектурное проектирование общественных зданий» Москва 2007 г.
2. «Гаражи» Москва 1986 г.
3. «Гаражи и стоянки» М. 1988
4. Убайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М. « Турар ва жамоат бинолари типологик асослари» Тошкент 2009 й.

Тузувчи: проф.Коробовцев Г.И.

5. “630 ЎҚУВЧИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБИ” мавзусида бажариладиган курс лойиҳасига ўқув топшириқи ва услубий кўрсатмалар.

1. Умумий тушунчалар.

630 ўқувчига мўлжалланган умум таълим мактаби (икки “оқимли” 18 та синф хонасига эга бўлади) ўзаро боғланган ўқув ва умум мактаб хоналари гуруҳларидан ташкил топган таркибнинг ягона ўқув таркибини ўзида намоён этади. Мактаб комплекси (бундан кейин МК деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари учун хос бўлган иқлим хусусиятлари (спецификаси) ва 7, – 9 балли сейсмикликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. ва (боғлиқ равишда) МК ни лойиҳалашда айниқса ёзги кузги даврларда кескин – континенталь иқлимнинг ўқувчилар организмига ноҳуш (салбий) таъсир қилишининг олдини олишга йўналтирилган чора – тадбирларнинг обдон ва пухта ўйланганлигини таъказо этилади.

МК нинг архитектуравий – бадий қиёфаси унинг илм даргоҳи сифатидаги функциональ мўлжалланганлигини ҳаққоний ифода этилиши ва бир вақтнинг ўзида ҳажмий – фазовий композиция фактурасининг ёруғлик – соя “чуқур”лиги ҳамда енгиллиги бўйича шимоллий бўлиши таъказо этади. МК қиёфасини бадий кўркамлаштиришнинг қўшимча воситалари сифатида ўзбек меъморчилигининг анъанавий элементлари: полихромли расм, декоратив қўйилмалар (осмалар), мозаикали панно (замонавий мазмундаги трактовкада) ни қўллаш мумкин бўлади.

2. Топшириқнинг мазмуни ва таркиби

2.1. Қурилиш майдони: МК майдонсини қизил чизиққа тегишли бўлган кўчалардан камид 25м масофада 2 та юзага эга бўлган майдонни, энг яхшиси яшаш микрорайони ёки яшаш массиви ичида ўқувчиларнинг пиеда ҳатнашини ҳисобга олган ҳолда 1000м ли радиусга эга бўлган майдонни қабуд қилиш тавсия этилади. Танланган ер майдонсининг 25% ни эгаллайдиган МК биносидан ташқари майдон умумий майдонига қуйидаги режавий зоналарнинг: ўқув – тажриба зонаси – 20%, спорт зонаси – 30%, дам олиш зонаси – 15%, хўжалик зонасининг – 10% да киритилиши кўзда тутилмоғи лозим. Майдонда бошланғич синф (I – IV синфлар) ларнинг ҳар бири учун 100м² дан ва юқори синф (V – IX) ларнинг ҳар бири учун 25м² дан тўғри келадиған ҳаракатланадиган ўйинлар учун майдончаларнинг жойлаштирилиши талаб этилади. Хўжалик зонаси ошхона овқатланиш блокнинг технологик юкланиш томони локалли киришга эга бўлган ҳолда, 90х140м ли ўлчамларга эга бўлган спорт ядроси спортзал атрофига жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. МК сига бош кириш жойи томонидан аван – майдонни ташкил этиш билан мактаб биноси атрофида эни 3,0м бўлган айланма юриш йўлини кўзда тутиш лозим. Қолган ҳудуд кўаламзорлаштирилади ва сув оқимини айланма ҳаракатланиши билан янада кўркамлашади. Техник –

иқтисодий кўрсаткичлар қуйидаги майдонларнинг жами майдонга нисбатан бўлган улушлари m^2 да ва фоизларда баланс жадвали кўринишида ифодаланади: а) қурилиш майдони; б) ҳўжалик ҳовлиси ва асфальтбетонли йўлларнинг эгаллаган майдони; в) очик ҳаво остида жойлашган тупроқ – қумли ўйин ва дам олиш майдончаларининг эгаллаган майдони; г) спорт ядросига ажратилган майдон; д) яшил ва кўкаламзорлаштирилган майдон.

2.2. Бинонинг тури (типи) ва ундаги қаватлар сони: МК типология бўйича атрофдаги яшаш биноларидан пиёда юриш билан етиб борадиган ўзлаштирилган ҳудудда жойлашиши билан аҳолига кундалик хизмат кўрсатиш биноларига тегишлидир. МК нинг кўп функцияли характерда бўлганлиги ва бошланғич ҳамда ўрта таълим мактабида бепул таълим берилишининг конституцион мажбурийлигига асосан бошланғич синфлар (I – IV) учун ернинг устки қисмида икки қаватли, юқори синфлар учун уч қаватли мактаб биноси қурилишига тавсия берилади. Бунда бинонинг ҳажмий – фазовий марказлашган (центрик) ёки блокли композицияси тасвирий характерда бўлиши ва унинг танланиши, синф хоналарининг ва кабинетларнинг Шарқ (Ш), Жанубий Шарқ (ЖШ), Жанубга (Ж) қаратиб оптималъ ориентация қилиниши ва табиий ёруғлик асосий оқимиға эътибор қаратиш талаба олдида турган бош вазифалар деб ҳисобланади.

МК хоналарининг таркиби ва майдони (m^2).

А. Бошланғич синфлар учун хоналар:		
1	Синф хоналар:	60x8=480
2	Қўл меҳнати устахонаси	60
3	Ўзайтирилган кун гуруҳи	60
4	Ёруғлик рекреация	168
5	Санитар тугунлар	28
“А” бўйича жами майдон		796
Б. Ўрта синфлар учун хоналар:		
6	Ўқув кабинетлари:	
	- она тили ва адабиёт	60x2=120
	- чет эл тиллари	50x4=200
	- иқтисодий билимлар асоси, давлат ва ҳуқуқ асослари, тарих, география ва математика	60x4=240
	- информатика	66x2=132
	- препаратторлик кабинети	16x3=48
7	Табиий фанлар лабораториялари	66x3=198
	- физика ва астрономия	66
	- кимё	66
	- биология (табиатшунослик)	66
	- лобарант хонаси	16x3=48
8	Ёруғлик рекреация	210

9	Санитар тугунлар	35
10	Меҳнатга ўргатиш ва профессионал ориентацияга мўлжалланган хоналар:	
	- ёғоч ва металлни қайта ишлаш устaxonаси	108
	- устанинг асбоб ускуналар хонаси	16
	- ҳом – ашёларни ва тайёр маҳсулотларни сақлаш хонаси	16
	- кулинария ва матони қайта ишлаш устaxonаси	60
	- проф. ориентация кабинети	60
	- орасталик ва тозалик учун ишлатиладиган анжомларни сақлаш хонаси	6
“Б” бўйича жами майдон:		1497
В. Спортзал:		
11	Ўқув спорт зали	12x24=288
	- кийим алмаштириш, душ, хожатхона	42
	- спорт анжомлари хонаси	16
	- инструкторлик хонаси	8
“В” бўйича жами майдон		354
Г. Тўғараклар комплекси:		
12	Фаоллик зали – маъруза аудиторияси	130
	- ашула айтиш хонаси (эстрада)	27
13	Техник марказ (дтқиорлик хонаси билан радиоузел хонаси, аппаратураларни таъмирлаш хонаси, фотолаборатория)	34
14	Кутубхона (ўқув зали ва китобларни сақлаш жойи)	75
15	Ашула ва мусиқа синф хонаси	50
16	Санъат ва чизмачилик хонаси	66
17	Ўқув ўз – ўзини бошқарув хонаси	36
18	Рухий кўтаринкилик ва тарбиявий соат хонаси	60
19	Анжомларни сақлаш хонаси	12
“Г” бўйича жами майдон:		490
Д. Хизмат кўрсатиш – ҳўжалик хоналари:		
20	150 ўринли тушки нонушта зали	120
21	Овқат (таом)лар тайёрлаш хонаси	110
22	Директор кабинети	20
23	Қабул хона – девонхона	18
24	Директор ўринбосарларининг кабинетлари	12x2=24
25	Ҳисоб – китоб, касса хона	12
26	Услубик кабинет	36
27	Ўқитувчилар хонаси	40

28	Синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг хонаси	12
29	Техник персонал хонаси	8
30	Хўжалик ишларига ажратилган хона	14
31	Архив	8
32	Врач кабинети	14
33	Ўқитувчилар ва персонал учун санитар тугун (3с/т)	12
34	Гардеробли вестибюл (ташриф букориш) жойи	150
“Д” бўйича жами майдон:		598
Ҳаммаси бўлиб ишчи майдон:		3735м ²
Бир нафар ўқувчига тўғри келадиган майдон (юза)		5,93м ²

Илоҳ: а) Бевосита ташқарига чиқишга мўлжалланган йўлаklar, холлар, атриумлар ва эвакуацион зинапоя катакчалари – топшириқ билан регламентлаштирилмайди ва амалдаги технологик ва ёнгин хавфсизлиги меъёrlари талаblари бўйича қабул қилинади; б) Қаватларнинг минимум баландлиги: кичик майдон ва ошхонанинг нонушта қилиш зали баландлиги – 3,6м, фаоллик зали ҳам спорт залининг баландлиги – 5,4м; в) Амфитеатрли (балконсиз) типдаги томоша – форум зали учун:

- ўтирган томошабин кўзи учун ҳисобланган баланлик – 1,15м;
- олдинда ўтирган томошабини кўзи сатҳи устида жойлашган сахна планшетиға кўз нури тўлқинининг оширилиши 0,15м бўлиши лозим;
- пастки нур проекцион текислигидан энг охириги томошабинлар ўриндиклари полигача бўлган масофа – 2,0м дан кам бўлмаслиги лозим;
- томошабинларни томоша залидан 1:6 нисбатдан катта бўлмаган қияликка эға бўлган пандуслар орқали биринчи сатҳда жойлашган эшиклар орқали ташқарига эвакуация қилиш таъминланган бўлиши лозим, бунда эшикларнинг эни ҳар 100 томошабинға 0,6м тўғри келиши нуқтаи назардан ҳисоблаб топилади;
- икки томонлама эвакуация қилинадиган томоша қаторлари – 1,0м дан кейин эни 0,5м бўлган ўриндиклар ўрнатилиши билан жойлаштирилади;
- г) Топшириққа ва унинг рациональ корректурасига кўшимчалар талабнинг таклифи ва раҳбарнинг руҳсат – розилиги билан киритилиши мумкин. Масалан, ички ҳовли = уч ёруғликли атриум = эстрадали форум – $288 + 72 = 360\text{м}^2$.

Ўқув хоналари (синф хоналари, кабинетлар)ға кириш – синфдаги ёзув тахтаси (доскаси) жойлашган томондан амалға оширилади. Табиий тўғридан – тўғри ёруғликка эға бўлган рекрациялар, мувофиқ тарзда қарама – қарши ориентацияға эға бўлади. Ўқув хоналарининг ёруғлик ўтказувчи ораликлари (дерезелари) ориентацияланиши масалан, Шарққа қаратилганлигида куёшнинг пастки ҳолатда нур таратишида ўқув хоналарида тарқалган ёруғлик иклимини ҳосил қилишда куёшдан химояловчи (тўсувчи) қурилмаларға эға бўлиши лозим бўлади. Махсулот, предметларни сақлаш хоналари (кладовка), ошхона ёнидаги совутгич

камераларни, гардероб, чойшаблар сақланадиган хона, йўлаклар, радиоузел ва бошқа ёрдамчи хоналарнинг сунъий ёруғлик билан ёритилишига рухсат этилади.

2.3. Конструкция ва архитектура: МК биноларидан узоқ муддат – 125 йил давомида (ундан кам эмас) фойдаланиш учун қўйма рамали типдаги темирбетон каркасли комплексли конструктив схема анча мақбул деб ҳисобланади. Бунда қўйма темирбетон каркасли рамалардаги ташқи деворлар 1,5 қишт (38 см пардозсиз) қалинлигида қиштлар билан терилиб тўлдирилади, эвакуацион зинапоё катакчалари ҳам худди шундай қалинликда қиштлар билан терилиб бажарилади. Қаватлар оралиғи ва охириги қават ҳам ясси темирбетон плиталар билан 12м гача бўлган оралиқларни ёпишда фойдаланилади, бундай плиталар ўтирувчанлиги бўйича II гуруҳ грунтларда асосий горизонтал сейсмик кучларни (ҳисобий сейсмиклик; $\tau = 7 - 9$ балл) қабул қилишга мўлжалланган (ҳисобланган) бўлади. МК биноларининг архитектураси ёрқин, кўркем, ва ўта замонавий (супер замонавий) бўлмоғи лозим. МК биноларининг ҳажмий – фазовий ечими ва ёрқин фасадларнинг супер графикаси муаллифнинг ўзига ҳавола этилади. Фаол ўзгаришлар рўй бераётган даврдаги нарсалар – предметларнинг замонавий рангли динамик дизайнни доимо эътиборга олиш ва ҳар доим хотирада сақлаш лозим бўлади. Архитектура – жуда катта ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеълик ва борлик-мавжудликдир!

2.5. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар: а) m^2 да ҳисобланадиган ишчи (топширик орқали меъёрланадиган) майдон;

б) m^2 да ҳисобланадиган умумий (коммуникацияларни киритган ҳолда) майдон;

в) m^3 да ҳисобланадиган иситиладиган қурилиш ҳажми.

3. Лойиҳа график қисмининг таркиби:

- МК нинг функциональ зоналар экспликацияси билан биргаликда бош режаси (тарҳи), М 1:500;

- фасадлар рангли кўринишда (суперграфика билан) бажарилади, М 1:100, 1:150;

- экспликациялар ва майдонлар, ўқлардаги асосий ўлчамларни кўрсатган ҳолда қаватларнинг режалари (тарҳлари), М 1:100, 1:200;

- қўндаланг қирқимлар: а) зоналар бўйича бўйлама қирқим, М 1:100;

б) комплекс бўйича қўндаланг қирқим, М 1:100; рангли бажариладаган интерьерларнинг принципиаль ечимларини кўрсатиш талаб этилади;

- баланд белгиларнинг (сатҳлар) кўрсатиши тақозо этилади;

- перспектива (аксонометрия) ёки макет;

4. Ишни (лойиҳани) бажариш график: Курс лойиҳасини бажариш муддати – 10 ҳафта.

1- рейтинг. 4-ҳафта охирида А-3 форматда қўл орқали қаламда бажарилган клаузура.

2-рейтинг. 7-ҳафта охирида лойиҳа ҳамма чизмаларнинг эскизларни альбом А-4 баҳолаш.

3- рейтинг. 11-ҳафта бошида қўлда ёки персонал компьютерда тўлиқ бажарилган лойиҳани баҳолаш.

5. Адабиётлар.

1. Степанов В.М. «Школьная здания» Москва 1973 г.

2. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. Турар жой ва жамоат биноларининг типологик асослари. Тошкент 2009 й.

3. Архитектура общественных зданий и сооружений Москва 2007

4. Интернет

Тузувчи: проф. Хидоятлов Т.А.

“100 ЎРИНЛИ РЕСТОРАН”

мавзуси бўйича курс лойиҳасини учун услубий кўрсатма ва дастур топшириқ

1. Умумий ҳолат

Ресторан буюми чойхонаси билан умумий овқатланиш корхонасининг икки хил тизимда хизмат кўрсатувчи бўлиб, биринчи қаватда хўррандаларнинг буюрмаси билан бўлса, иккинчиси-миллий таомларнинг чегараланган асортимент асосида кўпроқ чойли ичимликларга эътибор қаратилади. Ушбу опшириқ шаҳарнинг аҳоли яшаш жойларида ҳуришга мўлжалланган бўлиб, IV қурилиш климатик ҳудудга 25-30 минг аҳоли учун хизмат кўрсатади.

Лойиҳанинг композициявий ечимига энг кўп тарқалган ўзимиздаги ва ҳорижда қурилиш амалиётида қабул қилинган режлаштириш тизими асос қилиб олинган:

- ишлаб чиқариш хоналари бинонинг марказида жойлашган бўлиб, унинг атрофида овқатланиш заллари жойлашган бўлади. (марказлаштирилган тури)

- савдо хоналари бош фасад томондан фронтал ҳолатда жойлашган бўлиб, ишлаб чиқариш хоналари эса қарама қарши томонга жойлаштирилади. (фронтал жойлашув тури)

- барча ишлаб чиқариш хоналари режанинг бирор бир бурчагига жойлаштирилган бўлиб, савдо хоналари эса икки томонлама жойлаштирилади. (бурчакли жойлашув тури)

Бинони лойиҳалашда асосий эътибор унинг рентабллилигига яъни иқтисодий тежамкорлик даражасига, композициявий ечимнинг юқори бадиий сифатига ҳамда Ўзбекистоннинг климатик ҳусусияларини ҳисобга олишга қаратилади.

Бинонинг иқтисодий жиҳатидан тежамлилиги даражасини ошириш учун асосан завод шароитида тайёрланган конструкция ускуналаридан, жойларда мавжуд бўлган қурилиш ҳамда безатишда ишлатиладиган янги қурилиш материалларидан максимал тарзда фойдаланиш лозим.

Бинонинг архитектура ечими оддий ва содда ҳажмий шаклда энг яхши пропорцияда ечилган бўлиб, ўзига эътиборни жалб этувчи архитектуравий элементлар орқали бинонинг ички хизматида чикқан ҳолда структуравий фазовий муҳитини ва жамоатга тегишли эканлигини акс эттириши лозим.

Бино тевақал атрофида кўкаламзорлаштирилган жойлар дам олиш айвонлари ҳамда микроклиматни мўтадиллаштирувчи архитектуранинг актив элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бинонинг фасадларини, интерьерларини безатишда Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий санъати намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ресторан ва чойхонанинг хоналари таркиби ва майдони

т/р	Хоналарнинг номи	Хоналар майдони м ²
1	2	3
А. Рестораннинг савдо хоналари		
1	Вестибюл, гардероб	60
2	Ҳожатхона ва қўл ювиш хонаси	10
3	Овқатланиш зали – 100 ўринли буфети билан.	160
4	Кулминария маҳсулоти учун	18
	Жами:	244 м²
Б. Ишлаб чиқариш хоналари		
1	Таомларни тарқатиш жойи	15
2	Иссиқ цех (ошхона)	55
3	Кондитер цехи	15
4	Ўзнахона	15
5	Ўштлиларни тайёрлаш хонаси	15
6	Балиқ маҳсулотларини тайёрлаш хонаси	15
7	Сабзавотларни тайёрлаш хонаси	15
8	Иссиқхона идишларини ювиш хонаси	10
9	Ошхона идиш товоқларини ювиш хонаси	15
10	Ошхона учун ёпиқ айвонча	15
	Жами :	170
В. Омборхона		
1	Қуруқ маҳсулотларни сақлаш хонаси	12
2	Жихозларни сақлаш хонаси	10
3	Сабзавотларни сақлаш хонаси	12
4	Совуткич камераси хоналари: а) ўштлилар учун б) балиқ маҳсулотлари учун в) сут маҳсулотлар учун г) мева ва бошқа маҳсулотлар	10 6 6 6
5	Фреан дастгоҳи хонаси	2
6	Юкларни тушириш хонаси	12
7	Ўш идиш ва жихозлар учун	8
	Жами :	84 м²
Г. Бошқарув идораси хоналари		
1	Идора	15
2	Ходимлар хонаси	12
3	Директор хонаси	12
4	Ходимларнинг ечишниш хонаси	15
5	Душ ва ҳожатхона (ходимлар учун)	10
	Жами:	64м²

Д. Ўринли чойхона		
1	Савдо зали	60
2	Самовархона	20
3	Асбоб анжомларни ювиш хонаси	10
4	Омборхона	10
	Жами :	100м ²
Е. Техник хоналар		
1	Шамоллатиш камераси	20
2	Электр шити	10
3	Иситиш жойи	20
	Жами :	50 м ²
	Жами ишлов майдони тахминан	700 м ²
Илова: ҳажми режалаштиришига қараб қўрсатилган майдонларни 10% гача ўлғатириш мумкин.		

4. Асосий қўйиладиган талаблар. Архитектуравий режалаштириш, конструктив ечимига, сантехника жиҳозларини жойлаштириш ва ўрнатишга ҳамда иқтисодий тежамкорликка қаратилади

1. Ресторна биноси бир ёки икки қаватлик қилиб мўлжалланади.

2. Рестораннинг савдо зали учун ва чойхона лойиҳалашда жами майдоннинг 50-70% ҳисобидан ёзги ўтириш жойлари учун майдон ажратиши лозим.

3. Ресторан –ошхона асосан ҳам ашё маҳсулотларида ишлайдиган бўлгани учун технологик нуқтаи назаридан хонанинг томонлари 1:2 нисбатда режалаштирилган маққулдир.

4. Ресторан атрофидаги ер сатҳи майдони бир киши учун 15м² қилиб олинади.

5. Агар ресторан икки қаватлилик қилиб лойиҳаланган тақдирда (ошхона ва 1 закахоналарни) овқат тарқатиш жойини, идишларни ювиш ва нонларни тарқатиш хоналарини савдо зали билан бир қаватга жойлаштириш лозим.

6. Савдо залининг полдан-шифтгача бўлган баландлиги 3.3 м дан кам бўлмаслиги лозим.

7. Эстрада савдо залига жойлашган бўлиб, унинг чуқурлиги 3 м да кам бўлмаслиги, полдан баландлиги эса, 0.45дан 1.2 м га бўлиши мумкин.

8. Ярим фабрикани кулминария маҳсулотларни сотиш дўкони иложи борича алоҳида кириб чиқиладиган эшикка эга бўлган ҳолда, ошхонага яқин жойга режалаштирилган бўлиши лозим.

9. Ресторна гардероби барча ўриндиқларнинг 10% ҳисобидан олинади.

10. Вестибюлдаги қўл ювиш жиҳозларини 50 ўринга бир унитаз ҳисобидан ками билан 2 та (эркаклар ва аёллар учун) олинади.

11. Таҳорат хонасида ҳам 50 кишига битта унитаз олинади.

12. Барча савдо хоналарини—вестибюл, гардеробқўл ювиш, хожатхоналарни, савдохона (овқатланиш зали), буфет, яримфабрикат, тушликларни сотиш хоналарини – иложи борича бош ёки ён фасад томонга жойлаштириш маққул.

13. Ишлаб чиқариш гуруҳига мансуб хоналарни-иссиқ цех (ошхона), кондитер хонаси, гўшт, балиқ сабзавот, газакхона, қайта тайёрлаш, тарқатиш, буфет, ювиш ва бошқаларни омборхонага яқин, алоқа қилишга мўлжаллаб овқат тарқатиш ва идиш ювиш хонаси билан боғлаш лозим.

14. Омборхонани ертўлада, цокол ёки биринчи қаватга ҳўжалик ҳовлиси томонга жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

15. Бинони бошқарув идорасига мансуб бўлган хоналар гуруҳини – маиший хоналар директор кабинети, идора, ходимлар хонаси, гардероб, душ ва ходимлар хожатхоналарни бошқалардан ажратилган ҳолда корхонанинг барча хоналари билан боғлиқ ҳолда лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

16. Техник хоналар гуруҳи венткамера, электр шитлари, иситиш узелларини иложи бўлса ер тўлада муҳофазақилинган ҳолатда жойлаштириш лозим.

а. Лойиҳа таркиби.

1. Бош режа М 1:400
2. Қаватлар режаси М 1:100, 1:200
3. Фасадлар (бош ён) тарзлар М 1:100, М1:50
4. Қирқимлар М 1: 100
5. Перспектива ёки макет (ихтиёрий)

Адабиётлар :

1. ҚМҚ 2.01.03.96 Госко архитектура 1996 г.
2. ШНК 4.13.41-06 Предприятия торговых и общественный питания.
3. СНИП – Л 8-70 Предприятия Общественного питания. М. «Стройиздат» 1972 г.
4. Орловский Б.Я. Сербинович П.П. «Общественные здания » М. «Высшая школа»
5. Убайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М. “Тураб жой ва жамоат бионарни лойиҳалашнинг типологик асослари”. Тошкент 2009 й.

**Тузувчилар: проф.Убайдуллаев Х.М.
проф.Абдурахмонов Й.И.**

“ЖАНУБИЙ РАЙОНЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН 500 ЎРИНЛИ КИНОТЕАТР”

мавзуси курс лойҳаси услубий кўрсатма дастур ва топширик.

1. Умумий ҳолат

“Таклиф қилинаётган кинотеатр биноси йил мобайнида хизмат кўрсатишга мўлжалланган одатдаги хоналар таркибидан иборат бўлиб, IV қурилиш климатик ҳудудда 3000 дан кам бўлмаган аҳоли яшаш жойларида қурилишига тавсия этилади.

Кинотеатр биносида одатдаги ҳамда кенг форматли филмларни демонстрация қилишда фойдаланиш мумкин. Бинони лойиҳалаш ечимини кенг тарқалган 3 ҳилдаги ҳажмий –фазовий туркумининг биноларини қўллаш орқали амалга ошириш мумкин. Яъни бинонинг сўнгги қисмида вестибюл фойе ва тамошо залини бўйлама ўқига нисбатан жойлаштирилган ҳолда ёки фасадга текислигига перпендикуляр ҳолда ҳолд, фронтал текисликда эса вестибюл ва фойеларни тамошо залига нисбатан ассиметрик ҳолатда қисман вестибюл ва фойени асосий композицион ўққа нисбатан бироз яқинлаштирган ҳолда бўлиши мумкин.

Бионинг иқтисодий жиҳатдан тежамли, эксплуатация қилишда қулай ва ўзига хос хусусиятига эга эканлиги билан ажратиб туриш лозим.

Бионинг иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги даражасини ошириш учун эса, заводда тайёрланган конструкция ускуналаридан, жойларда мавжуд бўлган қурилиш ҳамда безатувчи ҳомашёлардан максимал тарзда фойдаланишни тақозо этади.

Кинотеатр биносининг архитектурасининг ечими энг яхши пропорцияда оддий ва содда кўзга ташланувчи шакллар орқали бионинг ички хизматидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда жанубий районлар яъни Республикамиз шароитига мослашган бўлиши лозим.

Бионинг фасадини интерьерларни бадий безатиш воситалари сифатида ўзига жалб қилувчи ярим хром нақшлардан панно мозайкаларидан, ўта чирой берувчи панжаралардан, пластик ҳамда тасвирий санъат намуналаридан фойдаланиш мумкин.

Кинотеатр хоналарини лойиҳалаш жараёнида айниқса, Ўзбекистон шароитига мос бўлган асосий элемент у ҳам бўлса, энг мўтадил бўлган хоналарда микро иқлимий шароитни яратишдир. Шунинг учун ҳам кинотеатр режасининг композициясига очиқ ҳовли, яъни ёзги фойени киритиш мақсадга мувофиқдир.

Кинотеатр хоналарининг таркиби ва майдони

№	Хоналарнинг номи	Бир томошабин учун м ² ҳисобида	Хоналарнинг майдони м ² ҳисоб
1	2	3	4
А. Тамошо комплекси			
1	Тамошобин зали (эстрадаси билан)	0,9	450
2	Касса вестибюли (айвон остида ёки ётиқ)	0,08	
3	Фойе ва буфет	0,6	275
4	Хожатхона (эркак ва аёллар учун)	0,06	25
5	Чекиш хонаси	0,3-0,4	120-160
		Жами:	770 (ёзги фойеларимиз)
Б. Киноаппарат комплекси.			
1	Кинопроекция хонаси		24
2	Тасмаларни қайта айлантириш хонаси		6
3	Кинопроекторларни агрегатлаб совутиши		10
4	Киномеханик хонаси ва радиоузел.		10
5	Бошлиқ хонаси		6
6	Покланиш хонаси		2
		Жами:	58
В. Хизмат-хўжалик комплекси.			
1	Директор хонаси		6
2	Бошлиқ хонаси		6
3	Идора		8
4	Плакат устахонаси		20
5	Ходимлар хонаси		8
6	Хўжалик казнокхонаси		6
7	Электишит ва аккумулятор хонаси		10
8	Ишқор хонаси		4
9	Хўжалаик жиҳоз ва буюмлар омбори.		2-3
10	Буфетнинг ёрдамчи хоналари: а) охириги тайёрлаш; б) идишларни ювиш; в) казнокхона; г) бўшаган идиш ва жиҳозлар.		10 5
11	Техник хоналар (ҳаво кондиционерлари)		160
		Жами: ҳамма ишчи хоналар майдони	247 1075 м²

Илова	1. Барча хоналарни кўпайтириш ёки камайитириш 10% атрофида рухсат этилади. 2. Тамошо зали майдонига барча ўриндиқлар, йўлқалар (устки, остки каватлардаги), экран олди ва орқасидаги жойлар ҳам киради.
-------	--

Бош режа, архитектуравий – режалаштириш, конструктив ечимларига, сантехника жиҳозларини жойлаштириш ҳамда иқтисодий тежамкорликка қўйиладиган асосий талаблар.

1. Бутун йил мобайнида ишлайдиган кинотеатрларни одатда район, шаҳар марказларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, аҳоли яшаш жойларининг жамоат марказлари ансамбилини шаклланишига асос яратади.

2. Кинотеатрларнинг ер сатҳи майдонларини жойлаштиришда шаҳар, аҳолини яшаш ҳудудларини ҳисоблашда ҚМҚ 2.01.03.96 ва ИПНК 4.13.22-кинотеатрларга асосланиши лозим. ИПНК – қондалар асосида ёндошиш керак.

Кинотеатр ер стаҳини лойиҳалаш даврида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- бинога кириш ва чиқиш майдонларини 1 киши учун 0.2 м бўлиши лозим;

- тамошобинлар дам олиш жойлари, сув хавзаси ва газонлар;

- пиеда йўлқалари ва йўллар жамоат маркази кўчалари билан автомобилларни сақлаш жойлари боғланган бўлиши шарт.

3. Кинотеатр хоналари қуйидагиларга бўлинади: тамошабин комплекси; киноаппаратура комплекси; хизмат кўрсатиш хўжалик хоналари.

4. Ҳожатхона бўлимларидаги жиҳозларнинг ҳисоби: 150 эркакларга бир унитаз писсуар, 50 та аёлларга битта унитаз 1 қўл ювиш жиҳози эса 50 унитазга, биттадан кам бўлмаслиги лозим. Эркак ва аёлларни 50% кинога кирувчилар сонидан ҳисоб юритиш лозим.

5. Тамошо зали параметрларини экранини ҳисоблашда кўриниши талабларини, ўтириш ўринларининг ҳисобини 2 ва 3 иловаларга амал қилган ҳолда олиб бориш лозим.

6. Киноаппаратура хоналари комплекси ички алоқа билан боғланган бўлиши лозим.

7. Тамошобинларни кинотеатр залидан эвакуация қилиш одатда олдиндан мўлжалланган алоҳида чиқиш жойлари орқали амалга оширилади.

Тамоша залидан эвакуация қилиш йўлларининг умумий кенглиги, умумий эшиклар кенглигига, йўлақлар ва тамошобинларни йўлидаги зиналарни 100 кишига 0.6 м ҳисобидан олиш лозим. Эвакуация йўлақларидаги пандуснинг қиялигини эса:

Бино ичида -1:6 нисбатдан кўп бўлмаган; ташқи томонда — 1:8 нисбатдан кўп бўлмаслигига амал қилиш лозим.

8. Киноаппарат комплексидан чиқиш фақат ташқарига чиқиши ёки фойе, вестибюл орқали тамбур ва хонага ўтишни ташкил қилган ҳолда тамошобинлар билан тўқнашмаслиги лозим.

9. тамошобин зали балконсиз лойиҳаланган ҳолда қуйидаги нормаларга амал қилиши зарур:

а) жойларнинг кетма- кетлиги орқасидаги масофа 90см бўлиб, бир томонлама эвакуация йўлигача 20 ўриндиқ ва икки томонлама эвакуацияда 40 ўриндиқни ташкил қилиши лозим.

10. Чипталар сотиш кассалар сони 330 тамошобинга бир туйнук орқали 1.5-2 м² ҳисобида олинishi лозим.

11. Кинотеатр биносининг конструктив ечимини ҳал қилишда иложи борича тайёр заводда чиқаришдаги унификация қилинган каркаслардан (3х3,6х6,9х9,9х18,18х24) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бино қаватларининг баландлигини киноаппарат комплекси, хизмат кўрсатиш-шифтигача, фойе ва вестибюлларни эса 4.2 м бўлгани маъқул.

Лойиҳа таркиби:

1. бош режа М 1 : 400
2. Қаватлар режаси М 1 : 100
3. Қирқим М 1: 100 ёки 1:200
4. Ён ва бош фасадлар М 1 : 50 ёки 1: 100
5. Песпектива ёки макет (ихтиёрий)

Илова: режа, қирқимларда асосий ўлчамлар, қаватлар ва томонинг баландлиги кўрсатилиши лозим.

Илова №1 (ШНҚ. 4.13.26.06.)

№	Харфлар ифодаси	Ўлчагичларнинг номлари	Ўлчамлар
1		Залнинг узунлиги	Д
2		Залнинг эни	0.7+0.8 д
3		Экраннинг эгилма радиуси	0.8
4		Экран хордаси (эгилма узунлиги)	0.6 д
5		Экран баландлиги	0.45 х
6		Биринчи қатордан экрангача бўлган оралик	0.3 д
7		Экран марказига тушаётган нурни оптик оғиш бурчаги.	0° +3°

8	Экран оркаси бўшлиги (экран марказидан)	1.5м
9	Экранинг юқори	1 м дан кам бўлмаслиги лозим
10	В бурчаги	$10^0 + 12^0$
11	В бурчаги	$28^0 + 30^0$
12	Ўтирган тамошабиннинг ҳисоблашган баландлиги	1.15 м
13	Кўриш нури экранининг пастки қиррасигача бўлган даражаси	0.12 м
14	Энг паст бўлган проекция нури тамошобин ўриндиг оралиғи	2 м кам бўлмаслиги керак

Лойиҳалаш бажариш назорат курслари

1. Топширикни бериш.
2. Лойиҳаларни кўрсатиш.
3. Клаузура. Гоя –эскизларини кўриш.
4. Эскизларни баҳолаш.
5. Лойиҳалаш қаламда тугаллаш.
6. Лойиҳани графикада тугатиш ва топшириш.

Адабиётлар:

1. Гнедовский Ю.Н. Савченко М.Р. Кинотеатры М.Стр. 1968 г.
2. Госунова М.И. «Архитектурное проектирование М.Выш школа 1983 г»
3. Орловский Б.Я. Сербинович П.П. Обществ здания . М Выеш шк. 1978г
4. ҚМҚ Госко архитектура 1996 г
5. ІПНК 4.13.41-06 Предприятия торговкх и общественный питания.
6. Убайдуллаев Х.М. Иноғомова М.М. "Турар жой ва жамоат биноаларини лойиҳалашнинг типологик асослари" Тошкент 2009 й.
7. ІПНК. 4.13.22.06. Кинотеатри сб .22 Тошкент 2006

Тузувчилар : проф.Убайдуллаев Х.М.
проф.Абдурахмонов Й.И.

8. “КЎРГАЗМА ПАВИЛЬОНИ”

мавзуси курс лойиҳаси-услубий кўрсатма
дастури

1. Кўргазма павильонлари турлари

Лойиҳа қилинадиган кўргазма павильони жамоат биноларининг маданий муассасалар бинолари таркибига кириб, катта шаҳар ва вилоятларда қуришга мўлжалланган.

Шаҳарсозлик нуқтан назардан кўргазма павильонлари қўйидаги уч белгилар: экспозицияларни маъноси, таъсир қилиш зонаси ва кўрсатиш вақтига асосан классификацияланади.

Кўргазма павильонлари функциясига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, техник ижодиёт, бадий ижодиёт, махсус гуллар, флателия, хайвонот ва ҳ.к. қатнашувчиларнинг контингентига кўра улар халқаро, Республика, вилоят, шаҳар ва ноҳия кўргазмалари бўлиши мумкин.

Ҳар бир кўргазма павильонларининг ўзига хос архитектура – фазовий муҳит бўлиши керак бўлади ва бу муҳитга унча вазифа қўйилади: эришилган ютуқни кўрсатиш, информациялар билан алмашиш ва тажриба алмашиш.

Кўргазма павильон биносини IV – иқлим шароитини ҳисобга олиб лойиҳа қилиниши керак бўлади. Бунда 7 – 9 даражали зилзиласимонликни, иссиқ шароитини ва шунга кўра ободончиликка, сув ҳавзалар ва фаввораларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Кўргазма павильонларини жойлаштириш

Кўргазма павильонларнинг функционал вазифасига кўра:

1. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларини бири сифатида алоҳида жойлаштириш мумкин.

2. Махсус кўргазма зали сифатида алоҳида ер майдонсида жойлаштириш мумкин.

3. Жамоат бинолари билан биргаликда қўшилиб маданий марказлар шаклида жойлаштириш мумкин.

Ҳар уччала ҳолларда кўргазма павильонларга қулай кириш йўллари, транспорт учун турар – жой бўлиши шарт. Енгил автомашиналар учун 6х4, катта ўлчамли оғир автомашиналар учун 10х5м очик турадиган жойлар қабул қилинади.

3. Кўргазма павильонларини лойиҳалаш асослари

Кўргазма павильонлари структурасини асосан унча гуруҳ хоналар ташкил қилади. Булар: кўргазмага келувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари, экспозициялар зонаси, маъмурий ва хўжалик хоналари.

Кириш қисми (вестибюль гуруҳини) гардероб, экскурсия бюроси, эсталик моллари сотиш дўкончаси, информация маркази ва хожатхона

ташқил қилади. Кириш қисми якунига дам олиш жойи ва буфет жойлаштирилади. Кинотеатр ва кино кўрсатиш хоналарига кириш вестибюль орқали боғланади. Маъмурий хоналар (директор, плакат, экскурсовед хонаси) ихчам лойиҳалаш ва албатта табиий ёритилиши керак. Хизмат кўрсатиш зонаси устахонаси, фотолаборатория, техник хоналари (кондиционер ускуналари жойлашадиган, электрик тумбаси) ва техник хизмат кўрсатиш ходимлари хоналарини ўз ичига олади. Экспонатларни қабул қилиш учун алоҳида махсус эшик билан таъминланиб ва у кўргазма залига боғланган бўлиши керак. Кўргазма павильони муҳити яхлит ёки бўлинган заллардан ташқил топган бўлиши мумкин. Уларнинг экспозицион майдончалари ҳар – ҳил баландликда жойлашиши мумкин. Универсал кўргазма заллари учун интеграль системадаги (табиий ва сунъий) ёриткичлар қўлланилади.

Павильоннинг баландлиги аниқ белгиланмаган, лекин экспозициянинг баландлигига қараб 4 – 5 метрдан 9 – 12 метр ёки ундан катта бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш хоналарига баландлиги 3,3м бўлган 6х6м лойиҳа модулини қўллаш мумкин. Кириш қисмини баландлиги 4,2м.

Кўргазма павильонининг конструктив ечими йиғма қурилиш элементларидан ва фазовий қурилмалардан қай даражада фойдаланганлигига боғлиқ. Устунлар оралиғи 6х6м, 9х9м, 12х12м, 18х18м ва 24х24м бўлиши мумкин. Кўргазма зали кенг муҳитли бўлган ҳолларда қуйидаги фазовий қурилмаларни ишлатиш мумкин: қесма – стерженли, свод – оболочкали, (қирралли, сеткали), осма ёпилмалар (гиперболоид - параболоид).

4. Кўргазма павильонларнинг композицион структураси

Кўргазма павильонлари биноларини композицион ечими марказлашган ва ёйли, яъни блокли бўлади. Марказлашган композицион ечим тарҳининг ихчам бўлиши билан ажралиб туради ва шу билан бирга функционал жиҳатдан муҳитдан универсал фойдаланишга имконият беради. Марказлашган павильонларнинг яхлит ички муҳитга эга бўлган бир қаватли, марказлашган ядро – муҳит ва уни атрофларни ўраб турадиган галерея ва экспозицион курсларини эркин жойлаштирадиган хиллари бўлиши мумкин.

Ёйиқ композицияга павильонларнинг блокли усулида алоҳида жойлашуви киради. Функционал блокларнинг бўлишига асосий сабаб, кўргазма бўлимларини ҳар ҳил тематик тарзда ташқил этиш.

Павильонларнинг ажралиб туриши даражасига қараб улар 2 та усулга бўлинади: блокларни ихчам жойлаштириш ва эркин жойлаштириш.

5. Кўргазма павильонининг хоналар юзаси ва тартиби

А. Кўргазмага келувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари

№	Хоналар номи	Хоналар юзаси	Эслатма
1	Экспозиция зали	800	Залларнинг ўлчамлари экспозицияларнинг тури ва ҳажмига қараб олинади
2	Кириш қисми: гардероб ва эсталик молларини сотиш дўкончасини билан	60	
3	Буфет қўшимча хонаси билан	24	
4	Кинотеатр хонаси	40	
5	Кино кўрсатиш ва лентани қайта ўраш хонаси	12	
6	Хожатхона	12	
7	Информация хонаси	15	
		Ҳаммаси:	963

Б. Маъмурий хўжалик ва техник хизмат кўрсатиш хоналари.

№		15
1	Директор хонаси	15
2	Экскурсия бюроси	12
3	Плакат-рассом хонаси	12
4	Ходимлар хонаси	20
5	Устахона	12
6	Лаборатория (фото)	12
7	Ходимлар учун гардероб душ ва хожатхона	12
8	Хўжалик молларини сақлаш хонаси	12
9	Экспонатларнинг сақлаш хонаси	80
10	Техник хоналар (кондиционерлик ускуналари вазлелектор дасттоҳи ўрнатиш жойи)	60
	Ҳаммаси:	262
	Кўргазма зали бўйича	1225 м²

6. Лойиҳа тартиби

1.	Бош тарх	1:500
2.	Қаватлар тархи	1:100 ёки 1:200
3.	Тарзлар	1:50 ёки 1:100
4.	Қирким.	1:100
5.	Макет ёки перспектива	

7. Адабиётлар

1. Ревякин. В.И. Музей. Выставки. Архитектура СССР 1972 №7
2. Ревякин. В.И. Выставки. (архитектура и экспозиция) М. Стройиздат 1975г
3. Декоративное искусство СССР. 1967 №5, 1968 №1, 1972 №2,4,10, 1974 №1
4. Грамолин. И.В. Архитектура на выставке в Монрелле М. 1968
5. Рязанцев И. Искусство Советского выставочного ансамбля. М. 1976.
6. Убайдуллаев Х. М., Инагамова М. "Турар жой ва жамоат бинолари типологик асослари". Тошкент 2009й.

Тузувчилар : проф.Убайдуллаев Х.М.
проф.Абдурахмонов Й.И.

9. “500 ЎРИНЛИ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ” мавзуси бўйича ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар

1. Умумий тушуначалар

500 ўринли Маданият Маркази (ММ) йил давомида хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг иқлим ва сейсмик шароитларида аҳоли сони 30000 кишигача бўлган кичик шаҳарлари учун мўлжалланган бўлади, йирик шаҳарларда эса яшаш даҳалари (районлари)да худди шундай сондаги аҳолига хизмат кўрсатиш учун қурилади. Композияли асосий бино бу 450 ўринга мўлжалланган универсал вазифани бажарадиган томоша комплекси бўлиб ҳисобланади. унда, фильмларни электрон – рақамли намоиш этишдан тортиб гастролли гуруҳлар ва алоҳида (яккахон)солистларни қабул қилишгача бўлган ҳамма кенг масштабли маданий тадбирларни ўтказиш мумкин бўлади. Бу мақсадлар учун сахна томонида жойлашган локалли кириш жойига эга бўлган хоналарнинг сахнали комплекси (мажмуаси) хизмат қилади. Аҳоли билан бажариладиган кундалик маданий ишлар хоналарнинг тўғаракли комплексларида амалга оширилади. Ҳамма маданий тадбирларни координациялаш (бир нуқтага жойлаш) ва уларни технологик таъминлаш учун ММ хоналарининг хўжалик хизмат кўрсатиш комплекси хизмат қилади.

2. Топшириқнинг мазмуни ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси иқлим ва сейсмик (7 – 9 балл) шароитлари учун локалли ер майдонсида жойлашадиган 500 ўринли Маданият Маркази (ММ) биносини фор эскизли курсда лойиҳалаш тавсия этилади.

2.1. Қурилиш майдони

ММ нинг майдони шаҳарнинг жамоат маркази ёки яшаш районининг кўкаламзор зонасида қизил чизикда жойлашган кўчалардан камида 12м масофа узокликда 0,5га дан кўп бўлмаган умумий майдонга эга бўлган ҳолда қурилади. Майдонда қуйидагилар жойлашади: ММ мажмуаси; меҳмонлар учун 20 – 25 ж/м (20 – 25 жой / машина) ли авто турар жойи; ММ атрофида эни 3,0м дан кам бўлмаган ҳалқали юриш йўли; $d = 6м$, чуқурлиги $h = 2,4м$ бўлган ёнғин хавфсизлиги учун сув сизими (ҳавзаси) – фаввора; курсилар ўрнатилган дам олиш зонаси – атриум типдаги ММ комплексига қўшиб қуриладиган ички ҳовлининг ташкил этилиши ҳам кўзда тутилиши мумкин; ишлаб чиқариш устахонаси ва 4 ж/м ли гаражга (шу каторда Самарқанд автобус заводида ишлаб чиқариладиган иккита

автобус) эга бўлган ҳўжалик ҳовлиси; қолган ҳудуд яшил зоналар билан кирилади ва сув оқими йўлига қўшилади. Бино олдига фаввораларга, гулзорларга, узун курсилар қўйилган кутиш ва дам олиш майдонларига эга бўлган тантанавор аван майдоннинг ташкил этилиши албатта лозимдир. Бундан ташқари 5 – 10 ж/м га мўлжалланган автомобил ва автобуслар учун вақтинчалик турар жойлар ҳам (шаҳар кўчалари томонига тегишли бўлган йўл зона полосасига кўндаланг профилда) кўзда тутилиши тақазо этилади.

2.2. Бинонинг тури, йўл ва ундаги қаватлар сони:

ММ биноси типология бўйича яшаш мавзесидан пиёда юриш орқали етиб бориладиган зонада жойлашадиган селитебли ҳудудларда жойлашиш билан аҳолига даврий хизмат кўрсатиш бинолар қаторига тегишлидир. ММ нинг кўп функционалли характердалиги ва унинг ташқи томондан аҳолининг ҳамма гуруҳлари учун жозибадор бўлиши тавсия этиладиган қаватлар сони иккитагача чегаралайди, ҳажмий – фазовий композициянинг тасвирий характерида максимум уч қаватга рухсат этилади, буларни (яъни қаватлар сонини) танлаш талабанинг асосий масаласи деб ҳисобланади.

2.3 Конструкция ва архитектура

ММ биноларидан узоқ муддат – 125 йил мобайнида (ундан кам бўлмаган муддатда) фойдаланиш учун қуйма темирбетон каркасли, рамали типдаги комплексли конструктив схема анча мақбул деб ҳисобланади. Бунда қуйма темирбетон каркасли рамалардан ташқи деворлар ва эвакуацион зинапоя катакчалари 1,5 мшт (38 см пардозсиз ҳолатда) қалинликда мштлар билан терилиб тўлдирилади. Қаватлар ораси ҳамда охириги қават 12 мгача бўлган ораликда ясси темирбетон плиталар билан ёпилади. Бундай плиталар ўтирувчанлиги бўйича II гуруҳ гурунтларда асосий сейсмиклик кучларни (ҳисобий сейсмикликни 7-9 балл) қабул қилишга ҳисобланган бўлади. ММ биносининг архитектураси еркин, кўркам, жозибадор ва ўта замонавий бўлишни тақазо этилади. ММ биносининг ҳажмий-фазовий ечими ва фасадларнинг суперграфикаси муаллифнинг ўз эътиборига ҳавола этилади. Фаол ўзгаришлар рўй бераётган рангли динамик тарзидаги дизайнни ҳар доим инобатга олиш ва ҳамиша ёдда тутишни тақоза этилади.

Архитектура –бу жуда аҳамиятга молий бўлган воқелик ва борлиқ – мавжудликдир.

2.4. ММ хоналарининг ва унга тегишли жойларнинг таркиби ва майдони (м²)

А. Томоша мажмуаси (комплекс):		
1	Кассали вестибюль (кассали ташир) бўйиш зали)	36
2	Фойе	200
3	Томоша зали (+ эстрада)	450
4	Рақамли проекциялаш хонаси	24
5	Радиоузел хонаси	18
6	Буфет	36
7	Буфетнинг ёрдамчи хоналари	9x4=36
8	Гардероб, санитар тугунлар	36+18x2=72
9	Ёзги фойе – атриум – ички ҳовли	150 дан кам бўлмаслиги лозим
“А” бўйича жами		872
Б. Саҳна мажмуаси (комплекс):		
10	Вестибюль (ташир) бўйиш зали)	18
11	Саҳнага чиқадиган хона	18x2 = 36
12	Артистлар хонаси	12x10 = 120
13	Режиссёр хонаси	12
14	Режиссёр ёрдамчисининг хонаси	12
15	Музыка асбобларини сошлаш хонаси	12
16	Костюмларни ўлчаш хонаси (костюмерная)	18
17	Санитар тугунлар, душлар	9x2 = 18
“Б” бўйича жами:		246
В. Тўғарақлар мажмуаси (комплекс):		
18	Очиқ ҳолатдаги кутубхона билан биргаликда электрон кутубхона	72
19	Рақс зали	144 + 18 = 162
20	Тўғарақ хоналари	(36 + 18)x10 = 540
21	Администратор хонаси	18
22	Санитар тугунлар	9 + 9 = 18
“В” бўйича жами:		810
Г. Хизмат кўрсатиш – хўжалик мажмуаси (комплекс):		
23	Директор хонаси	18
24	Бош администратор хонаси	18
25	Ҳисоб – китоб хонаси	18
26	Плакатли устахона	36
27	Хўжалик хонаси	18
28	Орасталик – тозалик анжомларини сақлайдиган хона	9
29	Санитар тугунлар	4,5x2 = 9
30	Слесар – ёғоч устахонаси	36
31	4 ж/м ли гараж (40 ўринли иккита автобус)	100
“В” бўйича (30 – 31 - пунктларсиз) жами:		126
Ҳаммаси:		2054м²

Изоҳ: а) хизмат кўрсатиш – хўжалик комплекси ёрдамчи хоналари (тайёрлаш, ювиш, сақлаш, идишли – юкланган маҳсулотларни сақлаш хоналари) билан биргаликда буфетни фойдаланишдаги ва автотранспортда

технологик тушириш ҳам жойлаштириш шаронглари бўйича қоидага қўра
 1 – қаватга жойлаштириш маъқулроқ бўлади; б) Слесар – ёғоч
 устахонасини ва гаражни ММ ниңг асосий ҳажмига ёнғин хавфсизлиги
 меъёрларига риоя қилган ҳолда қўшиб қуриш мумкин – яъни биринчи ёки
 цоқолли қаватда ташқи капитал деворлар орқали кириш – чиқишни
 таъминлаган ҳолда қўшиб қуришга рухсат берилади; в) Бевосита
 талқарига чиқиш жойига эга бўлган йўлаклар, холлар ва эвакуацион
 зинапоя катакчалари – топшириқ билан регламентлаштирилмайди ва
 амалдаги технологик ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари талабларидан келиб
 чиққан ҳолда қабул қилинади; г) қават баландлигининг минимум
 қийматлари: кичик майдонли хоналар баландлиги – 3,6м, фойе ва ракс
 залининг баландлиги – 5,4м, томоша залининг баландлиги – 7,2м; д)
 Амфитеатр типидagi (балконсиз) томоша заллари учун қуйидаги
 баландликлар қабул қилинади:

- ўтирган томошабин кўзининг ҳисобланган баландлиги – 1,15м;
- олдинда ўтирган томошабин кўзи сатҳи устидан сахна планшетиға
 йўналтирилган кўз нуруниниң оширилиши 0,15м;
- пастки проекцион нурдан охириги қаторда жойлашган томошабин
 ўриндикларининг полигача бўлган баландлик – 2,0м;
- томошабинларни томоша залидан 1:6 нисбатдан катта бўлмаган
 оғмаликка (қиялик) "га" эга бўлган пандуслар орқали биринчи сатҳда
 жойлашган эшиклар орқали ташқарига эвакуация қилиш таъминланган
 бўлиши лозим, бунда эшикларнинг эни ҳар 100 нафар томошабинга 0,6м
 тўғри келиш нуқтаи – назардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб топилади;
- икки томонлама эвакуацияға эга бўлган қаторларнинг ораси 1,0м ни
 ташкил этиши тақазо этилади; бу қаторлардаги ўриндик (кресло) ларнинг
 эни 0,5м дан кам бўлмаслиги лозим; е) топшириққа ва унинг рациональ
 корректура қилинишига қўшимчалар талабаниниң тақлифи ва раҳбарнинг
 рухсати билан киритилиши мумкин.

2.5. Техник - иқтисодий кўрсаткичлар:

- а) ишчи (топшириқ орқали меъёрлаштирилади) майдон, m^2 да
 ҳисобланади; б) умумий майдон (коммуникацияларни киритган ҳолда)
 майдон, m^2 да ўлчанади; в) иситиладиган қурилиш ҳажми, m^3 да
 ҳисобланади.

3. Лойиҳа график қисмининг таркиби

- функционал зоналарнинг экспликацияси билан биргаликда ММ
 нинг бош режаси (тарҳи), М 1:500; - ташқи реклама (иккита) ва

фасадларнинг рангли (супер графика билан) бажарилиши, М 1:100/150; хоналарнинг экспликацияси ва майдонини кўрсатиш билан ўқлардаги асосий ўлчамлари билан қаватлар режаси (тархи, М1:100; 1:200; - кўндаланг қирқимлар а) зал бўйича бажарилиши, М 1:100/150; хоналарнинг экспликацияси ва майдонини кўрсатиш билан М ўқларидан асосий ўлчамлари билан қаватлар режаси (тархи), М 1:100;1:200;- кўндаланг қирқим, М 1:100 –интерьерларнинг рангларда бажариладиган принципиаль ечимларни кўрсатиш; - бионинг перспектива (аксонометриясини) бажариш ёки макетни ясаш.

Адабиётлар

1. Х.М. Убайдуллаев, М.М. Иноғомова “Турар- жой ва жамоат бинолари типологияси” Тошкент 2009 й
2. ШНК 2.08.02.09. «Общественных зданий» Т. 2009.
3. ШНК.4.13.22.06. Клубы Т.2006.

Тузувчи : проф.Коробовцев Г.И.

**ДИПЛОМ ИШИ
АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ
(9 СЕМЕСТР)**

1. ДИПЛОМ ИШИ ЛОЙИХАЛАРИ

Архитектор бакалавр мутахассислиги бўйича бажариладиган Диплом иши лойиғаси 9- семестрда (семестрнинг иккинчи ярмида) бажарилади. “Турар жой бинолари” ва “Жамоат бинолари ” мутахассислиги бўйича диплом иши лойиҳаларининг мавзулари (тематикаси) жуда хилма-хилдир. 2011 йил битирувчиларининг иккита янги мавзуси бўйича топшириқнинг мазмунини мисол тариқасида келтирамиз.

1. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтидagi қўл ёзмаларни сақлаш биноси” мавзуси бўйича бажариладиган Диплом иши лойиҳасига бериладиган ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар.

1. Умумий тушунчалар.

ЎзР ФА нинг Шарқшунослик Институтининг биносида кўп сонли матруза– шарқ халқларининг бебаҳо маданий тарихий меъросига тегишли бўлган қадимий ноёб қўлёзмалар тўпланган, афсуски бу ерда кўп сонли бебаҳо қўл ёзмаларни жойлаштириш ва сақлаш учун фойдаланаётган хоналар, жойлар сони бўйича ва сифат бўйича замонавий талабларга жавоб бера олмайди. Қадимги қўл ёзма санъатнинг бебаҳо нусхалари ўзбек халқининг энг аҳамиятга молик бўлган интеллектуал ютуқлари ҳисобланади. Уларни асраб-авайлаб сақлаш ва келажақ авлодларга етказиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазифаси ҳисобланади. Шу муносабат билан ЎзР Ҳукумати томонидан янги меъёрларга риоя қилган ҳолда қўл ёзмаларни сақлаш учун янги алоҳида бино қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Диплом лойиҳасининг (бундан кейин қисқача Диплом лойиҳаси ДЛ деб юритилади) мақсади – эскизли лойиҳа курсида шарқона ва халқ анъаналари асосида тарихий тарзда вужудга келган меъморликнинг қадимий қўл ёзмалари билан ишлаш ва экспозицияларнинг энг илғор технологиялари билан уйғунликда шу билан бир қаторда рақамли электрон вариантда тўлиқ композицион бажариладиган ижодий ечимни топширдан иборат.

2. Топшириқнинг мазмуни ва таркиби

Майдонининг юзаси 1,3 га гача бўлган қурилиш майдони Академ шаҳарга ҳудудида Шарқшунослик Инститuti билан қўшилган ҳолатда ажратилган. Ҳ. Абдуллаев проспекти ва Ф. Хўжаев кўчалари томонидан транспорт қатновида бу ҳудудга етиб борилади. Майдонда ташриф буюрувчилар учун 20 та машина жой ва Шарқшунослик Институтининг мавжуд биноси ва янги қуриладиган Қўл ёзмаларни сақлаш биноси орасидаги бош тантанавор кириш жойида сувли ҳавзаларга (фаввораларга) эга бўлган текис майдонларни кўзда тутиш тақозо этилади. Шу билан бир

қаторда Шарқшунослик Институти ва Қўл ёзмаларни сақлаш (ҚС) биноси орасида учинчи қават сатҳида бу биноларга ўтиш жойини ҳам кўзда тутишни тақозо этилади. Кириш аван майдонини ташкил этиш учун ва шовқиндан ҳимояланиш мақсадида ҚС биносини Ҳ. Абдуллаев проспектидаги кизи чизикдан 15 м узоқликда жойлаштиришни тақозо этади. Қурилишнинг шаҳарсозлик композицияси фазовий таъсир кўрстатиш зонасидаги мавжуд қурилиш билан кўриш мувофиқлигида бажарилади, шу билан биргаликда бу композиция Ҳ. Абдуллаев проекциясининг қарама-қарши томонида ҳам бажарилади. Майдонга қўшимча, ҳўжалик кириш (машинада) йўллари ЎзР ФА Фундаменталь кутубхонаси ва Шарқшунослик Институтига хизмат кўрсатадиган мавжуд кириш йўли орқали амалга оширилади. ҚС биноси майдонининг ҳудуди ва бу ҳудуднинг кўкалазолаштирилиши; қурилиш майдони, асфальтбетон қопланган йўллар ва ходимларнинг автомобиллари учун мўлжалланган авто турар жойларнинг эгалланган майдони, ҳамда ҳўжалик ҳовлиси жойлашган майдон; яшил, сув ҳавзалари майдони, қушли тўшалмага эга бўлган дам олиш майдонлари бўйича га / % да майдонлар баланси тузилади.

2.1 Алоҳида белгиланадиган шарт-шароитлар

Қурилиш майдонинг сейсмиклиги -9 балл, гурунтлар ўтирувчан II гуруҳга тегишли, рельеф –текис; инженерлик тармоқларига Ҳ. Абдуллаев проспекти ва Ф.Ҳўжаев кўчаси томонидан уланади; каркасли конструкциялар базаси маҳаллий; пардозлаш материаллари – халқ усталарининг анъаналари ва тажрибасидан фойдаланган ҳолат узок муддатга чидайдиган материаллардан фойдаланилади; инженерлик ва махсус технологик жиҳозлар жаҳондаги энг яхши фирмалардан келтирилади.

2.2. Лойиҳавий қувва

Бинонинг умумий майдони -8000м², сигими 200.000 та сақланадиган бирлик; хизмат қиладиган (фаолият юритадиган) ходимлар сони -176 киши. Ер устида жойлашган хоналарнинг баландлиги: сақлаш хоналарининг баландлиги -3,0 ёки 3,3 м. Ўқув залларнинг баландлиги – 6,0 ёки 6,6 м. Коммуникациялар (ҳоллар , зинпоялар, лифтлар, кўтаргичлар, йўлаклар ва гаоереялар) меъёрлар бўйича қабул қилинади.

2.3. Технологик талаблар.

Сақлаш жойллари корпуснинг ер усти қаватларининг марказий қисмига жойлаштириладиган кондиционерлашган хоналари қўлёзмаларни горизонтал ҳолатда олишга мўлжалланган махсус ўқув залларига эга бўлган хоналарга жойлаштирилади.

2.4 Диплом лойиҳасининг таркиби

А. Ёзма тушунтириш матнининг таркиби: а) Архитектура қисми; б) Конструктив қисм; в) Иқтисодий қисм.

Б. Лойиҳанинг график тасвирлаш қисми: ситуацион схема М 1:200, техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТИК) билан биргаликда майдоннинг бош режаси (тархи); барча қаватларнинг режалари (тархлари) – М 1:10, ҳамма фасадлар, М 1:50-1:100, бош фасад фрагменти, М 1:25, перспективалар ва интерьерлар 1х1 ли ўлчамдаги тўртта рамкада бажарилади, объект бўйича техник –иқтисодий кўрсаткичлар (ТИК) бажарилади.

Хоналарнинг таркиби ва майдони

№	Хоналарнинг номланishi	Ишчи майдон м2	Персоналлар (ҳодимлар) сони
1	100 минг бирликда сақланадиган қўл ёзмалар фонди	1000,0	4 киши
2	100 минг бирликда сақланадиган қўл ёзмаларни сақлаш литографияси	2000,0	4 киши
3	Ўқув залига эга бўлган кутубхона (чет тили ва рус тили)	1000,0	6 киши
4	Тарихий ҳужжатлар	100,0	2 киши
5	Қўл ёзмаларни ўқиш зали	250,0	2 киши
6	Кириш жойидаги вестиюль, сақлаш камераси ва гардероб	250,0	2 киши
7	100 кишига мўлжалланган микрофильмлар (м/ф) намоиш этиш учун ўқиш зали	250,0	2 киши
8	м/ф ларни ва м/ф ларнинг карточкаларини сақлаш хонаси ва фотолаборатория	250,0	2 киши
9	Қўлёзмаларни нусхалаш (сканировкалаш), рақамлаштириш ва сақлаш	250,0	4 киши
10	Реставрация лабораторияси	500,0	10 киши
11	Кимё ва биоқайта ишлаш лабораторияси	200,0	4 киши
12	250 кишига мўлжалланган конференция зали	500,0	
13	Фахрий меҳмонлар учун кўргазма зали	200,0	
14	Сўхбат ўтказиш зали	90,0	
15	Буфет ва унинг ёрдамчи хоналар	100,0	4 киши
16	Типография	250,0	10 киши
17	Маъмурият (администрация)	300,0	10 киши
18	Илмий изланишлар бўлимлар (5 та бўли)	800,0	80 киши

19	Техник персонал (ходимла)	200,0	20 киши
20	Омборхоналар	200,0	
21	Китобхонлар ва персонал (ходимлар учун санитар тугунлар)	Меъёрлар бўйича	
22	Техник хоналар (ер ости қаватида жойлашган)	Меъёрлар бўйича	

2.7. Адабиётлар.

1. Гельфонд А.Л. «Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений» Москва 2007
2. ШНК 2.08.03.09 «Общественные здания» Тошкент 2009
3. КМК 2.08.04.04 «Административные здания» Тошкент 2004
4. Убайдуллаев Х.М. Иноғомова М.М. «Тузар жой ва жамоат биноаларини лойиҳалашнинг типологияси» Тошкент 2009 й.

Тузувчи: проф. Коробовцев Г.И.

2. “ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИЛАР БЕКАТИ (ТЙИБ)”

мавзуси бўйича диплом лойиҳасини ишлаб чиқиш учун
услубий қўлланма ва вазифалар дастури

1. Умумий қисм

Ягона транспорт тизимини асосий элементлари қуйидагилардир: ташқи, шаҳар олди ва шаҳар йўловчи юк транспорти, шаҳар алоқа йўллари.

Темир йўл транспорти орқали бизнинг давлатда халқаро юклар ташишларни асосий қисми амалга оширилади. У халқаро ва шаҳар олди ташишлардан 60% яқин йўловчиларни ва 50% яқин юкларни ташишни амалга оширади.

Ташқи темир йўл транспорт қурилма ва объектлари катта ҳажмли майдонларни талаб қилади. Улар катта архитектуравий иншоотлар ва шаҳарнинг алоҳида районларини лойиҳалаштиришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Темир йўл йўловчилар бекатлари (ТЙИБ), асосан шаҳардаги қурилган иморатларда жойлашган, ва шаҳарнинг ажралмас қисми бўлиб унинг архитектуравий кўринишига сезиларли даражада таъсир этади.

Темир йўл транспортининг асосий вазифаси – бу йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юкларни жўнатишни хавфсиз, тезкор ва қулай амалга оширишдир. Поезд ҳужжатларини транзитли расмийлаштириш ва бўлиши мумкин бўлган поездларни қисқа муддатли кутиш, вагонларга ўтириш ва тушиш даврида, келадиган йўловчилар, уларни кутиб олувчилар ва кузатувчиларга қисқа муддатли қулай хизмат кўрсатиш. ТЙИБ лойиҳалаштиришда катта аҳамиятни бир транспортдан бошқасига тезкор ўтишни амалга оширишга аҳамият бериш даркор. Масалан, темир йўл транспортидан шаҳар ички (маҳаллий) турдаги транспортта: автобуслар, метро ва бошқаларга, ва аксинча.

Магистралда жойлашуви бўйича темир йўллари охириги (берк йўналиш) бекатлари ажратилади, буларда поездларни ташкиллаштириш амалга оширилади: тугунли, одатда, ўтувчи йўловчилар катта оқими билан, оралиқ, катта бекатлар орасида жойлашган.

Ўтказиш имконияти билан мос ҳолда ва унинг бир вақтдаги сифими билан темир йўл транспорт бекатлари қуйидагиларга ажратилади: кичик – бир вақтнинг ўзиде 25 дан 300 гача йўловчиларга хизмат кўрсатадиган, ўртача - 300 дан 700 гача йўловчилар, катта – 700 дан 1500 гача йўловчилар, йирик - 1500 ундан ортиқ йўловчилар.

Темир йўл бекатларини шаҳарсозлик ва композицион ечимига бекатнинг йўловчилар оқимини нафақат сонли, балки сифатли характеристикаси таъсир этади. Йўловчиларни асосий категориялари узок, маҳаллий, транзит, шаҳар атроф, халқаро хизмат кўрсатиш принципи бўйича фарқланади.

Темир йўл бекатларида ташриф буюрувчилар (кутиб олувчи ва кузатувчилар, маълумот олиш учун ташриф буюрувчилар) истаклари инобатга олинган бўлиши зарур, улар йўловчилар эга бўлган

қулайликларга эга бўлишлари зарур. Улар жўнаб кетаётган йўловчиларни 10% дан 40% гача ташкил этиши мумкин.

Темир йўл бекатини асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир: йўловчилар бинолари ва павильонлар, бостирмалли йўловчилар платформалари ва буларсиз вокзал атроф майдони, турли мақсадли бекатлар, юк ховлилари, почтаамтлар, бир ёки бир неча сатҳдаги темир йўлларни йўловчиларни ўтиш жойлари, кичик архитектуравий шакллар ва ахборот.

Аниқ бир лойиҳа вазифаси ва шаҳарсозлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар киритилган бўлиши мумкин: аэро ва автовокзаллар, меҳмонхоналар, туристик бюролар, метрополитен бекатлари, шаҳар ва шаҳар атроф маршрут транспорт тўхташ жойлари, такси, шахсий транспорт, гаражлар ва ҳ.к.

Йўловчилар биноларини (вокзал) ўзаро жойлашувига мос ҳолда, ТҲИБ платформа ва темир йўл йўналишларини қуйидаги типларда лойиҳалаштириш зарур:

а) ёнлама (соҳилли), йўловчи бинолари ён томондан жойлашганда, ташқи тарафдан одатда икки томони очик бўлган перронли темир йўл йўналишлари;

б) оролли, бунда йўловчилар биноси перронли икки ёни очик бўлган йўллар орасида ёки уларга параллел жойлашган бўлади;

в) тупикли, бунда йўловчилар биносига туташадиган асосий тақсимловчи платформа тупикли перрон йўллар ва платформаларга қўндаланг жойлашган бўлади, ва уларни туташтиради;

г) ўзанли, йўл усти ва йўл ости вариантлари, бунда йўловчилар биноси темир йўл йўналишлари ва йўловчилар платформаларни ости ёки устида жойлашган бўлади;

д) комбинацияланган, юқорида кўрсатилган ТҲИБ типларни бир нечта хусуситини ўз ичига олган бўлади.

Вертикал бўйича вокзал атроф майдонлари, йўловчилар бинолари ва ТҲИБ платформалари жойлашувига биноан қуйидаги типда лойиҳалаштириш зарур:

а) горизонтал, бунда вокзал атроф майдон, йўловчилар биноси (биринчи қават поли) ва платформалар тахминан бир сатҳда жойлашган бўлади;

б) пасайтирилган, бунда вокзал атроф майдон, йўловчилар биноси (биринчи қават поли) платформадан пастроқ жойлашган бўлади;

в) кўтарилган, бунда вокзал атроф майдон ва майдонга қаратилган (туташган) йўловчилар биноси қисми платформадан юқори жойлашган бўлади.

2. Бош режа ва транспорт

ТҲИБ учун жойини бош режа талаблари ва метрополитен йўналиши граҳсасига мос равишда танлаш зарур. Одатда, энг кўп йўловчилар тўпланадиган жойларда иложи борича жамоат-транспорт бўғинларга яқин

жойларда, қулай транспорт ва йўловчиларни улар билан алоқани ташкил этиш лозим бўлади.

Бош режани ишлаб чиқишда майдонни функционал зоналашни метрополитен бекатларини бошқа олиб келадиган транспорт турлари ва яқинлашиш объектлари, санитария-гигиеник ва ёнгинга қарши талаблар, турли транспорт тўхташ жойларини жойлашуви ва қурилиш кетма-кетлигини алоқасини инобатга олиш зарур. Метро бўғин, территорияси майдони (метрополитен бекати билан транспорт бўғини билан биргаликда) йўловчиларни қулай ўтиш жойлари, шунингдек, кириб келиш йўллари, шаҳар транспортини тўхташ ва парковка қилиш жойларини инобатга олаган ҳолда лойиҳалаш зарур. Барча турдаги транспорт ва йўловчиларни ҳаракатланиш йўлларини янада тўлиқ ажратиш имконини яратиш керак.

Маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда (рельеф, ўлчам, қурилиш характери, транспорт ва йўловчиларни ҳаракатланиш интенсивлиги ва ҳ.к.) метро бўғин ва ундаги транспорт, ҳамда йўловчиларни ҳаракатланиши бир нечта сатҳларда лойиҳалашган бўлишига руҳсат этилади. Майдондан нафақат горизонтал, балки вертикал йўналишда рационал фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Вокзал атроф майдонни шаҳар ички транспортини магистрал кўчалари тармоғига биноан майдон жойлашувини, тупик ёки лойиҳалаштириш зарур Транзитли. Йўли вокзал атроф майдонларни, минимал ўлчамлар билан лойиҳалаштириш керак, (катталари: 1.0га йириклари - 1.25га ва ундан ортиқ.).

Метробўғин майдони атрофидаги автотўхташ жойлари, майдонларини бир енгил машина учун 25,0 м², юк машина ёки автобус учун эса 50,0м² ҳисобида ўтишни инобатга олган ҳолда, жой ажратиш лозим.

Жамоат транспортини тўхташ жойини (автобус, трамвай, троллейбус, метрополитен, метрополитен бекати чиқишига илжи борича яқин жойлаштириш лозим, одатда асосий кириш-чиқишдан 100,0 м радиусда. Темирйўл транспортга ўтиш билан биргаликда етилган метрополитен бекатларини аксарият ҳолларда бирлаштирилган платформа ёки қисқа ўтишлар (умумий узунлиги бўйича 200,0 м дан ортиқ бўлмаган) билан биргаликда лойиҳалаш зарур.

Вокзал атроф майдони ва унга яқин майдонларда маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда турли транспортларни кўп сатҳли развязкаси, транспорт учун тўхташ жойлари ва гаражларни жойлаштириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотларни жойлаштириш учун еростини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Йўловчилар ва транспортни хавфсизлиги ва оқимларини аниқ ажратиш мақсадида тўсиқларни инобатга олиш зарур.

3. Йўловчилар ва қўл юки оқими йўналишини ташкил этишга қўйиладиган асосий технологик талаблар

ТҲЙБ лойиҳасига асосий технологик талаб бўйича шундай ҳажмий лойиҳавий ечим яратиш керакки, унда йўловчиларни зарур бўлган хизмат турлари билан таъминлаш қисқа вақт ичида амалга оширилиши ва улар ТҲЙБ (вокзалида) бўлган вақтларида зарур қулайликларни яратишдир. Шу жумладан технологик ечим ва ТҲЙБ архитектурави-лойиҳавий композиция элементлари уйғунлиги ва белгиланган норматив талаб ва параметрларга (йўловчилар оқими, сигин ҳисоби, хоналар номенклатураси ва майдони: йўловчилар ўтиш жойлари ва ҳ.к.) жавоб беришини таъминланиши керак.

ТҲЙБ лойиҳалаштиришда узоқ масофа ва шаҳар атроф йўловчиларни асосий қуйидаги оқимларини ҳисобга олиш зарур; кетувчи, келувчи, транзит ва ўтувчи поездлар.

ТҲЙБ ҳажмий-лойиҳавий структурасида қуйидаги йўловчи ва юкларни асосий оқимларини ташкиллаштирадиган талабларга риоя қилиш зарур:

а) вокзал атроф майдонлари, йўловилар бинолари, йўловчилар ўтиш жойлари ва платформаларида йўловчилар оқимини категория (узоқ, шаҳар атроф,...) ва ҳаракатланиш йўналиши (келиш, кетиш) бўйича ажратиш, ҳамда йўловчилар юкларни оқимини бир бирдан ажратиш;

б) йўловчилар асосий оқими ҳаракатланадиган йўналишлар ҳавфсиз, аниқ (қўриш ориентацияси нуқтаи назаридан), қулай ва қисқа, туташувларсиз ва бир сатҳда қарши ҳаракатланишларсиз бўлиши керак;

в) "Йўқотилган" кўтарилиш ва тушишлар минимумга олиб келиниши зарур, ҳамда бир сатҳда темир йўл транспортини йўловчилар ва юкларни оқимини туташилари олдини олиш керак;

г) йўловчиларга зарур қулайликлар, қурилмалар ва вокзал хоналарини рационал технологик кетма-кетликда ва йўловчилар бажарадиган операциялар кетма-кетлигида жойлаштириш зарур. ТҲЙБ алоҳида жойларида ва вокзал атроф майдонларида йўловчилар массасини ҳаддан зиёт тўпланиши ва тескари йўналишда ҳаракатланишини олдини олиши зарур. Аниқ зоналарга бўлиш ва шовқинли операцион хоналарни (кассалар, маълумотлар бюроси, вестибюллар, сақлаш камералари ва ҳ.к.) нисбатан тинч кутиш хоналардан (кутиш заллари, узоқ дам олиш хоналари ва ҳ.к.) ажратишни инобатга олиш керак. Кўрсатилган талаблар лойиҳани технологик қисми, ТҲЙБ майдони ва вокзал атроф майдонида ҳаракатланадиган йўловчилар ва юклар оқимини график схемаларида акс этган бўлиши зарур.

4. Йўловчилар бинолари (вокзаллари)

Йўловчилар ва юкларга хизмат кўрсатиш мақсадида барча ТҲЙБда бино, иншоот ва қурилмаларни ўрнатиш керак. Йўловчиларга ва юкларга хизмат кўрсатадиган хона ва қурилмаларни рўйхати ва ўлчамлари йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмига биноан белгиланади (кўр

Илова I). Бино, иншоотлар ва қурилмалар комплекси қуйидагиларни таъминлаши зарур. Ягона административ бошқарув остида йўловчиларга тезкор, қулай ва хавфсиз хизмат кўрсатиш ва янги технологик восита ва автоматизация тизимларини қўллашни инobatта олиш, ҳамда ободонлаштириш элементлари билан таъминлаш.

Ягона архитектуравий-лойиҳавий композицияни таъминлаш мақсадида йўловчилар бинолари (вокзаллар) ва иншоотлар лойиҳалари шаҳарнинг ва ТҲИБ лойиҳавий структурасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади, ҳамда вокзал атроф майдон бино ва иншоотлари архитектурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Йирик ва тарихий шаҳарларда бўш майдон танқислиги яққол сезилади, бу ерларда ер ости вокзаллари (Нью-Йорк, Варшава) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Йўловчилар ҳаракатланишини бундай ечимда биринчи ер ости сатҳда амалга оширилади, йўловчилар платформалари эса уларнинг устида жойлашган бўлади (кўр Илова II).

Ер ости ечими шаҳарнинг майдонини тежашга имкон беради ва бино ва иншоотларни қуришни талаб этмайди, чунки барча хизмат ва йўловчилар хоналари йўловчилар ҳаракатланиш сатҳида жойлашган бўлади, яъни платформалар остида. Ҳамда бу ечим мазкур мураккаб транспорт бўғинини экологиясини сезиларли даражада яхшилайди.

5. Платформалар. Ерости тоннеллар ва йўловчилар кўприклари.

Барча ТҲИБ да платформа, ер ости йўловчилар ўтиш жойлари ёки йўловчилар кўприкларини инobatта олиш зарур. Платформа кенглиги камида 6,0м., узунлиги 500,0м 20 та вагонларни қабул қилиш учун. Катта ва йирик ТҲИБ платформаларини фойдали узунлиги – 625,0м. Оралик платформалар кенглиги, асосий йўлларга туташадиган, 8,0мдан кам бўлмаган кенгликда ҳолда қабул қилиш зарур, платформа поли қиялиги - 0.01%. Платформа поли баландлиги, рельслар головкаси сатҳидан, – 1,1м, табиий-климатик шароитлар ва ўтириш платформа ўзига хосликларини инobatта олган ҳолда платформалар усти ёпилган бўлиши мумкин.

Платформаларда тоннелларга киришлар, йўловчилар кўприкларидан тушишлар, павильонлар ва бошқа иншоотларни жойлаштиришда улар ва платформа чети орасида 2,5м лик йўлак (ёки платформани ярми) қолдирилиши зарур. Тушишлар орасидаги масофа 50,0м. Ер ости йўловчилар тоннели ва темир йўл йўналишларидан ўтиш жойлари кенглиги – камида 3,0м. Панжаралар баландлиги – 0,9-1,0м. Тушишларда юк ва болалар аравачалари учун 1.0 м кенгликдаги пандусларни инobatта олиш зарур. Чикиб турга конструкцияларгача йўловчилар тоннели баландлиги камида 2,4м бўлиши керак.

Йўловчи тоннеллари албатта платформадан вокзал биноси остидан ўтиши ва вокзал атроф майдонига шаҳар транспорт тўхтап жойларига чиқиши керак.

Ўтиришга йўналган йўловчиларни шаҳарга келувчиларидан ажратиш мақбулдир.

Йирик шаҳарларни ТҲИБ йўловчиларни қулай ҳаракатланиши учун ҳаракатланадиган йўлаклар (150,0 м дан ортиқ узунликдаги) ва юкни кўтариш ускуналарини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ТҲИБ комплексида қуйидаги жадвалда келтирилган ёрдамчи хона ва ускуналар инobatта олиниши зарур:

№ т/р	Хоналар номи	Ўлчов катталиги	Ҳисоб сигими	
			Ўрта	Катта
			500	900
1	2	3	4	5
1.	Катта ва юк багажи учун хона	м ²	Лойиҳага вазифа бўйича	
2.	Электрокар ва аравалар турадиган хона	м ²	24	36-40
3.	Ёнгин ускуналари, ёнгин ўчириш воситалари ва инвeтaрь саклаш хонаси	м ²	Лойиҳага вазифа бўйича	
4.	Пeрpон ҳoжатхоналари (эркак, аёл)	ускуна	12	20
5.	Душeвойлар	м ²	Лойиҳага вазифа бўйича	
6.	Экспресс-ҳизмaт хоналари	м ²	Лойиҳага вазифа бўйича	

Изоҳлар:

1. Хона ва иншоатларни ўтириш платформаларини остида қулай йўловчилар йўлаклари билан жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

2. п.5 ва п.6 да кўрсатилган хоналарни асосан ўтириш платформалари остида туристик поездларни тўхташ жойлари учун жойлаштириш зарур.

6. Кичик архитектура шакллари, ёрдамчи иншоотлар ва кўргазмали ахборотлар.

ТҲИБ билан транспорт бўғинда кичик архитектура шакллар ўрнатилиши керак, йўловчи, транспорт ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган бўлиши керак. Улар ориентацияни енгиллаштириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш шароитларини янада қулай қилиш, вокзал олди майдонларни ободонлаштириш шароитини яхшилаш, жойни тарихий, архитектуравий-бадний ва бошқа ўзига ҳосликларига кўрсатишга мўлжалланган.

Ускуналар номенклатураси	Сони, донг
Бекат номи	4
Поездалар ҳаракати жадвали	2
Йўл ҳақи жадвали	2
Электр соатлар	2
Курсилар	йўловчилар сонидан 15%
Ахлатдонлар	5-8
Даврий ахборот, эълонлар ва реклама учун щитлар-стендлар	1-3
Тижорат дўконлари, киосклар	3
Газланган сув, газета автоматлари ва ҳ.к..	5
Шаҳар транспорти ва обидалар кўрсаткичлари	лойиҳа бўйича
Сунъий ёритиш тиргаклари	20,0-25,0м ҳар

ТҲЙБ кеча-кундуз ишлашини инобатга олган ҳолда, сунъий ёритиш билан биргаликда тунда ишлайдиган чироқли ёзувлар, кўрсаткичларни композицияга киритиш зарур.

Қурилиш жойини табиий-климатик ўзига ҳосликларини ТҲЙБ ҳажм-лойиҳавий ечимларида инобатга олиш зарур. Иссиқ табиий-климатик қурилиш жойларида, йўловчилар тўпланадиган атроф майдонларни табиий билан биргаликда сунъий шамоллатишга (бурчақли ҳам бўлиши мумкин) эга бўлиши зарур, жамоат транспортларига олиб борадиган йўловчилар йўлаклари эса офтобдан ҳимоя қиладиган қурилмалар билан (соябон, жалюзи, панжара, экранлар ва ҳ.к.)

7. Лойиҳа материали таркиби

1. Ситуацион тарх (ТСНМ да транспорт ривожланиши схемаси билан). М 1:5000

2. Генерал план (чорраха ва транспорт йўли ечимлари, йўловчилар оқими ва ободонлаштириш билан). М 1:500

3. Қаватлар лойиҳаси (асосий оқимлар маршрути билан). М 1:100; 1:200

4. Кесимлар(бинодан ўтириш платформа ва вокзал атроф майдонга йўловчилар оқими билан) (2 та.) М 1:100

5. Фасадлар (2 та) М 1:50, 1:100

6. Перспектива (ёки макет

7. Жамоат хоналари интерьери

8. Лойиҳанинг архитектура қисмига тушунтириш хати қуйидагилардан иборат:

а) Кириш;

б) Генерал план;

в) Архитектуравий ечим;

- д) Асосий конструкцион ва безаш материаллари;
е) Техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Илова I.

ТҲИБ йўловчилар бинолари хоналари таркиби ва майдони

№ т/р	Хоналар номи	Ўлчов катталиги	Ҳисоб сийғими	
			Ўрта	Катта
			500	900
1	2	3	4	5
"А" Йўловчилар хоналари				
1.	Вестибюль, операция хонаси, тарқатиш хонаси, касса заллари	м ²	322	722
2.	Кутиш зали	м ²	380	864
3.	Она ва бола хонаси шу жумладан:	м ² /жойлар сони	159/25	257/40
	- гардеробли қабулхона	м ²	11+3	6+5
	• - болалар хонаси (ётоқхоналар)	м ²	65	115
	• овқатланиш хонаси	м ²	18	30
	• ўйин хонаси	м ²	22	38
	• оналар хонаси	м ²	22	38
	• шифокор хонаси	м ²	8	8
	• ҳожатхонали изолятор	м ²	6	9
	• кир ювиш хонаси (қуриғич ва душли)	м ²	7	8
	• омборхона (ўрнатилган шкафлар)	м ²	3	6
	• ҳожатхона (горшечная)	м ²	3	6
	• душли ювиниш хонаси	м ²	5	8
	• мудир хонаси	м ²	8	8
4.	Йўловчилар узок муддат дам оладиган хоналар шу жумладан:	м ² /жойлар сони	97/15	217/35
	- гардеробли қабулхона	м ²	8	13
	• 2-4 кишига ётоқхоналар	м ²	75	175
	- кийимлар хонаси (ўрнатилган шкафлар)	м ²	3	8
	- душли ҳожатхоналар	м ²	6	9
	- навбатчи ходимлар хонаси (омборхона билан)	м ²	5	12
5.	Тижорат зали. Ҷамоат овқатланиш корхоналари тарқатиш бўлими билан:	м ² /жойлар сони	38/20	80/50
	- буфет			
	- кафе	м ² /жойлар сони	40/25	80/50
	- ресторан	Лойиҳага вазифа бўйича		
6.	Кафе вестибюли (шу жумладан гардероб, ювиниш ва тозалаш хоналари)	м ²	12	20

№ т/р	Хоналар номи	Ўлчов катталиги	Ҳисоб сигими	
			Ўрта	Катта
			500	900
1	2	3	4	5
"А" йўловчилар хоналари (давоми)				
7.	7. Заллардаги буфет тиргаклари (ювиш ускуна ва омборли)	м ²	20	50
8.	Умумий фойдаланиш учун эркак ва аёллар ҳожатхоналари (ювиниш учун хона билан)	м ² /ускуна	80/20	120/34
9.	Фаррошлар хонаси ва омбор	м ²	8	17
10.	Чекиш хонаси	м ²	10	24
11.	Сартарошхона	м ²	14/2	26/4
12.	Багаж ва юкларни сақлаш хонаси	м ²	Лойихага вазифа бўйича	
13.	Қўл юкини сақлаш камераси, (ўзига- хизмат қилиш) ёрдамчи хона билан – механик хонаси	м ²	250	540
14.	Чипта кассалари	м ² /қол.ячсск	25/5	50/10
15.	Багаж кассалари	м ² /қол.ячсск	4/1	5/1
16.	Маълумотлар бюроси	м ² /қол.ячсск	5/1	10/2
17.	Медпункт шу жумладан:	м ²	35	47
	- қабулхона	м ²	8	10
	-шифокор хонаси	м ²	10	11
	- касалларни вақтинчалик туриш хонаси	м ²	6	6
	- тиббий муолажа хонаси	м ²	5	12
	- ҳожатхона	м ²	3	4
	- омборхона	м ²	3	4
18.	Почта, телеграф	м ²	14	20
19.	Кичик ремонт, оёқ кийим ва кийим тозалаш хонаси	м ²	13	23
20.	Тижорат киосклари ва бошқалар	м ² /ксони	20/4	35/7
ЖАМИ: «А» бўлим бўйича хоналар		м ²	1546	3237
«А» бўлими бўйича ҳисобдаги битта йўловчи учун		м ² /йўловчи	3,09	2,69

№ т/р	Хоналар номи	Ўлчов катталиги	Ҳисоб ситими	
			Ўрта	Катта
1	2	3	500	900
«Б». ТҲИБ хизмат ва техник хоналари ва кафе ва буфетни ёрдамчи хоналари				
«Б». а) Бекатни хизматчи хоналар.				
22.	Бекат бошлиғи хонаси	м ²	12	18
23.	Қабулхона (секретарь)	м ²	—	12
24.	Бекат бошлиғи ўринбосари хонаси	м ²	—	12
25.	Бош муҳандис хонаси	м ²	—	12
26.	Бекат бошлиғи контораси	м ²	14	22
27.	Бекат бўйича навбатчининг техник контораси	м ²	16	16
28.	Ишлаб чиқариш-техник бўлим	м ²	—	20
29.	Административ-хўжалик бўлими	м ²	—	16
30.	Бекатни техник ташкил этиш ва меҳнатни ташкиллаштириш бўлими	м ²	—	16
31.	Йўналиш диспетчерлари хонаси	м ²	—	16
ЖАМИ: «Б» а) бўлим бўйича хоналар		м ²	42	160
«Б» а) бўлими бўйича ҳисобдаги битта йўловчи учун		м ² /пасс.	0.08	0.13
«Б». б) Йўловчилар биноларини (вокзални) хизматчи хоналари.				
32.	Вокзал бошлиғи хонаси	м ²	14	18
33.	Қабулхона (секретарь)	м ²	—	8
34.	Вокзал бошлиғи ўринбосари хонаси	м ²	—	10
35.	Вокзал бўйича навбатчи хонаси	м ²	8	10
36.	Сақлаш камерасини бошлиғи, навбатчи администратор, катта омборчи хонаси	м ²	12	20
37.	Вокзал бухгалтерияси	м ²	12	24
38.	Аппарат хонаси	м ²	8	14
39.	Радиоузел диктор хонаси	м ²	18	22
40.	Жамоат ташкилотлари хонаси	м ²	30	50
41.	Телекурilmалар билан хона	м ²	12	116
42.	Архив хонаси	м ²	8	12
43.	Чипгаларни ҳисобот хонаси	м ²	10	114
44.	Алоқа механики хонаси	м ²	8	12
45.	Бино қурувчиси, қурилиш устаси хонаси	м ²	12	18
46.	Сантехника, электрика ишлари бўйича уста хонаси	м ²	20	30
47.	Кассаларни ёрдамчи хонаси (билетларни сақлаш)	м ²	6	8

48.	Чипта кассалари диспетчери хонаси	м ²	--	10
49.	Катта чипта кассир хонаси	м ²	--	10
50.	Кассирлар дам олиш хонаси ҳожатхона билан	м ²	10	15
51.	Буюртмани қабул қилиш ва чипталарни уйга етказиб бериш агентлари хонаси	м ²	--	10
52.	Ҳаммол ва фаррошлар хонаси	м ²	10	14

№ т/р	Хоналар номи	Ўлчов катталиги	Ҳисоб сигими	
			Ўрта	Катта
1	2	3	4	5
«Б». б) Йўловчилар биноларини (вокзални) хизматчи хоналари. (давоми)				
53.	Милиция хонаси шу жумладан:	м ²	29	50
	- бошлиқ хонаси	м ²	8	10
	- навбатчи хонаси+ қабулхона	м ²	6+6	8+8
	- КПЗ хонаси (2 та хона)	м ²	12	14
	- ҳожатхоналар(вокзалда 900-1500 йўловчига 1 писсуардан қўшилади)	м ² /унит.	3/1	6/2
54.	Халқ кўнгиллилар хонаси	м ²	--	10
55.	Санитар-назорат пункти	Вазифа бўйича		
56.	Муҳандислик қурилмаларини марказлаштирилган бошқарув пункти хонаси	м ²	--	18
57.	Тозалаш нарсалари ва вокзал инвентарини сақлаш хонаси (п.6 изоҳни кўр)	м ²	6	8
58.	Унутиб қолдирилган нарсалар хонаси (топилмалар бюроси)	м ²	--	12
59.	Чикинди йиғиш хонаси	м ²	6	8
60.	Йўлақлар-тозалаш машина ва механизмлар учун хона	Вазифа бўйича		
61.	Ходимларнинг сан. маиший хоналар	(изоҳ п.3. кўр)		
ЖАМИ: «Б» б) бўлим бўйича хоналар		м ²	231	445
"Б" б) бўлим бўйича ҳисобдаги битта йўловчи учун		м ²	0,46	0,37
«Б» в) Жамоат озиқ-овқат корхоналарини ёрдамчи хоналари				
Буфет.				
62.	Ёрдамчи хоналар	м ²	8	18
63.	Ювиш хоналари	м ²	6	12
Кафе.				
64.	Ишлаб чиқариш хоналари	м ²	39	61

65.	Омборхона	м ²	13	30
66.	Административ-маиший алоҳида санузел билан	м ²	12	347
	ЖАМИ: «Б» в) бўлим бўйича хоналар	м ²	78	147
	«Б» в) бўлими бўйича битта ҳисобдаги йўловчи учун	м ² /йўловчи	0,16	0,15
	ЖАМИ: «Б» бўлим бўйича хизмат ва техник хоналар	м ²	351	760
	«Б» бўлим бўйича ҳисобдаги битта йўловчи учун	м ² /йўловчи	0,702	0,844

Изоҳлар:

1. Диплом лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида қўшимча маълум бир метрополитен бекати майдони бўлимига архитектуравий-лойиҳавий вазифа (АЛВ) метрополитен йўналишлари схемаси ва Космплекс транспорт схемаси билан биргаликда бериллади.

2. Таркибга техник хоналар (иситиш бўғинлари, насосли, вентиляцияон ва ҳ.к.), майдони ва номенклатура керакли қурилмаларни ҳисобга олган ҳолда бино томонидан белгиланади.

3. Метробўғинда лойиҳалаштириладиган метрополитен бекатларини ишчи хоналари номенклатураси ва майдони лойиҳалашга вазифада белгиланган бўлиши зарур.

4. Метробўғин ишчиларини санитар-маиший хоналари жамоат иншоотларини ёрдамчи бино ва хоналарини лойиҳалаш бўйича СНИП нинг боби ва штат рўйхатига мувофиқ равишда лойиҳалаш зарур.

5. ТҲББ объектлар ва бошқа турдаги транспортларни жойлаштириш учун хоналар номенклатура ва майдони лойиҳалашга қўшимча вазифа билан белгиланади.

6. П.8 да кўрсатилган санитар буюмлар сони эркак ва аёл жамоат ҳожатхоналари орасида тенг тақсимланади. Эркаклар учун ҳожатхоналарда санитар буюмларининг ярми унитазлар (ер усти), яримини эса писуарлар ташкил этади.

7.П.57 да кўрсатилган хонани ҳар бир қаватда иссиқ ва совуқ сув ювиш ускунаси, траллар ва тозалаш асбобларини ювиш, қуриштириш ва дезинфекция қилиш ускуналари билан жойлаштириш зарур.

9. Лойиҳа бажаришни назорат курслари

1. Вазифани бериш.
2. Ҳояни эскиз курсини кўриш.
3. Эскизни тасдиқлаш, баҳолаш билан.
4. Эксперт томонидан лойиҳани дастлабки кўриб чиқиш.
5. Лойиҳани график тугатиш, тушунтириш хати ва химоя.

10. Адабиётлар

1. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений: Олий ўқув юртлари учун дарслик; 2-нашр қайта ишланган ва тўлдирилган. -М.: Стройиздат, 1984.
2. Батырев В.М. Вокзалы -М.: Стройиздат, 1985.
3. Горбанев Р.В. Городской транспорт: Олий ўқув юртлари учун дарслик.-М.: Стройиздат. 1990.
4. Нормы технологических процессов проектирования железнодорожных вокзалов. -М.: Транспорт, 1981.
5. Нормы технологических процессов проектирования пригородных вокзалов.-М.: Транспорт, 1981.
6. Типовой технологический процесс работы вокзалов. -М.: Транспорт, 1978.
7. Херцег К. Проектирование и строительство автобусных и железнодорожных станций (В.М. Беляева томонидан қайта ишланган). -М.: Стройиздат. 1985.
8. Убайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М. "Турар жой ва жамоат биноларининг типологик асослари". Тошкент 2009 й

Тузувчи: доц.Мансуров Я.М.

3. “МЕТРОПОЛИТЕН БЕКАТИ”

мавзуси бўйича диплом лойиҳасини ишлаб чиқиш учун
услубий қўлланма ва вазифалар дастури

1. Умумий қисм

Метрополитен бир миллион ва ундан ортиқ аҳолига эга бўлган йирик шаҳарларни транспорт муаммоларини ечишдаги асосий жамоат транспортдир.

Метрополитен шаҳар ва шаҳарлар ташқариси микёсидаги йўловчиларни ҳосил қиладиган асосий магистрал йўллар ва майдонлар остидан ўтган ҳолда уларни ер усти транспортини интенсив оқимидан енгиллаштиради. Унинг самарадорлиги шаҳар ичидаги бошқа турдаги транспортлар (трамвай, троллейбус, автобус, такси ва ҳ.к.) , шахсий ва шаҳарлараро (темир йўл, автобус ва ҳ.к.) олиб келадиган транспорт турлари билан биргаликда метрополитен бекатлари тор ўзаро, алоқаси орқали ортади.

Юқори тезлик ва йўловчиларни ташишни юқори имконига эга бўлган шаҳар транспорти – метрополитенни зарурлигини талаб этадиган омилларни бир нечта гуруҳларга бирлаштириш мумкин, улар шаҳар ривожланишини турли аспектларини акс этади. Уларга қуйидагилар кириди:

шаҳарсозлик – майдони ривожланиши ва шаҳарни марказидан узоқлашган районларни ўсиши шароитида йирик шаҳарларни уйғунлигини сақлаш;

ижтимоий – транспорт хизмат кўрсатишини нотекислигини камайтириш орқали аҳоли томонидан ҳаракатланишга сарф этиладиган вақт сарфларини қискартириш, транспорт туфайли чарчашни камайтирадиган, шаҳарни турли зоналарига ҳаракатланишини қулайлигини ошириш;

транспортли – автомобил транспорти туфайли юзага келадиган кўча ва йўлларни тирбандлигини камайтириш ва тезкор бўлмаган йўловчилар транспортини олиб ўтиш қобилиятини резервини яратиш;

экологик – ҳаво бассейнини асосий захарлайдиган ва шовқин манбаси бўлган автотранспорт ҳаракатланишини интенсивлигини пасайтириш йўли билан шаҳар муҳитини соғломлаштириш;

иқтисодий – шаҳарнинг ерости сатҳидан фойдаланишни интенсификациялаш ва метрополитен бекатлари артофидаги йўловчиларга яқин бўлган майдонларни бинолар зичлигини ошириш, энергоресурслардан янада рационал фойдаланиш.

Йирик ва жуда йирик шаҳарлар учун кўчадан ташқари, асосан ер ости йўловчиларни рейсли транспорти маъқулроқдир. Метрополитен йўналишлари шаҳарларда қўллаётган транспорт воситалари, трассаларни ривожланишини принципиал схемаси, эксплуатация характери,

жойлашиши чуқурлиги, бекатни ҳажмий-лойиҳавий ечими, вестибюллар ва бошқа иншоотлар бўйича квалификациялаш мумкин.

Қўлланилаётган транспорт воситалари бўйича метрополитен ва тез юрар трамвайни фарқлашади, алоҳида ҳолларда эса шаҳар темир йўллари, метрополитенни экспресс (ўта юқори тезликдаги) йўллари ва монокрельсли йўллари. Мазкур тармоқлар ерости ярим ерости ер сатҳидаги ва ерусти майдонларига эга бўлиши мумкин.

Кўчадан ташқари бўлган транспорт ривожланишини принципиал схемаси бўйича унинг йўналишлари доира ёки ярим доира йўналишлар билан бирлаштирилган бир ёки бир неча диаметрлар (ёки хордалар) кўринишида трассировка қилиниши мумкин. Уzunлиги бўйича ривожланаётган шаҳарларда, кўчадан ташқари бўлган рельсли транспорт йўналишлари асосан бўйлама йўналишда, транспорт тарафдан ёндошилганда энг кўп бандликка эга бўлган йўналишда бўлади.

Жойлашиш чуқурлиги бўйича метрополитенни қуйидаги йўналишлари ажратилади: *ерости* – саёз ва чуқур жойлашувли тоннелларда ва *ерусти* –эстакадаларда. Алоҳида жойларда йўналишлар ерустига чиқади, шаҳарнинг магистрал кўча доираларидан ташқарида ўзининг тепалик ёки камтақ бўйича ўтадиган майдонида жойлашади, ва шундай қилиб, *ерусти* турини ташкил этади. Саёз жойлашувли йўналишларда (тахминан ер сатҳидан -10.0 м, -15.0 м), бекат комплекслари асосан очик қазилмаларда ишланади, ҳайдаб ўтказиш иншоотлари эса ёпиқ усул билан, чуқур жойлашувли йўналишлар эса (ер сатҳидан 15.0 м дан ортиқ) ёпиқ усул билан қурилади.

Метрополитен бекатлари ҳажмий-лойиҳавий ечим бўйича қуйидаги иншоотлар мавжуд: *бирликатформали* – орол типидagi марказий йўловчилар платформали ва *икки платформали* – одатда соҳили платформали шунингдек, *кўплатформалилари* ҳам мавжуд. Одатда фақат ўтиш метробўғинларида ёки ерости темир йўл бекатларида ҳамда бирлаштирилган ўтиш транспорт бўғинларида учрайди.

Шаҳарнинг ўлчамлари, майдони, релефи, конфигурацияси, табиат-иклимий ва бошқа ўзига ҳосликларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг кўчадан ташқари бўлган рельсли транспортлари ривожланиши турли йўналишда бўлади. Шу билан бирга барча шаҳарлар учун бир хил бўлган ўзига ҳос тенденцияларни аниқлаш мумкин.

Метрополитенлар шаҳарнинг бошқа транспортига қараганда катта афзалликларига эга. Йўловчиларни олиб ўтиш имконияти бир соатда 30 дан 40 минг кишини бир йўналишда беш вагонли составда имконига эга. Бир соатда поездлар частотаси 30 та жуфтни ташкил этади, ва вагоннинг сифими 170-200 кишини ташкил этади. Метрополитен алоҳида ҳаракатланиш доимийлигига эга, об-ҳаво, йил фасли ва суткани вақтидан қатий назар. Фақатгина метрополитенда поездлар орасидаги интервал секундалар билан ўлчанади. Фақатгина метрополитенда поездлар тезлиги 35-40 км/соат гача этади. Яъни у ер усти жамоат транспортини тезлигидан икки баробарга ошади. Метрополитеннинг катта афзалиги – бу поездлар

одатда энг қисқа йўллар бўйлаб ҳаракатланади, кўча-йўл конфигурацияси ва қандайдир табиий ёки сунъий тўсиқлари мавжудлигидан қатъий назар.

Барча мавжуд жамоат транспортлари ичида метрополитен энг арзон олиб ўтиш таннарига эга. Йирик шаҳарлардан олиб келадиган ва шаҳарлараро ташқарисидаги транспортлар билан уйғунлашган ҳолда метрополитен қурилиши нисбатан тез ўзини оқлайди.

2. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш

Метрополитен йўналишининг схемаси. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш учун асосий материалларга: метрополитен трассаси бўйича муҳандис-геологик қидирув натижалари ҳақида маълумотлар, шаҳарнинг қурилган ва лойиҳаланаётган қурилиш майдонлари, ерости коммуникациялари туширилган монографик режаси ва профили; шаҳар жамоат транспортининг бошқа турлари ҳақида маълумотлар ҳамда метрополитен йўналишлари, трассаларининг тўғри танланишига таъсир кўрсатадиган бошқа маълумотлар киради.

Метрополитен трассасини лойиҳалаштиришнинг биринчи курсда шаҳар транспортининг комплекс ривожланишини инобатга олган ҳолда метрополитен йўналишининг бош схемаси ишлаб чиқилади, бунда алоҳида йўналишлар қурилишининг навбати ҳам аниқланади. Одатда, бу ишлар шаҳар ривожланишининг бош режаларини ишлаб чиқарувчи лойиҳалаш институтлари ёки улар иштирокида метрополитенларни лойиҳалаштириш бўйича ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилади.

Охириги курсга метрополитен линияларининг алоҳида навбатдаги қурилишини қисмларга бўлган ҳолда (деталли) лойиҳалаштириш бўйича йўллар киради.

Трассанинг алоҳида йўналишларини лойиҳалашда метрополитен бекатларининг жойини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Метрополитен бекатларига кириш-чиқиш жойларининг, вестибюллар, эскалатор тоннелларининг, шамоллатиш (вентиляция) киоскалар ва ҳ.к. ларнинг конструктив ечимлари катта аҳамият касб этади.

Метрополитен йўналишлари ва бекатлари, асосан, ер остидаги саёз ва чуқур жойлашган тоннелларга қурилади. Тигиз қурилиш майдонларига эга бўлган марказий туманларда метрополитен трассалари, асосан, ер остидан ўтади, лекин баъзи ҳолларда ер ости трассалари эстакадали ёки ер усти майдонлари билан алмашинади. Бундай ҳолатларни қурилиш майдонлари чегарасидан чиқиш жойларида кузатиш мумкин.

Кам маблағ ва ҳаражат сарфланадиган ерости линиялари шундай ҳолатларда ёки вазиятларда лойиҳаланадими, агар йўналишни ўтказиш бўйича қулай полосани ажратиш имконияти ва бу полоса ўқи туман қурилиш майдонларидан камида 60 м узоқликда бўлиши талаб этилади.

Ер ости йўналишларининг (эстакадали тип) катта шовкин чиқариши туфайли уларни, яъни ер ости йўналишлари кесишган жойларнинг устига қисқа майдонда ва сув ариқлари, анҳорлар устига қурилади. Ер ости

линияларининг яна бир камчилиги шундаки, эстакаданинг таянчлари анчагина фазовий кенгликни тўсиб қўяди.

Ер ости линияларининг саёз жойлашган майдонлари иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, йўловчилар учун ҳам қулайдир, бироқ, уларнинг камчилиги ер ости муҳандислик тармоқлари ётқизилган зонадаги кўча магистраллари тагидан ўтказилишининг зарурлиги ҳамда бино пойдеворлари устиворлигининг бузиш хавфи борлигидадир. Чуқур жойлаштириладиган йўналишларни шаҳарнинг кўп қаватли тўғиз қурилиш майдонларига эга бўлган ҳудудларининг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланишига мувофиқ, равишда лойиҳалаштирилади. Баъзида уларнинг йўналишларни қуриш учун ноқулай бўлган геологик ва гидрогеологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда саёз жойлаштиришга тўғри келади.

Метрополитен йўналишларининг фақат ўзаро ва бошқа турдаги транспорт йўлларда лойиҳалашган жойлар, яъни майдонлар ҳар хил сатҳларда лойиҳалаштирилади. Бунда ташқи метрополитен йўналишлари ҳар қандай ҳолларда пиёдалар ўтиш йўлларида тулик, изоляцияланган бўлиши лозим.

Метрополитен тармоқларининг мумкин бўлган принципиал схемалари учта: ажратилган йўналишлар, охири тармоқланган майдонларга эга бўлган ажратилган йўналишлар ўзаро боғланган йўналишлар. Бизда фақат биринчи ва иккинчи типлар қўлланилади. Учинчи схемада поездларнинг маршрутли ҳаракатини ташкил этиш имконияти кўзда тутилган бўлиб, бу схема йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратсада, лекин кам ўтказиш қобилиятига ва поездлар ҳаракати хавфсизлигининг камайиши билан характерланади. Биринчи схема ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назардан яхшироқ, лекин бу схемада бир йўналишдан бошқасига ўтиш йўлларининг ташкил этиши талаб этилади. Иккинчи схема юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг оралиқ ўринларини эгаллайди.

Метрополитен йўналишлари трассаларини лойиҳалаш ва бекатларини жойлаштириш. Бош схемада белгиланган, алоҳида жойлаштириладиган йўналишларнинг кетишига мувофиқ тарзда олдиндан муҳандис-геологик изланиш ишлари олиб борилади, бу изланишлар натижаларига асосланиб, метрополитен тоннелларининг жойлашиш чуқурлиги, уларнинг режавий (пландаги) ва профил жойлашиши белгиланади, ҳамда ишларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ услуби танланади.

Шаҳар режасининг ўзига хос жиҳатларини, шаҳардаги, ҳудудларнинг ривожланишини, марказларнинг аҳамиятини ва жойлашишини ҳамда уларга аҳолининг қатнаш қўламини, йўловчилар оқимининг мавжуд йўналишлар ва келгусида режалаштирилаётган йўналишлар бўйича миқдорини ёки сонини ҳисобга олган ҳолда метрополитен йўналишлари трассалаштирилади, яъни трассаларнинг йўналишлари аниқланади. Агар кўчалар (ер устида) бўйлаб жамоат транспортларининг турларини лойиҳалашда алоҳида магистраллар бўйича йўловчиларни оқими асосий

кўрсаткич бўлса, метрополитен йўналишларини лойиҳалашда ҳудудлар ўртасида ҳаракатланадиган транспортларда келаётган йўловчилар оқими микдори бошланғич асос бўлади.

Йўналиш трассасини лойиҳалаштиришда метрополитен йўналиши тури схемасини танлаш масаласи тўла-тўқис ечилади. Биринчи навбатда кам сарф-харажат талаб қиладиган ер бўйича иншоотларни қуриш имконияти ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Агар ер бўйича йўналишларни қуриш имкони бўлмаса, у ҳолда ер ости ёки ер усти йўналишларининг мумкин бўлган вариантлари кўриб чиқиши лозим.

Ташаббусни саёз жойлашадиган йўналишларга қаратишни тақозо этилади. Метрополитеннинг чуқур жойлаштириладиган, трассалари ер устки қурилишининг жойлашишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни ер устидаги бинолар қандай жойлашишидан қатъий назар қисқа йўналишлар бўйича лойиҳалаштирилади; ер усти қурилиши фақат оғма, кириш жойлари ва вестибюлларни лойиҳалашда инобатга олинади. Қоидага кўра, магистрал кўчалар жойлашган зонанинг тагига қуриладиган саёз йўналишлардан фарқли ўлароқ, чуқур линияларда эгри майдонларнинг радиуслари катта бўлмаслиги мумкин. Чуқур жойлашган йўналишларнинг бундай, ҳеч бир эътирозсиз устуңликларига қарамасдан иқтисодий жиҳатдан ва йўловчилар учун кўп қулайликларга эга бўлган саёз линияларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Метрополитен тоннелларининг габаритлари: эни 2,7 м, баландлиги 3,7 м. Улар 2,1 м узунликка эга бўлган бир база билан умумий узунлиги 19,2 м бўлган вагонларга ҳисобланган. Йўналишларни битта йўли иккита тоннел (ишларнинг ёпик, усулида) ёки икки йўлли тоннел кўринишида бўлади (одатда ишларнинг очик усулида).

Метрополитен трассасининг кўндаланг профили. Метрополитен йўлининг бекатлар орасидаги энг катта оғмалиги (нишаби) 40%, энг кичик оғмалиги (нишаби) 3% да қабул қилинади. Бекат йўлларининг кўндаланг профилда горизонтал майдонга ёки 3—5% ли бир томонлама нишаб бўйича жойлаштирилади.

Поезднинг тўхтагандан кейинги ҳаракатланишини ва тўхташдан олдин тормозланишини енгиллаштириш учун бекатларни горизонтал тўғри чизикли профилларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай жойлаштириш электр энергия сарфини қандайдир микдорда камайтириш имконини беради.

Метрополитен бекатларини жойлаштириш. Бекатлар йўловчиларнинг йирик оқимлари ҳосил бўлиши мумкин бўлган жойларга жойлаштирилади. Метрополитен йўналишларининг шаҳар транспорти магистраллари кесишадиган марказий майдонларга, темирйўл вокзаллари ва платформалар, йирик стадионлар, шаҳарнинг дам олиш ва маданият-истироҳат боғлари ёнига, метрополитен йўналишларининг узаро кесишадиган жойларига, шаҳар атрофидаги темир ва трамвай йўлларидаги

бекатлар ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бекатлар орасидаги масофа, одатда, 1,5—2,0 км узунликда қабул қилинади. Бекатларни қоидага кўра тўғри майдонларга, иложсиз ҳолларда радиуси 8 км дан кам бўлмаган эгри жойларга ҳам жойлаштириш мумкин.

Саёз жойлашган йўналишлардаги бекатлар шаҳар кўчалари ва қурилиш майдонлар тагига жойлаштирилади, йўналишларнинг чуқур жонлашишида эса бекатларни қурилиши мавзелар остига жойлаштирилиши мумкин.

Бекатларнинг ички жойлашувидаги режаси ва жойлашиш чуқурлиги. Метрополитенни қуришда жойлашиш чуқурлигини танлашда ва темирйўлларнинг шаҳар ости бўйлаб чуқур, яъни узун масофаларга кириб бориши одатда бир қанча омилларнинг мажмуаси бўйича аниқланади. Бу омилларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: қуриш ва фойдаланиш. Биринчи гуруҳ омилларига, шаҳар қурилиши ва гидрогеологик шароитлар, жойнинг рельефи, конструкцияларни ва ишларни олиб боришнинг усулини танлаш, тиклаш қулайликлари, қурилишнинг таннархи ва шунга ўхшашлар киради. Иккинчи гуруҳга: йўловчилар учун қулайликлар, хавфсизлик, ишонччилик, йўловчилар вақтининг сарфи, хабарлар ва ҳаракатланишнинг амалга оширилиш тезкорлиги, фойдаланишдаги сарф-ҳаражатлар ва ҳ.к. лар. Иссиқ иқлимли (ёки совуқ иқлимли) шаҳарлардаги метрополитенларда туннеллар билан алмашинадиган очиқ майдонлар нафақат исиб кетишнинг (совуқ оқим киришининг) олдини олиш, балки ҳаракатланувчи составга ноҳуш таъсирлар кўрсатилиши сабабларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Ер юзидан ўтказиладиган, аниқроғи, кўча юзасидаги платформа сатҳи 10—15 м чуқурликда жойлашган йўналишлар саёз йўналишлар деб ҳисобланади. Кириш ва чиқиш жойларини режалашда, улар жойлашиш ишининг минимал чуқурлиги пиёдалар ўтиш туннелларини қуриш заруриятидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бу кириш-чиқиш жойлари кўчаларнинг икки томонига, уларни туташтирувчи тоннел кўча остига жойлаштирилади.

Бекатнинг режасида кириш жойи платформанинг икки чет тарафига ёки унинг ўртасига қурилади.

Йирик шаҳарларда метрополитеннинг жойлашиш чуқурлигини ва қурилиш усулларини (услубларини) танлашда, марказий районлардаги тигиз жойлашган қурилиш зоналари ва тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган архитектура обидаларини сақлаш, ҳимоя қилиш зарурияти ҳисобга олинади ва уларнинг остидан линия ўтказишда чуқур жойлаштириш схемаси қабул қилиш мақсадга мувофиқроқдир; периферик районларга йўналиш ва бекатларни саёз жойлаштириш, бир қатор жойларга ерусти йўналишлари ва бекатларини жойлаштиришнинг танланиши анча устуниликка эгадир.

Тоннелларни чуқур жойлаштиришда қурилишга сарфланадиган капитал маблағлар саёз жойлаштиришга нисбатан 2—3 марта кўпроқ сарфланади. Бу ҳаракатлар нафақат бекатларни кўтарилиш баландлиги

катта бўлган эскалатор билан жиҳозлаш эвазига кескин ошади, балки чуқур жойлашишда фойдаланиш харажатлари ҳам юқори бўлади.

Шу билан бирга саёз жойлашувлига нисбатан чуқур жойлашувли бекатлар ноқулайдир, бунга сабаб йўловчилар чиқиб тушиш учун, саёз жойлашувли бекатларга нисбатан, 1,5-3 марта кўпроқ вақт сарфлайдилар.

3. Метрополитен бекатларини лойиҳалаш

Метрополитен бекатлари лойиҳаси комплексида асосий композицион элементларни ажратиш зарур, чунки уларнинг ўзига ҳослиги ва параметрлари мавжуд.

Чиқиш платформалари. Уларнинг узунлиги поездлар узунлиги билан аниқланади, 8,0 м дан кам бўлмаган узунликка узайтирилади, бу узунлик платформанинг тўлиқ лойиҳавий қувватини ўзида мужассамлаштиради. Платформани ҳисобий узунлиги қуйидагича: метрополитенларда, вагон узунлиги 19,0м бўлганда, беш вагонли составлар учун -102,0м.

“Оролти” платформалар кенглиги (йўлароларда) 8,0м-10,0м саёз ва чуқур жойлашувли бекатларда. Ён томондаги платформалар кенглиги 3,5-4,0м дан кам эмас. Чуқур жойлашувли бекатларда платформани марказий қисми 80,0м-100,0м гача қисқартирилган бўлиши мумкин ёки эскалаторларни пастки майдонлари олдидаги бир ёки иккита катта бўлмаган тақсимловчи задалар билан алмаштирилиши мумкин.

Ер усти вестибюллар алоҳида турган бино ёки тротуар сатҳида жойлашган ва унга эскалатор ёки асосий кўтарилишни зинаси чиқадиغان жойлаштирилган ер усти вестибюл кўринишида ёки шаҳар магистрالي майдонни ҳар хил тарафларида жойлашган сатҳларга чиқишлар билан тоннеллар тизими билан боғланган ер ости тақсимловчи вестибюл кўринишида лойиҳалаштирилади.

Зина ва эскалаторлар, чиқиш платформаларни ер усти вестибюллари билан боғлайди. Агар мазкур кўтарилишни баландлиги 3,5м дан катта бўлмаса, одатда, фақат зиналар қўлланилади; 3,5 дан 5,0м гача баландликда кўтарилиш учун эскалаторлар, тушиш учун эса зиналар қўлланилади; баландлик 5,0м дан ортиқни ташкил этса –кўтарилиш ва тушиш учун фақатгина эскалаторлар қўлланилади. Алоҳида шаҳарсозлик аҳамиятга эга бўлган бекатларда 3,2 м баландликда эскалаторларни қўллашга рухсат этилади.

Вестибюллар ва чиқиш платформалари оралиғидаги эскалаторлар сонини тўртта эскалатор ҳисобидан белгилаш лозим, бу ерда бекат вестибюли ва платформаси қияликдаги ёки бекатлар ўртасидаги ўтишлар бир эскалатор ремонтда бўлади, қияликларнинг биридаги иккинчиси эса тасодифий ҳоллар туфайли тўхтатишган.

Бекатларда эскалаторларни фақатгина кўтарилиш учун қўлланилганда уларнинг сони қияликда иккитадан кам бўлмаслиги зарур.

Метрополитенин ўтиш бўғинлари компановкаси ва ўтиш вақти. Ўйналошдан-ўйналошга ўтиш учун сарфланадиган вақт йўловчиларнинг вақтини тежаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўтиш тугунининг режавий композицияси бўйича тўлиқ аниқланади. ТРТ (тезкор рельсли транспорт) нинг икки ёки ундан ортиқ ўйналошларининг бошқа кесишиш (Х- ёки Ж-симон) ва бир линиянинг бошқаси билан (Т- ёки У-симон) бирлашиш тугунлари мавжуд бўлиши мумкин.

Ўйналош тугуни орқали ўтадиган йўллар (тоннеллар) турли сатҳларда кесишиши лозим, бундай кесишиш ҳаракатнинг тўлиқ ҳавфсизлигини кафолатлайдиган барқарор шароитни вужудга келтиради. Ўйналошлардан ҳар бири тугунда ўзининг «элементар бекат»ига, яъни икки ўйналошли йўлга эга бўлган йўловчилар платформасига эга бўлади. Бу платформалар бир-бирига нисбатан ҳар хил сатҳларда, бир сатҳда параллел ёки ҳар хил бурчак остида жойлашиши мумкин.

Метрополитен бекатларини архитектуравий-лойиҳавий ечимини нафақат транспорт восита сифатида, балки ижтимоий-маданий муҳит кўплаб функциялари билан бойитилган ер ости майдонни комплекси ўзлаштиришга асос сифатида лойиҳалаш лозим. Ер остида эканлик ҳисси махсус хонани архитектуравий-бадий безак орқали, уларга енгиллик ва мустаҳкамлик кўринишини бериш орқали. Шунингдек, йўқотиш мумкин бу ҳисни ҳажмий-лойиҳавий ечимлар: ер усти ва ер остиларни навбатлаш, чироқли атриумли ҳовлиларни ташкил этиш, тўсинларда тешиқлар, ҳамда сунъий ёруғликни ташкил этиш учун, шамоллатиш орқали эришилади.

Ҳажмий-лойиҳавий ва архитектуравий-бадий ечимларда шаҳарсозлик характеристика ва жойлашиш жойи, ўйналошни жойлашиш чуқурлиги, чиқиш заллари тури ва вестибюллардан (ер усти, ер ости, ўтиш) келиб чиққан бўлиши зарур. Лойиҳавий ва конструктив ечимлар 9-балли сейсмик зонани қурилиш-климатик ўзига ҳосликларидан келиб чиққан талаб асосида бажарилиши зарур.

Архитектуравий-бадий воситалар ёрдамида, янги конструктив схемаларни ва материалларни қўллаш, ёритиш, декор ва монументал санъати синтези архитектураси уйғунлигини қўллаш орқали, метро бўғинларни ер усти ва ер ости ансамблилгига эришиш зарур.

Архитектура ва дизайн воситалари ёрдамида метро бўғинни шаҳарда жойлашуви, олиб келаётган жамоат транспортва атрофдаги майдондаги асосий объектларни акс эттириши зарур.

4. Бош режа ва транспорт.

Метрополитен бекати учун жойни генерал план талаблари ва метрополитен ўйналоши трассасига мос равишда танлаш зарур. Одатда, энг кўп йўловчиларни ҳосил қиладиган жойларда иложи борича жамоат-транспорт бўғинларга яқин жойларда, қулай транспорт ва йўловчиларни улар билан алоқани ташкил этиши лозим.

Бош режани ишлаб чиқишда майдонни функционал зоналашни метрополитен бекатларини бошқа транспорт турлари ва яқинлашиш объектлари, санитар-гигиеник ва ёнгинга қарши талаблар, турли транспорт тўхташ жойларини жойлашуви ва қурилиш кетма-кетлигини алоқасини инобатга олиш зарур. Метро бўғин территорияси майдони (метрополитен бекати билан транспорт бўғини билан биргаликда) йўловчиларни қулай ўтиш жойлари, шунингдек, келишлар, шаҳар транспортини тўхташ ва парковка қилиш жойларини инобатга олаган ҳолда лойиҳалаш зарур: барча турдаги транспорт ва йўловчиларни ҳаракатланиш йўлларини янада тўлиқ ажратиш имконини яратиши зарур.

Маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда (рельеф, ўлчам, қўрилиш характери, транспорт ва йўловчиларни ҳаракатланиш интенсивлиги ва ҳ.к.) метробўғин ва ундаги транспорт, ҳамда йўловчиларни ҳаракатланиши бир нечта сатҳларда лойиҳалашган бўлиши рухсат этилади. Майдондан нафақат горизонтал, балки вертикал йўналишда рационал фойдаланиш мумкин.

Метробўғинни шаҳар территориясида жойлашувига (марказий, ўрта, периферия зоналар) биноан шаҳар ичи ва шаҳар ташқариси алоқа магистрал кўчалари тармоғига нисбатан лойиҳаланиши зарур.

Метробўғин майдони атрофидаги автотўхташ жойлари майдонларини бир енг машина учун 25,0 м², юк машина ёки автобус учун эса 50,0 м², ўтишни инобатга олаган ҳолда, ҳисобидан олиш керак.

Жамоат транспортини тўхташ жойини (автобус, трамвай, троллейбус, метрополитен,) метрополитен бекати чиқишига иложи борица яқин жойлаштириш лозим, одатда асосий кириш-чиқишдан 100,0 м радиусда бўлади. Темир йўл транспортга ўтиш билан биргаликда ечилган метрополитен бекатларини аксарият ҳолларда бирлаштирилган платформа ёки қисқа ўтишлар (умумий узунлиги бўйича 200,0 м дан ортиқ бўлмаган) билан биргаликда лойиҳалаш зарур.

Метробўғин ва унга яқин майдонларда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда турли транспортларни кўп сатҳли развязкаси, транспорт учун тўхташ жойлари ва гаражларни жойлаштириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотларни жойлаштириш учун еростини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Йўловчилар ва транспортни хавфсизлиги ва оқимларини аниқ ажратиш мақсадида тўсиқларни инобатга олиш лозим.

5. Архитектуравий-лойиҳавий ечим бўйича асосий ҳоллар, бино ва иншоотлар ва уларни эксплуатацияга қўйиладиган функционал талаблар.

102,0м узунликдаги чиқиш платформаларни ўнг тарафлама ҳаракатланишли 5-та вагонли составларни қабул қилишга ҳисоблаш керак.

Йўловчилар учун чиқиш платформада 4 – 6 курсиларни жойлаштириш керак.

Еростида йўловчиларни қўлай ориентацияси учун кўргазмали ахборотни жойлаштириш (пиктограммалар, кўрсаткичлар, состав харакатланиш вақт даври ва ҳ.к.).

Йўловчилар ва ишчилардан энг қўлини ташкил қиладиган жойларда ёруғлик манбааларини жойлаштириш керак, ҳамда электрикчалар машинистларига йўналтирилган ёруғликни мустасно қилиш лозим.

Саёз жойлашувли бекатларни платформани ҳар хил четида жойлашган иккита вестибюллар билан лойиҳалаш керак.

Вестибюл ва ўтиш бўғинлари лойиҳавий ечимлари билан йўловчилар оқимини кесишмаларсиз ташкил этишни ҳал қилиш лозим.

Бекат вестибюлларида қуйидагиларни жойлаштириш зарур: икки каторли эшикни тамбур - чиқишда (киришда); автоматик ва қўл назорат пунктлари - киришда ва автоматик назорат пунктлар - чиқишларда; тангаларни алмаштириш автоматлари; йўналишларни маршрут схемаси; автоматик назорат пунктлар ишлаши тўғрисидаги сигнализация табло, эскалаторларни тўхтатиш калити, алоқа воситаси ва баланд гапириш огоҳлантиргичлар билан жиҳозланган навбатчи контролер кабинаси; интервални ҳисоблайдиган рақамли соатлар; метрополитен бўйича саволлар учун телефон; кўрсаткичлар ва ориентация учун белгилар; касса, тангаларни санаш, диктор, тиббий пункт хоналарида изоляцияни инobatга олиш; қуйидаги хоналарда қўл ювиш учун жойларни инobatга олиш: тангаларни санаш, тиббий пункт, овқатланиш, кубовой, ювиш ва фаррошлар. Платформага зинали ўтишга эга ер ости вестибюллар ва ер ости ўтиш жойларида пандусни ёки ногиронлар ва болалар аравачалари учун лифтни инobatга олиш лозим.

Метрополитен бекатлари вестибюллари билан бирлаштирилган йўловчилар ўтиш-конкорсларда (ривожланган ерости майдонли) қуйидагилар зарур:

- ўтказиш имкониятини таъминлаш мақсадида, олиб келадиган транспорт бекатлари ва яқин жойлашган объектлар ва метрополитенгача (дан) йўловчиларни харакатланиши учун қўшимча габаритларни инobatга олиш;

- бирлаштирилган ер ости майдонларда хизмат кўрсатиш ташкилотлари, ва яқин жойлашган объектлар асосий йўловчи ва пиёдалар йўлларида четда жойлашиши зарур, йўловчилар ўтиш жойларини ўтказиш қобилиятини пасайтирмаслик мақсадида.

6. Кичик архитектура шакллари, ёрдамчи иншоотлар ва кўргазмали ахборотлар

Метрополитен бекати билан транспорт бўғинда кичик архитектура шакллар ўрнатилиши керак, йўловчи, транспорт ва маҳаллий

шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган бўлиши керак. Улар ориентацияни енгиллаштириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш шароитларини янада қулай қилиш, вокзал олди майдонларни ободонлаштириш шароитини яхшилаш, жойини тарихий, архитектуравий-бадий ва бошқа ўзига ҳосликларига кўрсатишга мўлжалланган.

Ускуналар номенклатураси	Сони, дон
Бекан номи	4
Транспорт ҳаракати жадвали	2
Транспорт ва йўловчилар учун йўл кўрсаткичлари	2
Электрик соатлар	2
Курсилар	йўловчилар сонидан 15%
Ахлатдонлар	5-8
Даврий ахборот, эълонлар ва реклама учун щитлар-стендлар	1-3
Тижорат дўконлари, киосклар	3
Газланган сув, газета автоматлари ва ҳ.к.	5
Обидалар ва асосий тўпланиш жойлари кўрсаткичлари	лойиҳа бўйича
Сунъий ёритиш тиргаклари	20,0-25,0м ҳар

Метробўғинни кеча-кундуз ишлашини инобатга олинган ҳолда, сунъий ёритиш билан биргаликда тунда ишлайдиган чироқли ёзувлар, кўрсаткичларни композицияга киритиш зарур.

Қурилиш жойини табиий-климатик ўзига ҳосликларини метробўғинни ҳажм-лойиҳавий ечимларида инобатга олиш зарур. Иссиқ табиий-климатик қурилиш жойларида, йўловчилар тўпланадиган атроф майдонларни табиий билан биргаликда сунъий шамоллатишга (бурчакли ҳам бўлиши мумкин) эга бўлиши зарур, жамоат транспортларига олиб борадиган йўловчилар йўлаклари эса офтобдан ҳимоя қиладиган қурилмалар билан (соябон, шиплар, жалюзи, панжара, экранлар ва ҳ.к.)

7. Лойиҳа таркиби

1. Метрополитен йўналишлари схемаси билан генерал план: М 1 : 2000

2. Метробўғинни ситуацион плани: М 1 : 500;

3. Қаватлар чизмаси: М 1 : 100, М 1 : 200;

4. Кесимлар: М 1 : 100, М 1 : 200;

5. Девор, шифт, пол кенгайтмалари: М 1 : 100, М 1 : 200.

6. Жамоат хоналари интерьери —

7. Перспектива (ёки макет) —

8. Қуйидагилар бўйича архитектуравий қисмнинг тушинтириш ҳати:

а) Кириш;

- б) Генерал ва ситуацион планлар;
- в) Архитектуравий-лойиҳавий ечим;
- г) Архитектуравий-бадий ечим;
- д) Асосий конструкциялар ва пардозлаш материаллари;
- е) Ободонлаштириш ва метробўғин дизайни;
- ж) Техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Изоҳ: Планлар ва кесимларда барча асосий ўлчамлар, юза ва хоналар майдонлари белгилари, ҳамда йўловчи, пиёда ва транспортларни асосий оқимлари кўрсатилаган бўлиши керак.

8. Лойиҳа бажаришни назорат курслари

1. Вазифани бериш.
2. Ҳояни эскиз курсини кўриш.
3. Эскизни тасдиқлаш, баҳолаш билан.
4. Эксперт томонидан лойиҳани дастлабки кўриб чиқиш.
5. Лойиҳани график тугатиш, тушунтириш ҳати ва химоя.


**Илова I. МЕТРОПОЛИТЕН БЕКАТИ: УМУМИЙБОҒЛОВЧИ
ЛОЙИХА, УМУМИЙБОҒЛОВЧИ КЕСИМ, ПЛАТФОРМАНИ
КўНДАЛАНГ КЕСИМИ, ЙўЛОВЧИЛАРНИ ХАРАКАТЛАНИШ
СХЕМАСИ БИЛАН ВЕСТИБЮЛЛАР ЛОЙИХАСИ**

В. СХЕМА ЧИНОБ КОНСТРУКЦИЙ ПЛАТФОРМ


1. КОЛОДЬЕВОГО ТИПА



2. СВЕДЧЕВОГО ТИПА




Г. СХЕМА ДВИЖЕНИЯ ПАССАЖИРОВ




СТАНЦИЯ МЕТРОПОЛИТЕНА

А. ПЛАН СТАНЦИИ



Б. РАЗРЕЗ СТАНЦИИ ПО I-I



1-ПЛАТФОРМА; 2-НАДПОЯСНЫЙ ВЕСТИБУЛЬ; 3-ПОДПОЯСНЫЙ ВЕСТИБУЛЬ; 4-РАСЧЕДЯТЕЛЬНЫЕ ЗА; 5-РЕЗЕРВУАРЫ
КИРПИЧ; 6-КОЛЕСИКИ АВТОМОБИЛЬНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ; 7-КРИОСТАТ; 8-РЕЗЕРВУАРЫ СКОМ

Илова II. МЕТРОПОЛИТЕН БЕКАТЛАРИ ХОНАЛАРИ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНИ

№	Хоналар номи	Сони, дона	Майдон, м ²
«А» Ўтиш зати			
1.	5-выгонли составни қабул қиладиган, бир(икки) платформали зал (узунлиги 102,0м)	1	1800,0 (3600,0)
2.	Бекат ишчилари хонаси (назорат бўйича навбатчи, фаррош)	2	30,0+30,0
3.	Бекат бошлиғи оғбори	1	8,0
4.	Кубовая куритгич билан	2	6,0+6,0
5.	Чиқинди ва қипик учун оғборхона	1	5,0
6.	Бир одам учун хожатхона	1	4,5
7.	Диктор кабиналари	2	1,8+1,8
8.	Тозалаш ускуналари, нарвонлар учун хоналар (ёки жой)	2	15,0+15,0
ЖАМИ «А» бўйича:			1923,1 (3723,1)
«Б» Вестибюллар (2тадан)			
9.	Касса заллари	2	350,0+350,0
10.	Хожатхоналар	2	4,5+4,5
11.	Қурикчлар	2	14,0+14,0
12.	Тиббий пункт	2	13,0+13,0
13.	Бекат бошлиғи кабинети	1	14,0
15.	Бош кассир	1	10,0
16.	Тангалар ҳисоби	2	8,0+8,0
17.	Икки ойнали кассалар	2	7,4+7,4
18.	Овқатланиш учун	1	15,0
19.	Тозалаш бўйича ишчилар оғбори	1	18,0
20.	Кубовая куритгич билан	2	16,0+16,0
21.	Чиқинди ва қипик учун оғборхона	2	5,0+5,0
22.	Авт.контр.пунктлар механики	1	15,0
23.	Тозалаш ускуналари механики	1	15,0
24.	Устахона	1	15,0
25.	Оғборхона	1	10,0
25.	Ёритиш электромеханики	1	10,0
26.	Устахона	1	15,0
27.	Оғборхона	1	10,0
27.	Электрощитхонаси	1	8,0
28.	Радиобўғин	1	10,0
29.	Вентиляция камераси	2	18,0+18,0
30.	Иситиш бўғини	2	20,0+18,0
31.	Техник хоналар	1	40,0+20,0
32.	Тамбур	2	24,0+24,0
ЖАМИ «Б» бўйича:			11648,0
«В» Жойлаштириш заллари			
33.	Заллар ва телефон-автоматлар учун жой	2	120,0+120,0
ЖАМИ «В» бўйича:			240,0
ЖАМИ метрополитен бекати бўйича:			13811,1(15611,1)

**Илова III. МЕТРОБЎГИН ЭКСПРЕСС-ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
ОБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНИ. ФУНКЦИОНАЛ-
ЛОЙИХАВИЙ ГУРУХЛАРДА (ФЛГ) МАЙДОНЛАР ТЎПЛАМИ
БЛОКИ (м²)**

ФЛГ	Блокнинг майдонлар тўплами	Майдон	Жами:
1	2	3	4
1. ЎТИШЛАР- КУТИШЛАР:	1.1.- Ерусти турдаги транспортлардан чиқиш-кутиш платформалари	100	325
	1.2.- кутиш жойлари (мўлжал ахборот билан)	150	
	1.3.- кисқа вақт дам олиш жойлари	75	
2. МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ:	2.1.- ахборот блоклари (горсправка, ишга жойлашиш,...)	40	200
	2.3.- маданий ахборот блоки (кассалар, афишалар, репертуар,...)	40	
	2.4.- ахборот комплекс (газеталар, тасвирий ахборот,...)	40	
	2.5.- универсал зал	40	
	2.6.- техник хоналар (радиобўлим, фототека, сақлаш,...)	20	
3. МАНИШЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ:	3.1.- маншй тижорат (автоматлар, киосклар, расталар,...)	180	560
	3.2.- телефон алоқа автоматлари	40	
	3.3.- комплекс қабул қилиш пункти	40	
	3.4. – юзарага бериш пункти	20	
	3.5.- техник ва ёрдамчи хоналар, омборлар (ерости сатҳи)	280	
1. ОЗИҚ- ОВҚАТ:	4.1.- озиқ-овқат тижорат (автоматлар, киосклар, расталар,...)	250	560
	4.2.- жамоат овқатланиш жойлари: кичик ассортиментли махсус корхоналар (сомса, гамбургер, музқаймоқ, сув- соклар, чойхона,...)	230	
	4.3.- техник хоналар (холодильниклар, қадоқлаш жойлари,...)	80	
5. ТАРТИБ ВА ТОЗАЛИК:	5.1.- жамоат хожатхонаси	100	520
	5.2.- оёқ кийим тозалаш жойи	20	
	5.3.- тиббий пункт	40	
	5.4.- тартибни сақлаш пункти	40	
	5.5.- административ ва техник ишчилар	40	
	5.6.- техник хоналар (тозалаш ускуна ва жихозларини ремонт қилиш ва сақлаш)	280	

**Илова IV. МЕТРОПОЛИТЕН БЕКАТЛАРИ ВЕСТИБЮЛЛАРИ
ОЛДИДАГИ ЙЎЛОВЧИЛАР ЗОНАСИНИ
МИНИМАЛ МАЙДОНИ (м²)**

Иштирокчилар номи		Йўловчилар айланмаси, минг одам			
		50 гача	50 дан 100 гача	100 дан 180 гача	180 дан ортик
Йўловчилар йўли майдони		380	400-900	1000-1500	1580
Функционал гуруҳлар майдони	1. Кутиш, дам олиш	15-35	35-70	70-110	140
	2. Овқатланиш	30	50	60	90
	3. Озиқ-овқат тижорати	40	50	60	100
	4. Саноат моллари тижорати ва хизмат кўрсатиш	90	105	140	170
	5. Химоя, тозалик, тартиб	25	40	60	60
Умумий майдон		580-600	680-1215	1390-1930	2140
Умумий ўртача майдон		600	1000	1600	2000

Изоҳ: 2,3,4 функционал гуруҳлар майдонлари юқларни элтиб келадиган автомашиналар олиб келадиган йўлни ҳисобга олган ҳолда келтирилган.

ИЗОҲЛАР:

1. Диплом лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида қўшимча маълум бир метрополитен бекати майдони бўлимига Архитектуравий-лойиҳавий вазифа (АЛВ) метрополитен йўналишлари схемаси ва Космплекс транспорт схемаси билан биргаликда берилади.

2. Метробўғинда лойиҳалаштирилаётган метрополитен бекатларини ишчи хоналари номенклатураси ва майдони лойиҳалашга вазифада белгиланган бўзиши зарур.

3. Метробўғин ишчиларини санитар-маиший хоналари жамоат иншоотларини ёрдамчи бино ва хоналарини лойиҳалаш бўйича СНИП нинг боби ва штат рўйхатига мувофиқ равишда лойиҳалаш зарур.

4. Метробўғинда объектлар ва бошқа турдаги транспортларни (авто-, темир йўл бекати ва ҳ.к.) жойлаштириш учун хоналар номенклатура ва майдони лойиҳалашга қўшимча вазифа билан белгиланади.

5. Бекатнинг архитектуравий-бадий образини қуйидаги муҳим масалалар билан биргаликда комплекс ечиш зарур:

- асосий ерости майдонларни визуал изоляци қилинганлиги (йўловчилар ўтиш жойлари, вестибюл, платформа);

- архитектуравий-лойиҳавий ечим, орқали йўловчиларни электричкадан метрополитен бекати чиқиши ва ерусти транспорти тўхташ жойигача маршрутни қискартириш;
- метрополитен бекати ва метробўғин атрофидаги майдондаги ахборот умумий дизайнни ишлаб чиқиш,
- микроклимат ва метробўғинни ерусти ва ерости майдонини хавфсиз ҳаётга олият муҳитини яратиш.

9. Адабиётлар:

1. ГОСТ 23961-80, Метрополитены. Габариты приближения строений, оборудования и подвижного состава. -М. Стройиздат, 1980, -19 б.
2. Мансуров Я.М., Убайдуллаев Х.М. Вопросы микроклимата Ташкентского метрополитена. // Архитектура и строительство Узбекистана. - Тошкент, 1987. - №10.
3. «Тошкент», Энциклопедияси. / Туклиев Н. таҳрири остида Туклиев Н. /Мансуров Я. Метрополитен бўйича мақолалар. - Тошкент.1992.
4. ПНК 2.07.01-03 «Градостроительство. Планирование развития застройки территорий городских и сельских населенных пунктов» //Госкомархитектстрой Р Уз. - Т.: 1994.
5. КМК 2.05.04-97 «Метрополитены» //Госкомархитектстрой Р Уз. / Закиров А.З., Журавлев В.И., Мансуров Я.М. ва бошқалар. - Тошкент, Давархитекурилишқум. 1997. (ўзб. ва рус. тилларда). - Б. 85+83.
6. Убайдуллаев Х.М., Иногамова М.М. Основы типологии проектирования жилых и общественных зданий. Архитектура мутахасислиги бўйича ОЎМ бакалаврлари учун дарслик. //МВССО. (3-бўлим, 6 боб, 6.4) «Voriz-nashriyot» - Тошкент, 2009. (ўзб. ва рус. тилларда). - Б. 384.
7. Мансуров Я. Метрополитен в архитектуре Ташкента. Архитектура и строительство Узбекистана. - Тошкент, 2009. - №2. - Б. 36.
8. www.mosmetro.ru
9. www.metrotashkent.narod.ru

Тузувчи :доц. Мансуров Я.М.

4. “1000 ЎРИНЛИ МУСИҚАЛИ ДРАМАТИК ТЕАТРИ” мавзуси бўйича диплом иши топширик ва услубий қўлланма

1. Умумий кўрсатмалар.

Театр биносини икки комплексга бўлинган хоналар ташкил этади. Биринчи намоёиш комплекси унда сахна ҳаракатлари устида иш олиб борилади ва спектакль намоёиш этилади. иккинчиси-томошабин комплексида театрға келган меҳмон кутиб олинади, жойлаштирилади ва уларға тегишли хизмат кўрсатилади.

Театр ўринлари ижро этиладиган сахна намоёиш комплексининг, томошабин зали эса томошабин комплексининг ўзагини (ядросини) ташкил этади.

Томоша тури ва уни идрок қилиш усули театр биносининг турини, томошабин зали ва сахна қандай ташкил этилганлигини ҳамда улар орасидаги боғлиқлик қандай бўлиши кераклигини белгилайди.

Театр ўйинини ташкил этишнинг амалда қўллаб келинаётган икки системаси мавжуд бўлиб, улар бир-биридан шаклан фарқ қилади. Бири антик даврдан бери давом этиб, унга биноан спектакль бевосита томошабинлар ўтирган зал ичидаги сахнада ижро этилади. Иккинчиси уйғониш ва барокко даврларидан бери қўлланиб, унга кўра театр ўйини томошабин залини тўсиб турувчи портал ортидаги сахнада намоёиш этилади.

Залнинг тўғрида жойлашганлиги сабабли, одатда, бундай сахна чуқур сахна деб юритилади.

Сахна

Томошабин зали ҳамда чуқур сахнанинг умумий кўриниши ва ички тузилишларини белгиловчи асосий кўрсаткич —бу томоша майдончасининг ўлчамидир. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина спектаклларда сахна ҳаракатларининг фаол қисми эни 8 мдан 14 мгача ва чуқурлиги 5м дан10мгача бўлган майдончада кечади.

Сахна эни томоша майдони кенглиги ёки томошабин ўриндиқларини, декорацияларини ёритиш воситаларини жойлаштириш ва спектаклни бемалол сахналаштириш учун етарли бўлган кенгликдан келиб чиқади. Портал эни ва унинг ён бўшлиқлари ҳам шу кенгликка асосан ташкил топади. Одатга кўра сахна эни камида портал туйнуги энидан икки баравар ортиқ бўлиши керак.

Сахна баландлиги фон безаклари ва хажмий декорацияларни бир неча қават баландликда жойлаштириш имкониятини яратиб бериши зарур. Залнинг энг тўрида жойлашган декорацияларнинг максимал баландлиги уларнинг устки қирраларини зал ўртасидан қуриш мумкин бўлган даражада белгиланади ва одатга кўра у портал баландлигидан бир ярим баравар ортиқ бўлади.

Чуқур сахна, қоидага биноан декорацияларни алмаштирувчи қурилмалар-колосниклар ва кўтаргичлар билан жиҳозланган бўлади.

Колосниклар решетка шаклидаги конструкция бўлиб, сахнанинг бел қисмида ёки ундан ҳам 2-2,5 м қуйроқда осиб қўйилади. Колосниклар устига блоklar ўрнатилади, уларга декорация пардаларини кўтариб туширувчи кўтаргич арқонлар осилади.

Сахнанинг колосникларгача бўлган баландлиги декорация пардаларини кўринмайдиган даражада кўтаришни тақазо этади, шунинг учун у парда баландлиги 2 марта ёки портал туйнуғи баландлигидан 3 марта ортиқ бўлиши керак.

Асосий сахнадан ташқари спектакль декорациясини тез алмаштиришга ёрдам берадиган ён ва қўйи сахналар, яъни кулуарлар ва трюм (сахна ости) ҳам мавжуд.

Сахна клуарларида ҳаракатланувчи платформалар- фургонлар жойлаштирилиб, спектаклнинг кейинги сахнаси учун уларнинг устида ҳажмий декорация тайёрлаб қўйилади. Фургоннинг ўлчамлари томоша майдончаси юзасига тенг ҳолда ёки унинг ярмича олинади.

Қўйи сахна – трюм ҳам, декорацияни тез-тез алмаштириб туриш учун ва сахнада турли эффект ҳосил қилиш учун ишлатилади, аммо юзаси ўйин майдончаси юзасидан кам бўлмаслиги керак. Трюмда сахна полини ҳаракатга келтирадиган механизм жойлаштирилади. Бундай механизмнинг энг оддий ва универсал тури бу- полга ўйиб киритилган ёки устига ўрнатилган айланиб ҳаракатланувчи доира бўлиб, унинг диаметри (доиранинг диаметри сахнанинг гуруҳга боғлиқ, №4 таб.кар.) ўз ичига икки ва ундан ортиқ сахна кўринишларини безайдиган ҳажмий декорацияларни сиғдира олиши керак.

Сахна кўринишларини тез-тез ўзгартириб туриш учун асосий сахнага қўшимча равишда сахна орқали-арёрсценадан ҳам фойдаланиши мумкин. Арьерсцена шу билан бирга декорацияларни ёритувчи воситаларни жойлаштириш учун ҳам хизмат қилади.

Асосий сахнанинг тўрт томонида (уч ён томонида ва қўйида) жойлашган ёрдамчи сахналар унинг ҳаракатчанлигини янада оширади ҳамда спектаклни сахналаштириш учун барча имкониятларни яратиб бера олади.

Томошабин зали

Томошабин зали театр биносининг композицион элементи ҳисобланади. Томошабин зали томошабинларга уларнинг залга кириши, жойлашиши, спектаклни томоша қилиши, сўнгра хавф-хатарсиз чиқиб кетишда энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериши зарур.

Зал композициясини ташкил этишдаги асосий факторлардан яна бири узоқлигидир (қизил чизикдан 25 м. драма, 32м опера балет театри учун).

Томошабин залининг икки тури мавжуд кўп қаватли ва амфитеатрига нисбатан спектаклни анча яққол имкониятини беради (иккинчи ва учинчи қаватлар сахна ҳажмини кўз билан кенгроқ қамраб олишга имконият туғдиради).

Амфитеатрли залда ҳамма томошабинлар партер ва амфитеатрларда, яъни сахна юзасидан унча баланд бўлмаган текисликда жойлаштирилади.

Томошабинларни жойлаштириш ва эвакуация қилиш бу ҳолда кийинчилик тугдирмайди.

Томошабин залининг макбул (оптимал) юзаси: бир томошабинга 0,65 м² ҳаво ҳажми бир томошабинга -4,5-5м³-драма, 5-6м³-музыкали театр учун (бу ҳисобга оркестр эгаллаган чуқур ҳажмли ҳам киради.)

Томошабин ва сахна хоналари

Томошабин комплекси таркибидаги хоналар томоша бошлангунга қадар одамларни руҳан спектаклга тайёрлаш учун хизмат қилади. Сахна хоналари эса спектаклни тайёрлашга хизмат қилади.

Театртга кириш ва касса вестибюллари асосий вестибюль, кийиниб-ечинадиган хона, тақсировчи фойе, тамадди хона театр, маъмурияти хонаси каби жойлардан ташкил топади.

Вестибюль фое, фойкалари ўзаро қандай жойлаштирилганлиги ва уларнинг тархи қандай тузилганлиги томошабин комплексининг фазовий структурасини яратишда муҳим роль ўйнайди. Фое томошабин залига боғлиқ бўлган лекин унга нисбатан алоҳида жойлашган хоналардир.

Сахна хизматидаги хоналарни шундай лойиҳалаш ва жиҳозлаш зарурки, спектаклни тайёрлаш ва сахнага қўшиш учун етарли шарт-шароитларга эга бўлсин.

Бундай вазифани спектаклни сахналаштириш ва театр ишлаб чиқариш ҳўжалигининг ижодий жамоалари амалга оширдилар.

Шуни ҳисобга олган ҳолда сахна хизматидаги хоналарни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, спектаклнинг сахнага қўйилишини таъминловчи хоналар, иккинчиси ишлаб чиқариш устахоналари ва уларга тегишли бўлган омборлар ҳамда техника жиҳозланган хоналар.

Актёрларнинг, ён сахналари, арерсцена ва сахна майдонидаги декорацияларни чеклаб ўтиб бевосита ўйин майдончасига чиқа олиши муҳим аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда сахнага чиқиш олдиндан актёрлар учун кутиш хоналари жойлаштирилади.

Оркестр одатда просцениум остига қисман ўйиб киритилган портал олдидаги чуқурда жойлашади. Ишлаб чиқариш устахоналарини театр биносига тўғри жойлаштирилиши учун декорациялар тайёрлаш ва сахнага олиб чиқиш жараёнидаги технологик цикларни ҳисобга олиши керак.

Ҳажмий декорациялар тайёрлашнинг дастлабки цикли дурадгорлик устахонасидан бошланади. Бу ерда юзаси ўйин майдончасига ва баландлиги портал бўйига тенг бўлган катта ҳажмдаги қурилмалр, майдончалар ва декорацияларнинг синчлари тайёрланади ҳамда мустаҳкамлигини синаш мақсадида улар олдиндан монтаж қилиб қурилади.

Иккинчи сабабга биноан ўралган ҳолдаги рангтасвирлари декорацияларни бевосита сахнага олиб чиқиш зарурияти ҳамда ораёпманинг катталиги (12 метрдан кам бўлмаган) бутафория ва рангтасвирлар декорация устахоналари театр биносига жойлаштиришда икки усулни келтириб чиқаради-томошабин зали устига ва арерсцена устига, жойлаштирилади.

Бош тарх

Театр бинолари шаҳарнинг марказий қисмларида жойлашиши ва шу марказ ансамблини ташкил этишда ўз хиссасини қўшмоғи лозим. Ер майдонсини танлашда унга кириб келишнинг ҳар томонлама қулайлиги жамоат ва индивидуал транспортлари учун ер ости тўхташ жойларини лойиҳалаш мумкинлиги, театр атрофига ҳиёбонлар ва декоратив ўсимликларни жойлаштириш имкониятлари ҳисобга олинади.

Бу вазифалар қурилиш номлари ва қондалари (СНиП)нинг шаҳарлар посёлкалар ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларни лойиҳалаш ва қуриш бўлими талабларга биноан амалга оширилади.

Театр атрофини кўкаламзорлаштиришни лойиҳалаш жараёнида қуйидагилар ҳисобга олинади:

- бинога кириши ва ундан чиқиши учун мўлжалланган майдонлар. Уларнинг умумий юзаси томошабин залидаги бир ўринга энг камида $0,3\text{м}^2$ ҳисобида олинади.

- томошабинларнинг дам олиш майдончалари майсазорлар;
- марказий кўча ва уйлар билан боғланган пиёда йўлакчалари ва ўтиш жойлари:

- ўтиш жойлари, йўллар ва майдончалари сунъий ёритиш системалари билан таъмирлаш;

- хўжалик майдонси (унда ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси ва шунга ўхшаш иншоотларни жойлаштириш имкониятларини кўзлаган ҳолда):

- енгил автомобиллар учун тўхташ майдончалари (ҚМҚ бўйича)

Қайд этилган майдончалар вазиятга қараб театр майдонидан ташқари ерларга ҳам жойлаштириш мумкин, аммо уларнинг театр биносида узоқлиги 300 метрдан ошмаслиги зарур.

Биноларни ҳажми, тархи ва конструкцияс ечимлари.

Театр биноси хоналари қуйидаги комплексларга тақсимланади:

А – томошабин комплекси;

Б – намоёиш комплекси (зал хона);

В – сахна комплекси;

Г – ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар

А – Томошабин комплекси.

1. томошабин комплексидаги хоналар рўйхати ва уларнинг юза ўлчамлари
1 жадвал асосида олинсин.

1 жадвал.

Хоналар рўйхати ва юза ўлчамлари

№	Хоналар	Томошабин залидаги бир ўрин учун м ² хисобдаги хона юзаси
1	2	3
1	Касса вестибюли	0,05
2	Кириш вестибюли	0,1
3	Таксимловчи вестибюли	0,25
4	Сумка ва портфеллар сақланадиган хона (гардероб)	0,12
5	Кийиниб ечинадиган хона	0,04
6	Фойе	0,6
7	Кулварлар	0,3
8	Тамадхона	0,2
9	Тамадди хона хизматидаги овқат тайёрланадиган, идишлар ювиладиган, бўш идишлар сақланадиган хоналар ва омборхона	0,05
10	Музей	0,1-0,15
11	Экспонатлар омбори ва музейн ишлари учун ажратилган хона	0,06-0,1
12	Чекиш хоналари	0,1
13	Хожатхоналар	0,1
14	Касса ва набатчи маъмурий ходим хоналари	0,1
15	Бош маъмурий ходим хоналари	0,02-0,03
16	Патта таксимловчи ходимлар хонаси	0,02-0,03
17	Паттачилар, гардероблар ва фаррошчилар дам оладиган хона	0,02

Эслатма:1. Касса орқали кириш ва ундан чиқиш билан таксимловчи вестибюллари бирлаштириш мумкин.

Касса вестибюлдаги туйнуқларининг сони 500 томошабинга бир туйнуқ хизмат қилиш амал қилинган ҳолда топилисн.

1. Театр таркибидаги хоналарга кичик заллар қўшилган бўлса, касса вестибюли, музей ва маъмурият хоналаридан ташқари томошабин комплексидаги хоналар юзаси барча залларга жойлашган томошабинларнинг умумий сонга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

2. Касса вестибюли, музей ва маъмурият хоналари юзалари асосий зал сигимига қараб белгиланади. Сигими 1000 ўриндан кам бўлмаган театр музейларида доимий экспозицияларни жойлаштириш мумкин. Бу ҳолда унинг юзаси томошабин залидаги бир ўрин учун 0,01-0,03м² ҳисобида олинади.

3. Кулуарлар юзаси томошабинлар эвакуация қилиш эшикларнинг умумий сифмига қараб белгиланади.

4. Ҳожатхоналарга йўлакка чекиш хоналари орқали бўлмаслиги керак.

5. Қишки ҳарорат -15°C да ҳисобга олинса вестибюлга кириш икки эшик орқали бўлган ҳолда кириш вестибюли тамбур ва иссиқликни тутиб турувчи парда билан тўсилмоғи керак. Қишки вестибюли билан тақсимловчи вестибюл ўртасида эшик ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Томошабинларнинг кийиниб-ечинадиган хонаси (гардероб) олдида тўсиқнинг узунлиги ҳар 25 кишига 1м. Тўсиқ ҳисобида олингани дуруст. Гардеробнинг чуқурлиги (тусикдан унинг қаршисидаги деворгача берилган оралик) 4. дан ошмаслиги, тўсиқ олдидаги хоналарнинг эни эса 3м.дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Эслатма: томошабинларнинг чиқиш эшикларга зинапояларга ва томошабин комплексидаги турли хоналарга ўтиш йўллари гардероб тусиғи олдидаги 3м ли хона билан устма-уст тушмаслиги зарур.

1. томошабинлар хизматидаги ҳожатхоналарни лойиҳалашда уларнинг неча фоизи эркак ва неча фоизи аёл эканлиги кўзда тутилади: томошабинларнинг 40% эркаклар ва 60% аёллар ташкил этилади. бу хоналарнинг жиҳозлар сони қуйидаги ҳисоб бўйича олинади: бир умивальник 100 эркакка ва бир писуар 40 эркакка : аёллар ҳожатхонасида бир унитаз 30аёлга.

2. Маъмурий ва билет тарқатувчи ходимлар хоналари томошабин комплексида умумий блокда касса вестибюли боғланган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

3 Театр музейи экспонатлар намоиш этиладиган хоналар уларни сақлайдиган хона ҳамда фоя билан боғлиқ бўлиши керак.

4. хоналарнинг полдан юқори қават полигача бўлган баландлиги вестибюл, кулуар, тамаддихона, чекиш хонаси ва ҳожатхоналар-3,3м дан: фоеда-4,2м.дан кам бўлмаслиги керак.

Б. – Намойиш комплекси. (зал-сахна)

1. Намойиш комплексида тааллуқли қуйидаги талаблар колосниклар билан жиҳозланган сахнага ва ички (қўшимча) томоша залларига эга бўлган театрларни лойиҳалашга қаратилган.

Эслатма: а) бошқа турдаги сахналар (панорамали 3 томонга қаратилган, арена кўринишидаги ва х.к.) бошқа лойиҳалаш учун берилган топшириқларга асосан лойиҳа қилинади:

б) ички (қўшимча) томоша залининг сахнаси ва уни трансформация қилиш даражаси лойиҳалаш учун берилган топшириқдаги лойиҳада кўрсатилиши асосида лойиҳаланади.

2. Намойиш комплекси қуйидагилардан иборат: томоша зали, аръерсцена (сахна олди), сахна, аръерсцена (сахна орқаси), сахна кулуарлари, трюм (сахна ости), ўраб қўйилган ҳовлидаги декорациялар сейфи, сахнанинг устки қисми (колосниклардан иборат конструкция), сахна орқадан ёритиш хонаси (риопроекционная), сахна ёруғлигини бошқариш хонаси (светопроекционная), сахна ва зали ёруғлигининг бошқарувчи аппаратхона, ложани туғридан ва ён томондан ёритувчи воситалар, (выносные осветительные галерии), овоз аппаратхонаси, директор ва таржимонлар хоналар.

Хоналарнинг ўртача юзалари иловага асосан олинади.

Эслатма: Намойиш комплекси таркибдаги бошқа хоналар рўйхати ва ўртача юзалари қабул қилинган таркибдаги лойиҳа топшириқлари асосида олинади.

3. Томоша (асосий ва қўшимча) залларнинг юзалари (балконлари, юқори каватидаги ўринлари, ложаларни ҳисобга олган ҳолда) томоша залидаги бир ўринли $-0,65 \text{ м}^2$ ни ташкил этади.

Эслатма: колосниклар билан жиҳозланган сахнани томоша залидаги қўшимча сахна (ўйин) майдончалари билан бирга лойиҳалашда уларнинг юзаси ва ўлчамлари қабул қилинган таркибдаги лойиҳалашга берилган топшириқ асосида аниқланади.

4. Томоша залининг шаклини аниқлаш томошабинлар ўринларини ҳамда технологик қурилмаларининг жойлаштириш вазифалари 2 жадвал ва 1 расмда кўрсатилган намоиш комплекси параметрларига асосан бажарилади.

2 жадвал – ШНК. 4.13.21.06. бўйича

Шартли белги	Параметр номи	Параметр ўлчами	Эслатма
1	2	3	4
Д	Ўринларни жойлаштириш зонаси чегараловчи сфера радиуси: м		Сфера маркази сахнанинг орқаси чегараси билан унинг ўрта чизиги кесилган нуқтада олинади.
	-600 ва ундан ортиқ ўринли драма театрларнинг залларида музикали драма		

	театрлари залларида		
	-600 гача бўлган ўринли драма театрлари залларида	19+(Ч+Чав) дан ошмасин	(Ч+Чав)-сахна ва авнсцена чуқурликларининг йиғиндиси.
	-опера-балет, опера ва балет театрлари залларида	30+(Ч+Чав) дан ошмасин	
Д	Қўшимча ўринларни жойлаштириш зонасини чегараловчи сфера радиуси м. -драма театрлари залларида Музикали драма ва опера балет театрлари залларида	27+(Ч+Чав)к ўп бўлмасин 35+(Ч+Чав) кўп бўлмасин	Қўшимча ўринлар зонаси залларинини қўшимча ўйин майдончалари билан бирга ёки томошабинлар ўринлари зонаси транспорт (ўзгартиришга) мослаштирилган ҳолларда ва шунингдек 1500 дан ортиқ ўринли залларни лойиҳалашда ҳисобга олинади.
А	Ўринларни жойлаштириш зонасини чегараловчи тархдаги (пландаги) горизонтлар бурчак, град. А турдаги сахналар учун яхши кўринишда қоникарли кўринишда Б туридаги сахналар учун : -яхши кўринишда -қоникарли кўринишда	30 ⁰ дан кўп бўлмасин 30 ⁰ дан кўп бўлмасин 60 ⁰ дан кўп бўлмасин 90 ⁰ дан кўп бўлмасин	
В	Ўринларни жойлаштириш зонасини чегараловчи вертикал бурчак ўринларини жойлаштириш зонасидаги полнинг нишабини ҳисоблаш учун фокус нуқтасини белгилаш	36 ⁰ дан кўп бўлмасин	Бурчак чўққиси авенценанинг олди қиррасида олинсин.
в	Фокус нуқтасининг аванцена олди		Пол нишаби идеал эгри чизик асосида қўрилса

	киррасидан узоклиги, м. -драма ва музикалидрама театрлари залларида, м. -опера-балет театрлари залларида Балет театрлари залларида	0,9 1,3 2,5	қоидага биноан, яхши кўриниш лойиҳалаш зарурийдир. Полнинг нишаби тўғри чизикли ёки синик чизикларда кўрилса, балкон лоджиялар жойлаштиришига тўғри келса, шунингдек технологик вабошқа талаблар яхши кўринишга имкон бермаса ҳам лойиҳалашга рухсат этилади.
Вг	Фокус нуқтасининг ўйин майдони текислигида вертикал бўйича узоклиги, м. -драма ва музикали драма театрлари залларида яхши кўринишда Қониқарли кўринишда -опера-балет театрлари залларида томошабин кўз йўналган нуқтанинг олдинги қаторидаги томошабин кўзидан баландлиги, м.	0,7 дан кўп бўлмасин 1,1 дан кўп бўлмасин 0,9 0,14	Қўшимча ўйин майдонлари учун 1,5 дан кўп бўлмасин 2,0 дан кўп бўлмасин Кўриш нуқталари энг қисқа масофа орқали фокус нуқтасига қараб йўналган бўлади. Томошабин куз полдан 1,2 м баландликда бўлади.

Эслатма: 2000 дан ортқ ўринли заллар ва трансформацияланувчи (шаклни ўзгартирувчи) заллар учун А ва В параметрларни 20% га ошириш мумкин.

4. Колосниклар билан жиҳозланган сахна гуруҳлари театрининг вазифаси ва сизимига қараб, 3 жадвал асосида белгиланади.

**Колосниклар билан жиҳозланган сахна
гуруҳлари**

Театр гуруҳлари	Томоша залини Сигиши-одам	Сахна гуруҳи
1	2	3
Драма	600	0
	800	1
	1000	2
	1200	3
	800	1
Муסיқали драма	1000	2
	1200	3
Опера- балет	1200	3
	1500	4

Эслатма : 1. 3- жадвалда кўрсатилган нормаларига асосланган ҳолда сахна гуруҳларини бошқача тақсимлаш ҳам мумкин.

1. Колосниклар билан жиҳозланган сахна ҳоллари ва асосий элементларнинг ўлчамларини 4-жадвалга биноан олиш мумкин.

Эслатма : 1. Сахна ўйинни порталнинг ўлчамлари сахна жиҳозларининг ўлчамларини аниқлаш учун дастлабки асосидир.

2. Сахна аресцена ва ён сахналарнинг тарпхдаги ўлчамлари ўқ чизиклар белгиланган бўлиб, девор чеккалари бу чизиклари билан 0,2 м дан кўп бўлмаган фарқ билан боғланган, юзалари эса ёруғликда берилган. Портал ва чуқур ўлчамлари ёруғликда берилган.

3. Сахна баландлиги сахна полидан то колосникларнинг устки қисмигача олинган ён сахналар ва аръесцена баландлиги эса полдан юқори қават полигача олинган.

4. Аръесцена баландлиги аръесценанинг колосниклар устидаги қисмини ташкил этувчи баландликни ҳам ўз ичига олади. Бу баландлик 1,3 м дан кам бўлмаслиги керак.

5. Чегараловчи горизонтал бурчак қурилма порталнинг минимал ўлчамлари учун қўлланилади. Қурилма порталининг максимал эни Б вариантыдаги, каттайтирилган ёки трансформаловчи авансцена сахналари лойиҳалаш жараёнида қўл келади. Бундай ҳолларда сахна чуқурлигини 3 м гача қисқартириш мумкин.

6. Томоша залидаги креслолар ўлчамлари қуйидагича : Кресло эни (тирсакуснинг ўқ чизиклар) 0,5м

Чуқурлиги 0,42 м

Баландлиги 0,45 м.

Эслатма: 1. Креслоларнинг ўриндик ва суянгичлари театр комфортлигига ва томоша залининг акустик талабларига асосан юмшоқ ёки ўртача юмшоқ бўлиши керак.

7. Қаторда узлуксиз жойлашган ўринларнинг сони ва кресло суянгичлари ўртасидаги оралик ўлчамларини 5- жадвалга асосан ҳисоблаш керак.

5-жадвал.
Қаторда узлуксиз жойлашган ўринларнинг сони ва кресло суянгичларини ўртасидаги оралик ўлчамлари.

Ўриндикларнинг жойлашиши	Креслолари суянгичлари ўртасидаги оралик ўлчамлари м.	Қаторда узлуксиз жойлашган ўринларнинг сони (кўрсатилгандан кўп бўлмасин)	
		Қатордан бир томонлама чиқишда	Қатордан икки томонлама чиқишда
Қисқа қаторлар	0,9	12	24
Узун қаторлар	1	26	50

Эслатма : Ўриндикларни кўтариб қўйиш мумкин бўлган креслолар ўрнатилган бўлса, уларнинг суянгичлари орасидаги масофани 0,05м га қисқартиришга рухсат этилади.

8. Ҳар бир ложадаги ўриндиклар сони 12 дан, шунингдек полнинг текис сатҳидаги ўринлар қатори 2 дан ва зинали қисмидаги ўринлар қатори 3 дан ошмаслиги керак. Томоша зали полидан юқорида жойлашган балконлар, юқори яруслар конструкцияларигача ва томоша зали ичигача бўлган баландликларга нисбати 2:1 дан ошмаслиги зарур. Балконлар ёки юқори яруслар тўсиқларининг баландлиги 0,8м дан кам бўлмаслиги керак. Балкон ёки юқори ярус консоль қисмининг узунлиги ва пастки ўринлари жойлашган полдан балкон ёки юқори ярусгача бўлган баландликнинг ўзаро нисбати 2:1 дан кам бўлмаслиги зарур.

9. Колосниклар билан жиҳозланган сахнали театрлардаги оркестр хонасининг ўлчамлари 6 – жадвалга биноан олинади.

6 – жадвал

Театр турлари	Ўлчам м.
Хона эни залининг ўқ чизиғи бўйича қуйидаги ўлчамларидан кам бўлмаслиги керак	
А) драма ва муздрама театрларида	3
Б) опера – балет театрларида хона полидан авансцена полигача бўлган баландлик	2,1 – 2,4

Эслатма: 1. Авансценанинг оркестр хонаси устини эгаллаган қисми:

А) драма ва муздрама театрларида – оркестр хонаси энининг энг куйи билан ярмига.

Б) опера балет театрида – энг кўпи билан тўртдан бир бўлагига тенг ҳолда олинади.

2. Бошқа турида сахнали театрларда оркестр хонаси лойиҳалашга берилган топшириқ асосида олинади.

II. Авансцена сахна қизил чизигидаги оркестр ўрнашган чуқур чегарасигача бўлган эни 1,75м дан кам бўлмаслиги керак.

Эслатма: 1. Оркестр ўрнашган чуқурни йиғма тахталар ёки кўтарма пол ёрдамида вақтинча ёпиб қўйиш эвазига авансцена энини кенгайтириш имкониятларини ҳисобга олиб қўйган маъқул.

2. Авансценада декорацияларни жойлаштириш мумкин эмас.

10. Кичик (қўшимча) зал сифими асосий зал сифимининг 0,2:1 – 0,3:1 нисбатларида ёки қабул қилинган тартибдаги лойиҳа топшириғи асосида олинади.

11. Томошабинлар ўринларининг сахна четидан максимал у зоклиги ёки намоёнш майдончаси чегаралари (сахна юзи томошабин залидаги пол сатҳи билан тенг қилиб олинса) чуқур сахна вариантыда (томошабинлар сахнага нисбатан фронтал жойлашган) – 15м., уч томонли сахна вариантларида (томошабинлар сахна майдончасини қисман ўраб олган) – 9м., сахна арена вариантыда (томошабинлар сахна майдончасини ҳамма томонлама ўраб олган) – 6м., деб қабул қилинсин.

12. кичик (қўшимча) зал сахнанинг тури ва трансформацияланиши даражаси лойиҳалашга берилган топшириқ асосида белгиланади.

Эслатма : Кичик зални сахна майдони билан томошабинлар жойлашган зонани бирлаштирувчи яхлит театр майдони кўринишида лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир. Кичик залнинг сифимидан келиб чиқувчи ўз туридаги сахна ўлчамлари 7- жадвал асосида олинсин.

Трансформацияловчи залнинг (сахна билан биргаликда) бир томошабинга тўғри келадиган юзаси қабул қилинган трансформация воситаларидан келиб чиққан ҳолда 8- жадвал асосида олинсин.

13. Кичик залдаги сахна комплексининг кооперация қилиб бўлмайдиган хоналар таркиби ваюзалари 3 илова бўйича олинсин. Кичик залнинг барча турдаги трансформацияловчи сахналари, “эркин фазо” ли залларда эса фазонинг ҳамма қисми технологик жиҳозлар ва қурилмалар билан таъминланиши лозим.

14. Сахна арена ва ён сахналар сатҳлари бир хил баландликда бўлиб, яхлит горизонтал текисликни ташкил этиши керак.

15. Сахна ва ён сахналарга ҳажмий ва дасттохли декорациялар сақланадиган ҳолда баландлиги ён сахналар баландлигига тенг бўлган

ёрдамчи омборлар бириккан бўлиши керак. Ён сахналар асосий сахнадан овоз ютувчи пардалар ёрдамида ажратилган бўлиши лозим.

Саҳна ва ён сахналарида ҳажмий ва дастгоҳлик декорация сақланади. Омборхоналар билан бирлаштирувчи дарчанинг эни 2,5 бўлиб, баландлиги саҳна билан ён сахнани бирлаштирувчи дарча баландлигига тенг бўлмоғи лозим. Омборхоналарга декорацияларни бемалол олиб қириш ва олиб чиқиш учун дарчалари эни 2,5 дан баландлиги 4,5 м дан кам бўлмаслиги зарур.

16. Саҳна ва саҳна остидаги трюмдан эвакуация йўлларига ўтиладиган энг камида иккита чиқиш жойи бўлиши керак. Чиқиш дарчасининг эни 1,3 мдан баландлиги 2,3 мдан кам бўлмаслиги лозим.

17. Саҳнанинг ён ва орқа деворлари бўйлаб юқорида бир неча қават ёрдамчи галериялар ўрнатилиши зарур. Қаватлар сони 4-жадвал асосида олинсин. Энг қуйи галерияни арьерсцена даражасининг устки қисмидан 0,5 м баландлигида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ён деворлар бўйлаб жойлашган ёрдамчи галериянинг эни қуйидагича олинади. Галерияни кўтарувчи электр симлари унинг ўзига жойлашган бўлса, -2,8м. Электр симлари саҳна ортида жойлашган бўлса -2,0м. қўл ёрдамида кўтарилса-1,7м

Саҳна девори орқасида жойлашган ёрдамчи галериянинг эни 0,9м деб олинсин.

Саҳнанинг икки ён девори бўйлаб жойлашган галериянинг боғлайдиган осма кўприклар бўлиши лозим. Уларнинг эни 0,6м дан кам бўлмаслиги керак.

18. Саҳнанинг юқори қисмида саҳна порталига перпендикуляр равишда колосникли конструкция ўрнатилиши зарур. Оралиғи 0,05м.ли колосниклардан иборат бу конструкциядан декорацияларни кўтариб тушурувчи блок балонлар бўлиб, улар колосниклар устига текислигига нисбатан 1,9м дан кам бўлмаган баландликда порталга перпендикуляр ҳолда жойлашиши керак.

Колосниклар устидаги хонанинг баландлиги 2,4м дан кам бўлмаслиги лозим.

19. Саҳна остида баландлиги (полдан полгача) 2,4м дан кам бўлмаган трюм жойлашиши керак.

20 Саҳна пардаси ёпиқ ҳолатда ҳам авасцена саҳна билан боғланиб туриши керак. Бунинг учун порталнинг чап ва ўнг томонларидаги ёнгиш ўтказмайдиган деворлар ортида ёпиқ йўлакчалар бўлиши ва унга 1,3м дан ва баландлиги 2,3м дан кам бўлмаган эшик ўрнатилиши зарур.

Эслатма : Юзаси 1м² дан ва баландлиги 1,9м дан кам бўлмаган суфлер будкаси саҳна ўқида просцениум стида жойламоғи лозим.

21. Саҳнанинг қуйи қисмини унинг юқори қисми (ёрдамчи галарейлар) билан боғлаб турувчи катта зинапоя хонаси (колосникли) кўзда тутилиши керак. Уларнинг баландлиги трюм полдан колосникли

конструкциягача ёки полгача бўлди. Зинапоя хоналарида ёнғинга чидамли даражаси 0,75 С бўлган ўзи ёпиғувчи эшиклар ўрнатилиши зарур.

Эслатма: 1. Зинапоя хонасида трюмга ёки сахнага ёнғин ўтказмайдиган тамбур шлюз орқали чиқилади.

2. Колосниклар билан жиҳозланган сахнали, ва 1 гуруҳ театрларда зинапояларни пол, галереялар оралиғида ўрнатишга рухсат этилади. Бу зинапоя хоналари сахнанинг зинапоялари ёки эвакуация йўллари билан ёнғин ўтказмайдиган шлюзлар ёрдамида боғланиши керак.

Сахнадаги статик ва динамик ёруғликни бошқариш хонаси томошабин залининг орқа девори ортида жойлаштириш лозим. Хона ўқи қоидага кўра зал ўқиға нисбатан 4м дан ортиқ бўлмаслиғи керак.

Хонани шундай жойлаштириш лозимки, прожекторларни унинг оптик ўқлари сахнадаги девор порталнинг геометрик марказига қаратилиб, зал ўқидан 10° бурилган ҳолда ўрнатиш мумкин бўлсин.

Бу хонанинг томошабин деворида баландлиғи 1м дан кам бўлмаган, сурилиб очиладиган ойнали дарча бўлиши керак.

22. Сахна ва томошабин залидаги ёруғликни бошқаришга хизмат қиладиган аппаратхона томошабин залининг орқа девори ортида ёки шу деворнинг зал томонида жойлаштирилади.

Бу хона ўқи зал ўқиға нисбатан 4 м дан ортиқ сурилмаслиғи лозим.

Аппаратхонанинг поли, қоидага кўра, сахна полидан энг камида 1м ва энг кўпи билан 4м баландликда жойлашиши зарур. Бу хонанинг томошабин зали томонидаги деворида қисман ёки туйиқ очилиб ёпиладиган ойна жойлашиши керак. Бу ойна ўзидан 1м узоқликда тик туриб ишлаган ҳолда авансцена ва девор порталининг юқори қисмини кўриш имкониятини бериши керак. Ойна эни хона энининг 0,8 нисбатидан кам бўлмаслиғи зарур.

Эслатма: 1. Бошқариш аппаратхонаси арьерсцена устида ёки сахна деворига берилган жойларда ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу хонанинг поли биринчи ёрдамчи галерея поли+паст бўлмаслиғи даркор.

2. Сахна электрокабелларни шити ўрнашган хонани бевосита деворга бириккан жойларда лойиҳалаш зарур. Шит хонаси иккита бўлиши керак юқори ва қуйи механизация учун. Юқори механизацияга мўлжалланган хонанинг баландлиғи биринчи ёрдамчи галереянинг полдан паст бўлмаслиғи керак. Қуйи механизацияга мўлжалланган хонаси эса трюм чуқурлиғида жойлаштириш керак.

3. Трансформация подстанциясини театр биносини ўзида жойлаштириш мумкин.

23. Декорацияларни орқадан ёритувчи хонани (риопроекционная) сахна ўқи бўйича арьерсцена орқа деворнинг ортида жойлаштириш зарур. Хонанинг поли қоидага кўра арьерсцена полидан девор портали бўйининг ярмигача олинган баландликда бўлиши керак.

24. Овоз режиссери аппаратхонаси, диктор ва таржимонлар аппаратхонаси ҳамда овоз оператори хонаси ёки айвончаси, қондага кўра сахнанинг ўйин ижро қилинадиган қисмини кузатишни таъмирлаган ҳолда томоша зали орқа девори ортида ёки шу деворнинг залига ичкарасига қараган томонда жойлаштириш керак.

Эслатма: Овоз операторини томошабин залида айвонча шаклидаги хонада жойлаштириш мумкин.

25. Радио ва телевизион программаларни трансляция қилиш учун урта хона ажратилади: овоз режиссери аппаратхонаси, директор хонаси ва ярим стационар телевизион хонаси.

Эслатма : 1. Овоз режиссери аппаратхонаси ва директор хонаси ёнма-ён жойлаштириш керак.

2. Ярим стационар телевизион хонани театр биносининг цоколь қисмида ёки биринчи қаватда жойлашган бўлиб, ташқи муҳит билан боғлиқ бўлиши ва унинг ёнида кўчиб юрувчи телевизион станциясининг жойлаштиришга имкон яратиш керак.

26. Ўралган декорациялар сақланадиган сейф хонаси, қондага буюн, арьерсцена остида ёки сахна остида комплексининг ён томонларида жойлаштирилган хонасининг эни соф ҳолда 2,7м дан кам бўлмаслиги, баландлиги трюм баландлигига тенг ҳолда олиними , узунлиги ва девор порталидан 1,25 та ортиқ олинган нисбатта яна 2м кўшган ҳолда , сейф хонасидан чиқадиган эшик хонасининг икки чеккасидан ва сейф дарчаси ёнғинга чидамлилиқ даражаси 1ч бўлган, йиғиштириб очиладиган ёки юқорига кўтариб очиладиган қопқоқли бўлиши керак.

Эслатма: 1. Кўп зали театр учун артистлар хоналарининг сони ва юзалари белгиланган тартибга кўра лойиҳалашга берилган топшириқ асосида белгиланади.

2. Артистларни сахнага чиқиши олдида кутиш хоналарини сахна билан ёнма-ён жойлаштириш керак(сахна ҳаракатлари олтинчи пландаги зонасида), кўпзаллик театрларда эса ҳар бир намоиш комплекси олдида.

3. Машқ залларининг сони ва ўлчамларини 2 жадвалга кўра белгилаш керак.

Эслатма: Катта машқ залининг пропорциялари, шакли ва ўлчамлари шундай олиними керакки, унда сахнали ҳамда сахнадан энг камида 7м узокликда зал ўқи бўйлаб режиссернинг иш ўрнини жойлаштириш мумкин бўлсин. Катта машқ залидаги сахнанинг стационар поли зал полидаги энг кўпи билан 0,9м баландликда бўлиши шарт. Стационар планшетнинг шакли кўринишда (конфигурацияда) асосий залнинг сахна, авансцена ва оркестр хонаси билан биргаликдаги дам олиш зонасининг схемаси такрорланиши керак.

Максимал варианти асосий зал сахнасининг тенг бўлган доирани жойлаштирган ўлчамларини ва доира диаметрини 2 – 1м га камайтиришга рухсат берилади.

В) Катта машқ залнинг сахна баландлигини колосникли конструкцияни жойлаштириш учун 3,31 иловага биноан кўтариш мумкин. Кичик машқ залининг баландлиги 4,2м дан кам бўлмаслиги, машғулотлар ўтказиладиган хоналарини эса 3,3га тенг бўлиши керак.

6. Репетиция заллари артистлар хоналари яқинида жойлашиши шарт.

7. Ёнғиннинг олдини олувчи пост – диспетчер хонаси сахна юзи баландлигида ёки бир қават қуйида, ташқи эшик ёни зинапоё олдидида жойлашиши зарур. Бу хонанинг эни 3,5м дан кам бўлмаслиги керак. Уни табиий ёруғлик билан таъмирлаш муҳим аҳамиятга эга.

8. Сахнага хизмат қилувчи хоналар ўчдан ортиқ қаватларга тақсимланган бўлса, одамларни ташийдиган лифтни ўрнатмоқ зарур бўлади.

Г. Ишлаб чиқариш хоналари ва ёрдамчи омборлар.

1. Театрнинг ишлаб чиқариш хоналари ва ёрдамчи омборлари, қоида бўйича театр биноси майдончаси доирасида унинг яқинида жойлаштирилади. Баъзи ҳолларда эса бу хоналарни театрнинг асосий биносида жойлаштириш мумкин.

Шаҳарда бир нечта театр мавжуд бўлса, улар учун марказлашган умумий ишлаб – чиқариш устакхоналари қуриш тавсия этилади.

2. Рангтасвир – декоратив устакхоналарининг ўлчамлари 12 жадвал асосида аниқланади.

12 – жадвал

Рангтасвир –декоратив устакхоналарининг ўлчамлари

Сахнадаги ўйин порталининг мақбул эни, м.	Устакхоналарни ўлчамлари		Юзаси м ² да
	Узунлиги	Эни	
6	14	12	200
8	18	14	285
10	22	16	378
12	26	18	504
14	30	20	594

Эслатма: Рангтасвир – декорация устакхоналарининг баландлиги 5,6м дан кам бўлсамлиги керак. 3,6м дан кам бўлмаган баландликда бўйи 2м га тенг бўлган декорацияларни юқоридан кузатишга мўлжалланган кўприклар ўрнатиш зарур.

Кўприкларни фақат кўтариб турувчи конструкциялар габаритлари ва устакхона ораёпмалари чегараларида жойлаштириш мумкин.

3. Дурадгорлик ва слесарлик – механик устакхоналари ҳамда дасттоҳли декорацияларни монтаж қилиш хоналари ёнма – ён жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Устакхоналарнинг баландлиги 3,6м

бўлиши керак: дастгоҳли декорацияларни монтаж қилиш хонасининг баландлиги ён сахна баландлиги билан бир хил қилиб олинади.

Эслатма: Декорациялар монтаж қилинадиган хона билан дурадгорлик устахонасида девор ёки пойдевор қўймаса ҳам бўлади.

4. Декорацияларга ёнғиндан сақлайдиган моддани шимдириладиган, уларни ювиб қуритадиган ва бўяйдиган хоналарни яхлит блокда жойлаштириб умумий йўли билан таъмирлаш зарур.

5. Ҳажмий дастгоҳли ва ўраладиган декорациялар, бутафория ва мебелларни тақсимлаш мумкин.

Колосникли сахнага эга бўлган муқалли драма театри хоналарнинг таркиби ва ўртача

№	Хоналарнинг номлари	Хоналар юзалари м ²
А. Томошабин комплекси		
1	Касса вестибюли	50
2	Кириш вестибюли	50
3	Тақсимловчи вестибюль	250
4	Гардероб (сумка ва портфелларни ҳам сақлайдиган)	120
5	Кийим алмаштирадиган хона	40
6	Фоя	600
7	Кулуарлар	300
8	Тамаддихона	200
9	Тамаддихона хизматидаги озиқ – овқат тайёрлайдиган, идиш – товоқ ювиладиган, бўшаган идишларни сақлайдиган хоналар ва омборлар	50
10	Музей	100
11	Музей омборхонаси ва музей ишларини юритиладиган хона	60
12	Чекиш хонаси	50
13	Хожатхона	50
14	Касса навбатчи маъмурий ходим хонаси	20
15	Бош маъмурий ходим хонаси	20
16	Патта тақсимловчи ходимлар хонаси	20
17	Паттачилар, гардеробчилар ва фаррошлар дам оладиган хона	20
	“А” бўлими бўйича жами:	2140
Б. Намойиш комплекси		
1	Томоша зали (балкон, ярус, ложалар билан биргаликда)	650
2	Сахна	415
3	Арьерсцена	100
4	Ён сахналар	260

5	Оркестр гуруҳи (томоша зали майдонида)	54
6	Суфлер буткаси (трюм майдонида)	3
7	Овоз аппаратхонаси	3
8	Овоз оператори ўрни	7
9	Таржимон хужраси (милий театрларда)	6
10	Таржимон аппаратхонаси (3 хил тилдаги)	12
11	Овоз режиссери аппаратхонаси	15
12	Сухондон хужраси	6
13	Ёруғлик тушувчи хона	18
14	Саҳна ва зал ёруғлигини бошқарадиган аппаратхона	15
15	Киноаппаратхонаси (қаранг: СНиП П – 73 - 76) “Кинотеатрлар”	
16	Фронтал текислик бўйича чиқариладиган ёруғлик хонаси (девор портали эни ораллиги)	18
17	Фронтал текислик бўйича чиқариладиган ёруғлик хонаси (девор портали энидан ташқари)	12x2
18	Риопроекционная (оркадан ёритиш хонаси арьерсцена ортидан)	15
19	Саҳна ва зал ёруғлигини тартибга солиш аппаратхонаси	80
20	Трюм	415
21	Ўралган декорациялар сейфи	45
22	Саҳна машинисти	6
23	Ёнғиндан сақловчи пардани электр билан бошқариш хонаси (трюм майдонида)	20
24	Саҳна механизациясини электр билан бошқарадиган машина зали	144
25	Саҳнанинг юқори механизациясини электр билан бошқариш шити	60
26	Ҳаво ҳайдаб вентиляциялайдиган совутгич қурилма билан жиҳозланган машина зали	300
27	Иссиқлик пункти	50
28	Ёнғиннинг олдини олувчи пост – диспетчер хонаси	40
	“Б” бўлими бўйича жами:	2933

В. Саҳна комплекси

1	Артистлар хонаси (артистларнинг кийиниб ечинадиган хонаси)	340
2	Саҳнага чиқиш олдида кутуш хоналари (иккита)	30
3	Музыкачиларнинг дам олиш хонаси	15
4	Директор хоналари	10
5	Саҳнани ёритиш бўйича мудир	6
6	Саҳна хизматчиларининг дам олиш хонаси	25

	(декорациялар монтажчилари)	
7	Саҳнани ёруғлик билан таъминловчи хизматчиларнинг дам олиш хонаси	15
8	Саҳна машинисти	6
9	Саҳна хизматчилари учун чекиш хонаси	10
10	Хўжалик омбори	20
11	Саҳнанинг электр аппаратлари сақланадиган омбор	20
12	Саҳна машинисти омборхонаси	35
13	Кийим танлаш учун ёрдамчи хоналар (эркаклар ва аёллар учун)	25
14	Грим ва сартарошлик ишлари учун ёрдамчи хоналар (эркаклар ва аёллар учун)	30
15	Режиссёр ёрдамчисининг хонаси	8
16	Кийим – кечак сақланадиган хона	120
17	Ясама сочлар омборхонаси	10
18	Бутафория, мебель ва реквизит учун ёрдамчи омбор	40
19	Бутафория, мебель ва реквизит учун омбор	70
20	Ҳажмий ва дастгоҳли декорациялар омбори	240
21	Репетиция заллари	532
22	Артистларнинг машғулот ўтказиладиган хоналари	40
23	Музыка машғулотлари ўтказиладиган ва музыка асбоблари созлайдиган хона	20
24	Музыка асбоблари омбори	10
25	Овоз ёзиш студияси	30
26	Овоз ёзиш аппаратхонаси	16
27	Овоз ёзиш техник аппаратлари сақлайдиган омбор	15
28	Акс – садо хонаси (комната "ЭХО")	40
29	Бадий нутқ студияси	7
30	Фонетика (овоз аппаратхонаси учун)	10
31	Радио студияси	15
32	Технологик алоқалар аппаратхонаси	15
33	АТС ва электрон соат станцияси	15
34	Телевизион ярим стационар қурилмалар	15
35	Радио эшиттириш ярим стационар театрнинг ижодий, маъмурий-хўжалик ва муҳандислик ишларини бошқарувчи ходимларнинг хоналари	
36	директор	20
37	Директор муовини	12
38	Котиб ва иш бошқаруви	8
39	Хисоботхона ва кассир хужраси	20
40	Жамоат ташкилотларининг (иккита)	20
41	Театр архиви	8
42	Бош муҳандис	10

43	Техник ходимлар раҳбариятининг хонаси	15
44	Бош режиссёр хонаси	18
45	Бош дирежёр хонаси	15
46	Бош хормейстер хонаси	10
47	Бош балетмастер хонаси	10
48	Бош рассом хонаси	10
49	Режёссерлик (хонаси) бошқармаси	10
50	Труппа ва репертуар раҳбарлигининг хонаси	8
51	Саҳналаштириш бўйича мудир хонаси	8
52	Музыка ишлари бўйича мудир хонаси	8
53	Саҳналаштириш ишлари олиб бориладиган хона	10
54	Саҳна, хор ва балет инспекторлари хонаси	10
55	Ноталар кутубхонаси	25
56	Хўжалик мудирининг хонаси	8
57	Комендант	8
58	Врач ва инголяция хонаси	15
59	Аёлларнинг шахсий гигиенаси учун ажратилган хона	12
60	Театр хизматчилари учун тамаддихона	30
61	Тамаддихона хизматидаги озиқ – овқат тайёрлайдиган идиш – товоқ ювиладиган хоналар ва омборхона	22
62	Театр хизматчилари учун хожатхона ва душ хоналари	35
63	Фаррошлар ва ҳовли супурувчиларнинг меҳнат асбоблари сақланадиган омбор	4
64	Назоратчи хонаси	8
65	Вестибюль гардероб билан	30
66	Санитария – техника ишлари бўйича устахонаси ва слесар хонаси	20
67	Ремонт – қурилиш ишлари бўйича устахона	10
68	Санитария – техника асбоблари сақланадиган омбор	10
69	Электр ва механика жиҳозлари сақланадиган хона	20
70	Чанг тозалаш системасининг агрегатлари	20
71	КИП бошқармасининг пости	
72	Материаллар сақланадиган омбор	30
73	Ремонт – таътилатиш устахонаси (театрнинг ишлаб чиқариш хоналар бўлмаган ҳоллар учун)	70
74	Ҳавони суриб вентияция қиладиган камералар	130
75	Ёнгинга қарши ва хўжалик ишларида фойдаланадиган насос станцияси	60
76	Питлар жойлашган хона	40
77	Қурилмаларни тақсимлайдиган хона ва кичик трансформатор станцияси	90
78	Аккумулятор, заряд берувчи, электролит сақлаш	25

	хоналари ва шлюз	
	“В” бўлими бўйича жами:	3798
Г. Ишлаб – чиқариш хоналари ва қўшимча омборлар		
Бадний ишлаб – чиқариш устaxonалари		
1	Рангасвирли декорациялар тайёрлайдиган устaxона	378
2	Макет яшаш ва рассом учун ажратилган хона	18
3	Бўёқлар тайёрланадиган хона	12
4	Рангасвирли декорациялар устaxonаси учун зарур материаллар омбори ва елим қайнатиладиган жой	15
5	Трафалет ишлари бажариладиган хона	30
6	Бутафория хонаси	45
7	Дурадгорлик хонаси	80
8	Ҳажмий декорацияларни монтаж хонаси	125
9	Пайвандлаш хонаси	30
10	Ёғоч материалларни қуришти хонаси	12
11	Декорацияларга ёнгиндан сақлайдиган моддани шимдирган, уларни ювиб қуритадиган ва бўйайдиган хоналар	
12	Сахнани безайдиган обой ва драп тайёрлаш устaxonаси	30
13	Тиқиш-бичиш устaxonаси	60
14	Оёқ кийимларни ремонт қилиш устaxonаси	
15	Электр ва механик қурилмалар бўйича устaxона ва слесарь хонаси	40
16	Устaxonалар бошқармаси	20
17	Фотолаборатория	10
18	Майший хоналар (гардероб, хожатхоналар, душ хоналари)	35
19	Ҳажмий ва дастхонли декорациялар омбори	225
20	Ўралган декорациялар сейфи	45
21	Бутофория мебель ва резевит учун қўшимча омбор	60
22	Кийимлар омбори	80
23	Ёғоч материаллар омбори	20
24	Вентилация камералари (иссиқлик пункти билан)	50
	Жами “Г” бўлими бўйича	1550
	Жами “А,Б,В,Г” бўлимлари бўйича	8281
	Кичик залдаги сахна комплексининг мустақил хоналари, м²	
1	Овоз оператори хонаси	9
2	Сахна ва зал ёруғлигининг электр регулятори билан бошқариш аппаратхонаси (тристорная)	8
3	Керак механизация воситалари ва мебел сақлайдиган ёрдамчи омбор	60

4	Ҳажмий ва дастгоҳли декорациялар сақланадиган ёрдамчи омбор	60
5	Бутафория, мебель ва реквизит сақланадиган ёрдамчи омбор	23
6	Саҳнага чиқиш олдидаги кутиш хонаси	10
7	Артистлар пардозхоналари	32
8	Жами :	160

ЛОЙИҲА МАТЕРИАЛ ТАРКИБИ

1. Ситуация тархи
2. Бош тарх
3. Қаватлар тархи
4. Фасадлар (2)
5. Рарезы (2)
6. Перспектив кўриниши ёки макет
7. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хона интеръери.
8. Лойиҳанинг архитектура қисмини ёритувчи матн қуйидаги таркибда берилсин: а) кириш б) бош тарх, в) тарх таҳлили, г) архитектуравий ечим, д) асосий конструкциялар ва пардозлаш материаллари, е) техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Лойиҳа бажарилишини назорат қилувчи курслар:

1. Топшириқнинг берилиши
2. Ҳоянинг умумий чизмасини кўриб чиқиш
3. Умумий чизмани тасдиқлаш
4. Лойиҳани қаламда битказиш
5. Лойиҳани графика кўринишида ёки рангда тугатиш ва лойиҳани топшириш.

Адабиётлар

1. ШНК 2.08.02.09. «Общественных здания и сооружений» Т. 2009г.
2. «Конструкции гражданских зданий» М Стройиздат, 1968 г.
3. СНиП П -6075.Театры. Нормы проектирования, часть П.Глава 75 Москва .1980 г.
4. «Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений» Московский Архитектурный институт. Стройиздат Москва 1970 г
5. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. «Туар жой биноларининг типологик асослари ». Ташкент 2009 г.
6. ШНК.4.13.21.06. «Клубы, кинотеатры, театры, цирки» Т. 2006 г.

Тузувчи проф.Убайдуллаев Х.М.

5. “ХАЛҚАРО АЭРАПОРТ”

**мавзуси бўйича бажариладиган диплом иши лойиҳасига
Услубий қўлланма ва вазифалар дастури**

1. Умумий ҳолат.

Аэровокзал комплекси Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган катта ёки энг йирик шаҳарда қурилишига мўлжалланган. Лойиҳалаш олдида қўйилган вазифалардан бири у ҳам бўлса, йўловчилар учун энг қулай шароит яратиш, хизмат кўрсатиш максимал даражада технологик ечимга рентабеллиги юқори бўлган шаҳар ва республиканинг эшиги бўлган, қайтарилмас даражадаги архитектура қиёфасига эга бўлган бино яратишдан иборат. Бундай аҳамиятли вазифа, Ўрта Осиё климатик шароит хусусиятларини, бадний ва миллий анъаналарни ўзида мужассамлашмоғи лозим.

Ушбу комплекс кишки -15° га совуққа ва 8-9 баллиқ зилзилага бардошлилигига мўлжалланган районларда қуришга тавсия этилади. Бино 1- даражалик жавобгарликка эга.

2. Бош режага қўйилган талабалар.

Аэровокзал комплекси шаҳардан 30 км кам бўлмаган чегарада экологик ҳавсизликни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш тавсия этилади. Шаҳардан аэровокзалгача аэродом билан боғлаб турувчи 30 минутлик тез ҳаракатланишга эга бўлган автомобил йўл бўлиши лозим.

Одатда аэропорт биноси шаҳардан ташқарида махсус ҳудудга жойлаштирилади. Бундан ташқари аэровокзал ва аэродом биноси олдида вокзал олди майдончаси перронга кириш эстакадаси транспорт тўхташ жойи, транспорт туриш жойи, хўжалик қурилиши, меҳмонхонага кириш-чиқишни назорат қилиш пункти, дам олиш жойи, йўловчиларни кутиш жойи, дўконлар, киоскалар, ёзги кафе, кўкаламзор, микроклим, дистпечерлик бошқарув пункти, почта-юк тарқатиш комплекси ва бошқаларни лойиҳалаштириш лозим.

Бош режа комплексининг ечими фақатгина ташқи шаҳарсўзлик, табиий омиллар ажратилган майдоннинг томонларига бўлибгина қолмай, унинг хизмат кўрсатиш имкониятларига, комплекснинг таркибига, вокзал билан самолётлар ўртасидаги боғлиқлиги аэровокзалдан йўловчиларга қандай хизмат кўрсата олишига, ҳамда юкларни етказиб бера олиш каби кўплаб омилларга боғлиқдир.

Шу билан бирга аэровокзал комплексининг кейинчалик кенгайтириш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бош режани ечимини ҳал қилишда ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда, аэровокзал биноси ва хизмат кўрсатувчи блокларни минимал лойиҳавий ечимга эга бўлсада, самолётларни йўловчилар билан максимал даражада тўлдириши имкониятларини ҳам ёдда тутиш лозим.

3. Архитектуравий –режалаштириш ва технологик ечим.

Бир вокзаллик комплекслар (мажмуа) қуйидагилардан иборат:

- бошқарув хоналар;
- заллик хоналар : кассалар, транзитлар, юклар, охирги кўриқдан ўтказиш йўловчиларни тўплаш, интуристлар зали, юкларни йиғиш хонаси ҳамда операцияларни амалга ошириш заллари;
- овқат тайёрлаш блоки, ресторанлар йўловчилар овқатларини комплекшлаш, каватлар аро буфетлар;
- учирни бошқариш хизмати;
- алоқа хизмати, оби-ҳаво хизмати;
- дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш муасссалари;
- она ва бола ўйнаш хоналари;
- санитарлар хизмат хонаси;
- ортиладиган юклар ва почта юклари хизмати;
- охирги кўриш хизмати (чегарачилар, таможниклар);
- маиший хоналар, покланиш хоналари чекиш хонаси ва ҳоллар;
- лифтлар, эскалаторлар, зиналар, пандуслар, транспортёрлар;
- техник хоналар;
- технологик хоналар.

Вокзал биносини лойиҳалашда йўловчилар ва транспорт оқимларини ажратиш қондасини унутимаслик шарт.

Йўловчилар ҳаракат йўлининг бир функционал зонадан иккинчисига ўтиши минимал даражада қисқа бўлиши лозим. Шу сабабдан функционал зоналарни жойлаштиришда вертикал ёки горизонтал ҳолатларда унинг технологик талабларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Режа ечимида турлик конфигурациялар (томон шакли) мавжуд: - чизиклидан тортиб, учбурчак, ярим айлана ва доирагача.

Чизикли ечимининг имконияти шундаки, комплексни кенгайтириш мумкин бўлади.

Бошқа ечимлар эса, авиалайнерларни туриш жойларини кўпайтириш имконини беради.

Транзит йўловчилар учун мукамал бўлган шаронт яратиш катта аҳамиятга эга.

Келувчи йўловчилар учун ўз юкларини олишга кам вақт сарфлаши ҳамда транспорт тўхташ жойига жуда яқин бўлишлигига эришмоқ зарур. Транспортдан тушувчи ва учувчи самалётгача бўлган оралик йўловчилар узунлиги ва регистрациягача бўлган масофа ҳам ўта қисқа бўлгани муҳим рол ўйнайди.

Вертикал даражадаги йўллар ҳам, зиналар, лифтлар ва эскалаторлар билан қўлай ҳолатда боғланган бўлиши лозим.

Фаслнинг давоми иссиқ вақтларида тепаси берк бўлган очик галереядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ресторан ва маиший хизмат кўрсатиш блокларини бино ичида ёки алоҳида ҳажмда бўлиши ҳам мумкин.

Энг муҳим шартлардан бири йўловчиларнинг ҳавфсизлигидир.

Барча ушбу тадбирларга визуал коммуникациялар(кўрсаттичлар, таблолар, осма ҳолатдаги ёзувлар ахборот экранлари) хизмат кўрсатади.

4.Конструктив ечими ва пардозлаш ашёлари.

Аэровокзал биноси асосан каркас конструкцияларидан бунёд этилади. Бу эса ўз навбатида қайта режалаштириш, кенгайтириш ва максимал тарзда йиғиш имкониятини беради.

Каркас тизими ички бўшлиқни залларга тўсиқлар орқали эса комплексларни керак бўлганда кичик бўлимларга ажратиш мумкинлигини таъқозо этади. Асосий затни ёпишда катта ораликқа эга бўлган фазовий конструкциялар-вант симлар, қабарикли, гумбазли, структуравий плиталар, армоцментли монолит (қуйма) конструкциялардан фойдаланилади. Бинонинг (антика) такрорланмас қиёфага эга бўлиши учун эса индивидуал конструкциялардан фойдаланиш мумкин.

Шунга қарамасдан иложи борича максимал равишда ярим йиғма конструкция бўлакларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи безатиш ишларида узоқ муддатга хизмат кўрсатувчи ашёлардан – гранит, мрамор, травертин, текстурали бетон, пардозланган ғишлардан фойдаланиш мумкин.

Ташқи ва ички безатишларида эса, монументал санъат элементларидан, кичик шакллардан, таблолардан, визуал коммуникацияларидан фойдаланиш лозим.

Лойиҳа таркиби.

1. Ҳолатий тарх-режа М 1:2000, 1:1000.
2. Бош режа кириш жойлари ва ободонлаштирилган ҳорлатдаги кўринишда М 1:500
3. Қайтарилмаган қаватлар режаси М 1:100-400
4. Фасадлар (тарзи) -2М 1:100
5. Қирқимлар -2 М 1:100
6. Перспектива ёки макет.
7. Тушунтириш хати: кириш, бош режа ҳақида, асосий режалаштириш ғояси, архитектуравий –бадий ечими конструкция ва безатиш ашёлари, техникавий –иқтисодий кўрсаттичлар

Аэропорт биносининг таркиби ва хоналарнинг майдони (м²)

1	Учиб келувчи йўловчилар заллари	1360
2	Ҳурматли меҳмонлар келиши учун мўлжалланган салон	190
3	Супермаркет	100
4	Юқларни бериш сектори	290

5	Самалётдан юкларни қабул қилиш хонаси	70
6	Ортиқча юклар хонаси	70
7	Автоматик сақлаш камералари	290
8	Ҳар бир секторда ўз транспортрига эга бўлган юкларнинг бўлими	1350
9	ПГС почта қабулхонаси	150
10	Контейнерларни сақлаш хонаси	200
11	Кечиктирилган рейсларнинг юklarини сақлаш омборхонаси	150
12	(СОПТ) Юк ташувчи – почта хизмати ташкилоти ва (СОП) йўловчиларни ташувчи ташкилотларнинг хизмат хоналари	480
13	Маълумотнома берувчи хизмат хонаси	140
14	Операция (барча ташкилий ишларни бажарувчи) зали	1770
15	Покланиш хоналари	120
16	Чекиш хонаси	110
17	Холлар	300
18	Тиббий хизмат кўрсатиш хонаси	80
19	Ресторан	350
	Жами:	9400

2 қават.

1	Хизматлар хонаси	192
2	ПГС хизмати хонаси	180
3	Покланиш хоналари юз – қўл бвиш жиҳози билан	196
4	эстакада	72
5	Эстакаданинг пиёдалар қисми	386
6	Автобуслар туриш жойи	350
7	Эстрада бар билан	350
8	Лифтлар	20
9	КПП (Назоратдан ўтказиш пункти НУП)	15
10	ПДСП бошлиқ хонаси	22
11	Авиавкомпаниянинг вакили секцияси	288
12	ПДСП нинг дисплей зали	120
13	ПДСП маиший хонаси	28
14	Холл	18
15	Аниқлик киритиш хонаси	120
16	Чегарачилик хизмати	150
	Жами:	2735

Пастки қават (Цокол) қисми

1. Пандус, кириш – чиқиш ва ўтиш жойлари.

2. Техник хоналари.
3. Халқаро транзит юкларни сақлаш омборхонаси СОМП (служба организации международных перевозок).
4. Юкларни омборхоналарга етказиб берувчи (ер остки, устки) транспортёрлар - 2870

Ресторанининг ёрдамчи ва омборхона хоналари.

1	Бўшаган ювиш жиҳозлари омбори	36
2	Инвентарларни (жиҳозлар) сақлаш хонаси	36
3	Юк тушириш жойи	36
4	Омборхона мудир	20
5	Курук маҳсулотларни сақлаш хонаси	20
6	Ичимликларни сақлаш хонаси	20
7	Сабзавот, тузламаларни сақлаш хонаси	20
8	Музлатгичлар камераси	120

3 қават.

1	Ресторан зали (Европа ошхонаси)	650
2	Ресторан зали (Шарқона ошхона)	650
3	Вестибюль	250
4	Хўррандалар гардероби	150
5	Хўррандалар учун хожатхона	96
6	Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хожатхона	24
7	Қайта тайёрлаш цехи	72
8	Сервизлар (тоза идишлар) хонаси	18
9	Дастурхон анжомларини сақлаш хонаси	27
10	Хизматчи ходимлар хонаси	27
11	Официантлар гардероби	22
12	Ходимлар гардероби	22
13	Ишлаб чиқариш хонаси	36
14	Директор муовини	14
15	Кадрлар бўлими бошлиғи (КБ) хонаси	10
16	Кадрлар бўлими билан архив	28
17	Ёнғиндан сақлаш пости	12
18	Сантехник ва электрик хонаси	12
19	Рухий соғломлаштириш хонаси	27
	Жами:	2207

Йўк

Шаҳар транспортдан ўтказиш fronti

Чипталар мавжудлиги

Касса

Ҳа

Марказлаштирилган регистрация ва
юкларни расмийлаштириш

Йўк

Аэровокзалнинг перрон қисми
стерилизацияланган

Ҳа

Транзит ва трансферлик йўловчилар	Кутиш зали	Марказлашган махсус кўриқдан ўтиш	Трансферли йўловчи
---	------------	---	-----------------------

Тўплаш (йиғиш)зали
олдида
марказлаштирилмаган
махсус кўриқдан ўтиш

Кутиш зали

Транзит
йўловчи

Тўплаш (йиғиш) зали

Йўловчиларни жойлаштириш

Трансфер юклар

Самолёт аэровокзал
олдида

Юкларни
комплектлаш

Автобус перонни

Ҳа

Самолёт

МАРКАЗЛАШГАН ТИЗИМДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАЪМИНИ

Адабиётлар:

1. КМК – 2.08.04 – 96 – Общественные здания.
2. КМК – 2.09.04 – 09. Административные и бытовые здания предпретций.
3. ШНК. 4.13.71 – 06. Объекты гражданской авиации.
4. ШНК. 3. 06.06 – 07. Аэродромы.
5. Архитектурные проектирование общественных зданий и сооружений. М.Стройздат – 1986г.

Тузувчи : проф. Убайдуллаев Х.М.
проф. Абдурахмонов Й.И.

Меъморий атамаларнинг ислоҳи лугати

Акрополь – қадимги греклар шаҳрининг тепалиқда жойлашган ва мустаҳкамланган қисми;

Ампир – Ғарбий Европа архитектурасидаги сўнгги классицизм услуги (XIX асрнинг биринчи чораги). Францияда Наполеон I империяси даврида пайдо бўлган; бу услубга классик монументал шакллар хос; Қадимги Римдаги декоратив элементларга мурожаат этилади. Баъзида XIX асрнинг 20-30 йилларидаги рус классицизмининг ўзига хос бўлган вариантини ҳам “ампир” деб аташади.

Антаблемент – ораликни ёпувчи тўсин ёки деворнинг архитрав, фриз ва карниздан иборат бўлган юқори қисми.

Анфилада – бир ўқда жойлашган ва эшиклар орқали боғланган хоналар ва залларнинг қатори;

Аркада – бир хил равоқ (арка) ларнинг қатори;

Равоқ (арка) – девордаги ўйиқ ёки икки устун оралигининг эгри чизикли ёпилмаси;

Аркбутан – бионинг ташқарисида жойлашган ҳолда гумбазнинг юқини устунга (контрфос)ларга ёйиб берувчи ташқи таянч равоқ.

Архитрав – асосий тўсин, антаблементнинг қуйи қисми;

Атлант – тўсинли ёпилмани кўтариб турувчи вертикал устун вазифасини бажарувчи эркак киши фигураси;

Атриум – Антик Рим турар жой биносидagi юқоридан ёритилувчи асосий хона;

База – устуннинг қуйи қисмидаги таянчи;

Базилика – устунлар ёрдамида бир нечта нефларга бўлинган чўзинчok тўртбурчак шаклдаги бино.

Ўртадаги асосий неф ён томондагилардан баландроқ базилика Қадимги Римда пайдо бўлган. Кейинчалик базилика христиан ибодатхоналарининг кенг тарқалган композицион турига айланади.

Балюстрада – устки қисмлари плита, перила билан боғланган устунча (балясина)лардан ташкил топган балкон ва зинапояларнинг тўсиқлари;

Балясина – балюстаданинг вертикал устунчаси;

Барокко – декоратив серҳашамлиги, динамикилиги, шаклларнинг мураккаблиги ва қирраларининг эгри чизикли эканлиги, манзарали гасвирларга бойлиги билан ажралиб турувчи XVI аср охири-XVIII аср ўрталаридаги бадиий ва архитектуравий услуб;

Блок – секцияли услуб – уйларни индустриал қуришнинг замонавий услуги. Бунда деталларнинг комплекти бутун уй учун эмас балки унинг бир қисми бир қанча хонадонларни зинали –лифтли тугун билан бирлаштирувчи яъни блок – секция учун тайёрланади. Турли блок – секцияларни комбинациялар асосида бирлаштириш орқали мураккаб конфигурацияли, ҳар хил қаватга эга бўлган уйларни қуриш мумкин.

Уларни берилган майдон шароитларига осонгина мослаштириш, энсиз тўртбурчак шаклидаги аъъанавий уйлاردан кўра кўпроқ архитектуравий бадиий сифатларга эга.

Вантлар – эгилган ҳолда тортилган қайишқоқ элементлар одатда осма конструкцияларни (катта ораликли ёпилма ва кўприкларни) маҳкамлашда қўлланиладиган пўлат трослар.

Витраж – шишадан ясалган декоратив композиция. Готика соборлардан интерьер деразаларда рангли витражлар ёруғликни турли рангларда товлантирган. Замонавий архитектурада “витраж” сўзи бино тарзининг шиша билан тўлиқ қопланишини англатади. (Кўп ҳолларда конструкцияларда металл панжаралар).

Готика – XII асрда Францияда пайдо бўлган ва ўрта асрларнинг охириларида бутун Ғарбий Европада кенг тарқалган архитектуравий услуб. Архитектуравий шаклларнинг вертикал ритмга бўйсунганлиги билан, қовурга (нервюра)ларда ўрнашган ўткир учли гумбазлари билан, тошга ўйилган нақшлари ва ҳайкалли безаклари билан ажралиб туради. Готика соборида учи ўткир гумбаз ёрдамчи равоқ аркбутанлар орқали ташқи устунга (контрфорс)ларга таянади.

Доминанта – архитектуравий мажмуанинг бош биноси; архитектуравий композициянинг вертикал акценти.

Даромадли уй (доходный дом) – хонадонлардан ташкил топган кўп қаватли ижарага бериладиган уй. XIX асрнинг охирида Москва ва Петербургда кварталнинг периметри бўйлаб зич жойлаштиришга мўлжалланган куруқ кўринишидаги ҳовлига эга бўлган даромадли уйнинг махсус тури шаклланган.

Коммуна уйи фаол ижтимоий хизмат кўрсатишга мўлжалланган турар жой биноси.

Коммуна уйи 20-30 йилларда совет архитекторлари томонидан “келажак порлоқ” турар жой тури деб лойиҳа қилинган. Коммуна уйлари таркибидаги минимал турар жой ячейкаларининг майдонларини камайтириш, тежаш ҳисобига ижтимоий функцияларни бажарувчи хоналар – ошхона, болалар боғчаси ва яслиси, кир ювиш хоналари, клуб хоналари, хўжалик хоналари ва бошқаларнинг сони кўпайтирилган. Давр шуни кўрсатадики, онгли турмушни коммуна уйлари асосида “жамоат турмушига” алмаштириш ғояси ҳам хаёл бўлиб чиқди ва амалга ошмади.

Олтин кесим – АС кесимни икки қисмга шундай нисбатда бўлиш назарда тутиладики, унинг катта қисми АВ кичик қисми ВСга қандай нисбатда бўлса, АС кесимнинг ўзи ҳам АВ кесимга шу нисбатда бўлади (яъни, $AB:BC = AC:AB$). Бу нисбат тахминан $5/3$ га тенг, аниқроғи $8/3$, $13/8$ ва ҳ.к.. Олтин кесим қондаси кўп ҳолларда архитектура иншоотининг қисмлари ўртасида мукаммал мувозанатга яқин нисбатларни топиш учун қўлланилди. “Олтин кесим” атамасини Леонардо да Винчи киритган.

Интерьер – бионинг ички кўриниши.

Каннелюра – устун танасидаги вертикал чуқурчалар, каннелюралар устун сифатида соялар ўйинини ҳосил қилади.

Капитель – устун (ёки пилистр) нинг юқори қисми бўлиб, унинг танаси ва горизонтал тўсин – антаблемент ўртасида жойлашади.

Карниатида – тўсинли ораёпилмани кўтариб турувчи аёл танаси кўринишидаги вертикал таянч.

Каркас – бионинг юк кўтарувчи асоси, алоҳида стерженлар – таянчлар ва тўсинларни бир – бирларига боғлаш натижасида ҳосил бўлади.

Карниз – антаблементнинг энг юқори қисми, деворнинг бўртган горизонтал қисми бўлиб, уни ёмғир сувидан сақлайди ва бино томини кўтариб туради.

Классицизм – XVII – XIX аср бошларидаги архитектуравий услуб; у антик архитектура асосида шаклланган. Классицизмга содда геометрик шакллар, тархнинг мантикий ечимлари, симметрик ечимлар, деворни ордерлар тизими билан боғлаш, безакларнинг вазминлиги хос.

Консоль – битта учи (охирги қисми) берк ҳолда маҳкамланган конструкция элементи бўлиб, у таянч чегарасидан чиқиб туради: ундан бионинг чиқиб турадиган қисмларини (балконлар, карнизлар, соябонлар) ушлаб туришда фойдаланилади.

Конструктивизм – совет архитектураси ва 1920 йиллардаги санъат йўналиши; у индустриал ишлаб чиқариш ва машинали технология, оддий (содда), мантикли, функционал жиҳатдан мақсадга мувофиқ формалар билан характерланади. Ака-ука Л.А. Веснин ва А.А. Веснин, М.Я. Гинзбург, И.И. Леонидов конструктивизмнинг таникли намоёндаларидир. Улар Замонавий Архитектура жамияти аъзолари бўлишган.

Контрфорс – деворнинг веритикал чиқиб турувчи қисми ёки иншоотни ёпиб турувчи сводларнинг ён тиргакларидан тушадиган юкларни қабул қиладиган вертикал таянч.

Кубизм – XX аср бошларидаги тасвирий санъатнинг модернистик оқими. Рассом – кубистлар (мусаввир-кубистлар) учун формаль эксприментлар характерли бўлиб, бу эксприментлар ҳажмли формаларнинг текисликда конструкциялашувчи, реал ҳаётда учрайдиган мураккаб формаларнинг оддий геометрик ҳажмлар (куб, конус, цилиндр) га ажратилиши (ёйилиши). Кубистларнинг тажрибалари XX асрнинг бошларидаги ғарб архитектурасининг ривожига катта таъсир кўрсатади.

Метоп – тўғри бурчакли плиталар бўлиб, *доритик ордер фризали триглифлари* (учли глифлари)нинг такрорланишидан ташкил топган безаклар билан қопланган.

Модерн – XIX аср охири – XX аср бошлари архитектурасидаги услубий йўналиш. У янги техник – конструктив воситалар, барча элементлари ягона арнаментал ритм ва образли-символик ғояга бўйсунадиган индивидуаллашган бино яратиш учун эркин лойиҳалаш билан узвий боғлангандир. Францияда бу услуб “ар нуво” (“янги санъат”)

номи билан, Германияда – “ювендстиль” (“ёш стил”), Австрияда – “сецессион” (“рассом”) номи билан ривожланган ва кенг тарқалган. Х. Ван де Вельде (Белгия), П.Ольбрих (Австрия), Ч.Р. Макинтош (Англия), А. Гауди (Испания), О.Н. Шехтель (Россия).

Модулб – Иншоот ва унинг қисмлари ўлчамларининг қаррали нисбатларини ифодалаш учун қабул қилинган бошланғич ўлчов бирлиги. Қуйма бетон (темирбетон)–бевоста қурилиш майдонида бажарилиб, ечиладиган формага (опалубкага) қуйилиши орқали бир бутун ҳолатда ҳосил қилинадиган конструкция.

Нервюра–ниқиб, турувчи стрелъчат-чотик своднинг профили қовурғаси (реброси).

Неф (тўлиқ айтилганда “корабль” маъносини англатади)– базилики ёки христиан храмнинг бўйламли қисми, нефдан колоннадо ёки аркадо орқали ажратилади. Одатда храм анча кенгроқ ва баланд бўлган ён нефларга ажратилади.

Облочки (қобик)– юпка қалинликка эга бўлган катта оралиқларни ёпадиган конструкция; бетон, темирбетон, синтетик плёнки ва бошқа материаллардан тайёрланади, эгри чизикли контурга эга бўлиб улар сферик, цилиндрик ва бошқа кўринишларида бўлади.

Опалубка – бетонли ва темир бетонли конструкцияни ҳосил қилишда ишлатилади форма бўлиб, унинг ичига арматура ва бетон қоримаси жойлаштирилади.

Ордер –устун –тўсин конструкцияларнинг юк кўтарувчи (калоннанинг капителли, базаси.) ва осилиб турувчи (несомых; - архтрав, фриз ва карниз) қисмларнинг ҳада уларнинг бадий жихатдан ишланишининг маълум шароитида ўзаро жойлашуви. Классик ордерли система антик Грецияда пайдо бўлган бўлиб, уларнинг доритик, ионик ва корнифик турлари мавжуддир. Доритик ордернинг колоннаси (устуни) базага эга эмас, унинг капители эҳиндан яъни планидаги кўриниши доирасимон “ёстиқча” (“подушка”) дан ташкил топган, қавариқ (шишиб турувчи) эгричизикли профил шаклига эга, унинг тагида ясси квадрат плита – абака фриз жойлашган бўлиб, бу плита горизонтал бўйича триглицлар ва метопларга ажратилган. Ионик ордер базали хушбичим калоннагап эга бўлиб, унинг капителли иккита йирик ўрамдан (завитка) волют, фриздан ташкил топган, бу валют ва фриз аксарият ҳолларда рельеф билан тўлиқ қопланган бўлади. Коринф ордери аканфа барглари ва катта бўлмаган валют барглари қаторларидан ташкил топган “дўмбок” 5.Капители билан бошқа ордерлардан ажратиб туради.

Палаццо –сарой, кўрғон.

Паруса– сферик учбурчак формасидаги (шаклдаги) гумбазли конструкция элементлари бўлиб, улар пландаги кўриниши квадрат шаклдаги гумбаз ости бўшлиғидан (кенглигидан) айланасимон бўшлиққа ўтишини таъминлайди. Бундай ўтишини таъминлашда квадрат

томонларига арklar тикланади, аркалар ва гумбазлар орасидаги бўшлиқлар паруслар билан тўлдирилади.

Периптер – қадимги грек храмларининг асосий тип: пландаги шакли тўғри бурчакли тўртбурчакдан иборат бўлган бино, унинг тўрт тала томони колоннадалар билан қўраб олинади.

Перистиль – тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги сарой, боғ, майдон бўлиб, улар тўрт тала томондан ёпиқ коллондалар билан қўраб олинади.

Перспектива – инсон томонидан қўриш орқали предметларни қабул қилишга мувофиқ тарзда предметли оламнинг тасвирий системаси (тизими); архитектуравий чизмалар ва тасвирий санъатда перспективадан иллюзорли кенгликни қўриш учун фойдаланилади.

Пилон – қадимги Исроил храмларида қириш жойларининг икки томонида тикланган кесик пирамида шаклидаги минорасимон иншоот. Замонавий архитектурада том ёпилмаларининг таянчлари сифатида хизмат қиладиган массивли устунлар (столбалар) пилонлар деб аталади.

Пиләстра – девор сиртидаги тўғри бурчакли кесимга эга бўлган ясси вертикал чиқиб турувчи қисм: колоннада бўлгани каби пиләстрда ҳам тана, капител, база, каби қисмлар бўлади, улар девор текислигини қисмларга ажратиш учун хизмат қиладди.

Пластика – хуш бичимлилик, иншоотга ҳажмий – фазовий формаларнинг елимланиши, фасаднинг деталлаштирилиши.

Подклеть – Рус ёғоч ва том – гишт бинолари архитектурасидаги турар – жой, храмларнинг пастки қавати, бу қават одатда хизмат қўрсатувчи – хўжалик вазифаларини ўташга мўлжалланган.

Порталь – 1) бионинг архитектуравий безатилган қириш қисми: 2) сахнани томоша залидан ажратиб турувчи архитектуравий тўсиқ.

Портик – колланалар ёки устунлар билан чегараланган галерея бўлиб, одатда бинога қириш жойи олдига жойлаштирилади.

Постмодернизм – замонавий ғарб архитектурасидаги оқим. Постмодернизмнинг вужудга келиши функционал – техникластик қарашларнинг инкирозга учраши билан боғлиқдир; унга тарихий архитектура намуналарини “элакдан ўтказиш” (цитирование), ягона, пухта аниқланган ғоявий – бадий платформанинг етишмаслиги характерлидир.

Пропилен – асосий (парадный) ўтмиш жойларининг симметрик портиklar ёки колоннадалар билан қамраб олинishi.

Пропорция – ўлчамларнинг мувофиқлиги, бир бутунликни ташкил этувчи қисмларнинг бир- бири орасидаги нисбат ва уларнинг бутунига нисбатан аниқ бир нисбати.

Рационализм – индустриал давр (эра)нинг техник ривож ва эстетик талабларига жавоб берадиган лаконик, динамик архитектуравий формаларни излашга боғлиқ бўлган 1920 йиллардаги совет архитектурасидаги йўналиши. Рационализм принципларини совет архитектурасининг “Аснова” (Ассоация новых архитекторов – янги

архитекторлар ассоциацияси) деб номланган гуруҳи ривожлангандир. Н.А. Ладовский, К.С.Мельников, В.Ф.Кринский ва бошқалар бу гуруҳ намоёндаларидандир. Кенг маънода 1920-1960 йиллар архитектурасидаги замонавий ҳаракат вакилларини рационалистлар деб аташади.

Реконструкция – бино ва иншоотларни, кўчалар, майдонлар, шаҳарнинг режавий структурасини қайта қуриш, модернизациялаш, янгилаш. Реконструкция авваломбор биноларнинг тарихий равишда ташкил топган қиёфасини, шаҳар муҳити характерини сақлашни кўзда тутди. Реконструктив ёндашувнинг мақсади ва характерига боғлиқ ҳолда реконструкция, реновация, реабилитация, реваларизация ва бошқаларга ажратилади.

Реставрация – биноларнинг дастлабки яъни бошланғич (ёки бошланғичга яқин бўлган) кўринишини тиклаш.

Ритм – архитектуравий иншоот ёки иншоот элементларининг такрорланиши, қайтарилиши, уларнинг фазовий кенгликда жойлашиш таркиби.

Роман архитектуараси – X – XIII аср архитектуравий услуби. Бу архитектура маънос, қалъа характерига эга бўлиб, монастрлар, черковлар, қўрғон, қалъаларда ўз аксини топган. Бу стиль учун архитектуарвий декорнинг ярим афсонавий мотивлари характерили бўлиб, унда халқ оғзаки ижодига кирувчи ҳайвонлар, ўсимликлар тасвирланган.

Руст – бино деворларининг кўпол йўнилган тошлар ёки чиқиб турувчи сиртлар (бўртиб чиққан юзлар) билан пардозланиши.

Свод – фазовий кенгликни ёпувчи конструкция бўлиб, ундан иншоот оралиқ том ёпилмалари ёки том ёпилмалари сифатида фойдаланади. Свод қабарик эгри чизикли чизикли формага (шаклга) эга бўлади. Цилиндрик, крест симон, гумбазли сводлар учрайди.

Замонавий архитектура – XX аср архитектурасининг асосий йўналиши (баъзида “интернациональ стиль” деб ҳам аташади.) бўлиб, бу архитектура XX асрнинг 20 – 60 йиллари оралиғида ривожланади ва замонавий ижтимоий эҳтиёжлар, эстетик талаблар, саноат технологияси даражасига жавоб бера оладиган янги архитектуравий услублар ишлаб чиқилди. Замонавий архитектуранинг бош шиори – бу архитектуравий форма, конструкциялар ва функционал шарт –шароитланган фазовий структуранинг бирдамлиги (яқдиллиги)дир. Замонавий архитектура ҳаракатининг Германиядаги асосчилари “Байхауз” архитектура мактабининг намоёндалари: - архитекторлар – В.Гропиус, Л. Мис ван дер Ро ва бошқалардир. Нидерландияда – “Стил” архитектура гуруҳи аъзолари И.П.Ауд и бошқалардир. Замонавий архитектуранинг асосий принциплари француз архитектори Корбюзье раҳбарлик қилган Замонавий архитекторлар Халқаро конгрессида ишлаб чиқилган ва бу ишланмалар Аорина хартияси деб номланган махсус ҳужжатда келтирилган (1944 й). Замонавий архитекторлар концепциясига совет архитекторлари ака – ука

Веснинлар, И.И Леонидов, К. С. Мельников ва бошқаларнинг ишлари сезиларли таъсир кўрсатишган.

Куёшга қарши қурилмалар – куёшдан ҳимояловчи фазовий панжара типдаги рельефли тўсиқ (кўп ҳолларда бетондан тайёрланади) бўлиб, у биноларнинг деразаларига тўғридан – тўғри тушадиган куёш нурларини тўсишга ва хоналарнинг исиб кетишининг олдини олишга мўлжалланади. Куёшдан ҳимояловчи қурилмалар (ўрнатмалар) иссиқ иқлим шароитларида фасадларни архитектуравий ишлашнинг бош элементларидан бири ҳисобланади.

Муҳит шароит – муҳитни ҳисобга олган ҳолда ёндошиш – архитектуравий иншоотларни ташкил этилган ва этилаётган шаҳар муҳити контекстига киритилишини инобатга олган равишда лойиҳалаш.

Стилобат – қадимги грек храмидан тошдан ишланган зинапоялар, кўп ҳолларда улар йирик учта поғоналардан ташкил топади.

Техтоника – иншоотнинг конструктив системасига тегишли юклар ва таянчлар орасидаги нисбат бўлиб, у ташкил этилиш қонуниятларининг бадний ифодасидир.

Терми– спорт, машғулотлар, йиғилишлар ва шунга ўхшаш тадбирларни ўз ичига олган Қадимги Рим жамоат ҳаммомлари.

Триглиф – бўйлама ўймаларга эга бўлган тўғри бурчакли вертикаль тошли плита. Триглифлар метопалар билан алмашилиб (такрорланиб) доритик ордернинг фризларини ташкил этади.

Унификация – буюмларнинг ўзаро боғлиқ бўлган типли – ўлчамлари ва маркаларининг ягона системаси асосида қурилиш деталлари типлари сонини рационал қисқартириш.

Фриз – классик архитектуравий ордерлардаги горизантал белбоғ (антамблимент)нинг ўрта қисми, бу қисм архитрав ва карниз орасида жойлашган бўлади. Доритик ордерда фриз навбатма – навбат такороланадиган триглифлар ва ус.тублардан ташкил топади.

Фронтон – бино фасади, портик, колоннадаларнинг учбурчакли тугалланган қисми бўлиб, бу қисм том ёпилмасининг ва карнизларнинг оғма ён томонлари билан чегараланган.

Функция – хоналар, иншоотнинг бажарадиган вазифаси ёки қандай вазифани бажаришга мўлжалланганлиги.

Целла – антик храм ўртасидаги деворлар билан тўлиқ (туйиқсиз)тўсилган тўғри бурчакли хона бўлиб, у муқаддас жой ҳисобланган.

Цокол – бино, иншоот деворининг ташқи пастки қисми бўлиб, бу қисм пойдевор устида ётади; одатда деворнинг асосий текислигидан чиқиб туради ёки ундан ичкарига кирган бўлади.

Фойдаланган асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., “Ўзбекистон”, 2000 й.
2. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни.-Т., 1997 йил 29 август.
3. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. Тошкент., 2010 йил.
4. “Нормативные документы по реформированию системы высшего образования Республики Узбекистан”. Ташкент., 1998 г.
5. Бархин Б.Г. Услуги архитектурное проектирование: Москва 1982 г.
6. Убайдуллаев Х.М., Коробовцев Г.И. «Специфики архитектурные образование»-ж. «Строительства и архитектура Узбекистана»- 1986 г. №1.
7. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. «Тура рўй ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари», Тошкент., 2009 йил.
8. Убайдуллаев Х.М., Махмудов В.М. «Услуги архитектурное проектирование», Ташкент., 2010 г.

**“30 минг аҳолига мўлжалланган маданий – маърифий марказ”.
Ушбу мавзу дастури ва вазифани бажариш услуби диплом лойиҳаси
учун мўлжалланган**

1. Умумий ҳолат.

Бугунги кун талаби ҳалқимиз учун энг зарур бўлган маданий-маърифий ҳамада маърифий объектларни кўплаб қуришни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга уларнинг қад кўтаришида аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларини янада яхшилашни ҳам талаб этади. Маданий марказларининг. Қўшма ҳолатдаги кўп функцияли объектларнинг шаҳаринг мавжуд бўлган аҳоли яшаш жойларида ва туманларида шаклланиб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Кўп функциялик, универсал муассасалар ва шунингдек маданий-маърифий марказлари бирлаштирувчи турли хил вазифани бажаришга мўлжалланган объектларнинг яратилиши уларга бўлган самарадорликни янада оширади.

Маданий – маърифий марказ (МММ) мажмуаси, таркибида асосан маданий-маърифат муассасалар бўлиб 30 минг кишига мўлжалланган шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи қуйидаги объектларни бирлаштиради:

- а) 600 ўринли кинотеатр (универсал);
- б) 500 ўринли клуб (ўйин, ашула, адабиёт тўгараги);
- в) 150 ўринли кафе-чайхона;
- г) кўргазма зали ва музей
- д) музей

МММ биносининг қиёфасини унинг ички таркибий қисмларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда оддий ҳамада ўзига жалб қилувчи миллий руҳда бўлган архитектурани яратиш лозим. Шу билан бирга унинг конструкциялари ишлатиладиган безатиш ашёлари, воситалари ҳам бионинг ғояси жиҳатидан унинг мазмунига мос келган ҳолатда барча таркибий қисмларнинг пропорционал бўлимларига эриши лозим бўлади. Бинони ҳар бир бўлиmidан фойдаланишда иложи борида универсал равишда ва индивидуал тарзда фойдаланишга мўлжаллаш лозим.

Маданий – маърифат марказлар тўғрисида тушунча.

Жамиятнинг маънавий маданиятини тарбиялаб бориш, ёшларни баркамол қилиб ўстиришда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг вазифаси ниҳоятда катта. Уларнинг тарбияси эса ҳаётимизнинг турли шакллари ва инсонларнинг фаолияти билан узвий боғлангандир.

Буларнинг барчаси ёшларни боғчадан бошлаб инсон бўлиб шаклланишда ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлган маданий – маърифат, спорт иншоотлари ва унинг архитектураси жуда катта аҳамиятга эга. Бу нарса айниқса шаҳар ва қишлоқларда йирик жамоат биноларининг қурилиш етакчи ўрнида бўлиб, архитектуравий муҳитга композициясини яратишда ва шаклланишда атроф-муҳитга сезиларли даражада таъсир ўтказади.

Иқтисодиётимизнинг ривожланиши бошқа соҳалар каби индивидуал ижодда ҳам инсонларнинг моддий ва маънавий талабларнинг муттасил ўсиб боришига олиб боришда функционал жиҳатдан зарурий талабига эга бўлган архитектура объектларнинг нафақат меёрий микдорига балки уларнинг барча типларини такомиллаштири, хизмат кўрсатиш сифатига ҳамда дам олиш шароитларининг юқори талаблар асосида бўлишини олдинга сурмоқда. мустақилликдан кейинги йигирма йил ичида қишлоқ ва шаҳар қурилишида бўлаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовордир. Булар ичида йирик маъмурий маданий ва спорт иншоотларни мисол қилиб олсак бўлади. Шунга қарамасдан, маданий-маърифий марказлар, айниқса универсал ишлайдиган ва компакт (йиғма) ҳолатдагилари ҳам етарлик даражада эмас, ана шуларни ҳисобга олган ҳолда бундай биноларни лойиҳалаш ва амалга ошириш шу куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади. Айниқса қишлоқ жойларида маданий-маърифий муассасаларнинг бўлиш, қишлоқ аҳолисининг сиёсий онгини тарбиялашда, маданий ҳордиқ чиқаришда қолаверса умуман олганда эстетик жиҳатдан ҳам маълум тарбиявий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги асосий камчиликлардан бири у ҳам бўлса, турли хил объектларнинг маоказдан узоқлашиб қолгалиги, уларнинг хизмат кўрсатиш доирасининг ҳаддан зиёд узунлиги ва тарқоқ ҳолатда қурилганлиги бўлиб, уларга кетадигансарф харажатларнинг қопламалар мослиги ҳам бунга ўз таъсирини ўтказди.

Қолаверса аҳоли зич яшайдиган жойларда бундай йирик марказларнинг бўлиш ҳозирги замон талабига тўғри келади.

Кинотеатр ва клублар.

Маданий –маърифий марказларнинг энг асосий таркибий қисмларидан бўлмиш кинотеатр ва клублар ҳамма жойларда ҳам оммавий тус олган бўлиб, маданий ҳордиқ чиқаришда ёшу-каттага бирдек хизмат кўрсатади. Шаҳар ва қишлоқ жойларида бундай маданий маърифий марказларнинг бўлиши ҳамма томондан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Айниқса қишлоқ марказларида кинотеатрнинг клублар билан биргаликда бўлиши ҳозирги вақтда ҳам кенг тарқалган. Клуб ва бошқа турдаги биноларнинг кооперация қилиб қурилиши қишлоқ жойларида жуда катта самарадорликка эга бўлиши билан бир қаторда аҳоли яшаш марказининг кўрки бўлиб, ҳисобланган ҳолда, инсонларнинг маданий, эстетик жиҳатларини тарбиялашда энг асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Кинотеатр ва клубларнинг заллари ва хоналаридан универсал равишда фойдаланиш мумкин. Масалан кинозалнинг турли хилдаг (бадий, бароникал, болалар) фильмлари кўрсатиш, мажлислар ўтказиш ҳамда концертлар беришга мўлжалланади. Унинг шакли –тўғри тўртбурчакли, трапедция ёки ярим айлана шаклида бўлиши мумкин. Залнинг узунлиги 45м дан ошмасган ҳолда тамошабинларга комфорт шароит яратилиши лозим.

Дастлабки қурилган клуб бинолари асосан бир нарсага, яъни одамларни бир –бири билан мулоқот қилишга, бўш вақтларини ўтказишга мўлжалланган бўлган. Аста секин даврлар ўтиши билан клубларда турли –туман тадбирлар ўтқазиладиган ва инсонни маънавий –маърифий маданиятини оширишга хизмат қила бошлади. Ўз навбатида унинг таркиби ҳам ўсиб борди. Кейинчалик бу клубларни маданият саройлари деб атала бошланди, унинг таркибида клуб ишларни олиб боришга хизмат қилувчи, кегайтирилган таркибдагисиниёсий маърифий ишларни олиб бориш учун мўлжалланиб, ҳаваскорлик санъати, жисмоний тарбия, қизил бурчаклар, ўқиш хоналари кабиларышшилиб йирик мажмуани ташкил этадиган бўлди. Ҳозирга келиб клубларнинг функцияси кўпқирралик бўлиб архитектуравий композициясига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Клублар шаҳар, туман марказларида ва хизмат кўрсатиш доирасига қараб, таркибий қисми ўзгариб бораверади, яъни ўша жойнинг бевосита талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олинган ҳолда лойиҳага киритилади. Шундай қилиб клублар мажмуаси ҳозирги вақтда ҳам замон талаби даражаси бўлган ҳолда доимо янгилашиб, таркиби кенгайиб бормоқда.

Умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари катта кичиклигига қараб, кафе –жойхона, фақат ошхона ёки буфет бўлиши мумкин.

Шу билан бирга уларга кириш бевосита бино ичидан ҳамда алоҳида ташқаридан киришга мўлжалланган бўлади. Умуман ҳар бир МММ да бундай муассасаларнинг бўлиши асосан бинога келиб кетувчиларга ва уларнинг доимий хизматчиларига ёки чойхонанинг рентабиллигини ошириш учун ташқаридаги хўррандалар учун ҳам мўлжалланади.

Кафе-чойхона мажмуанинг чекка тарафига ёзги майдонлар билан ажратилган ёзги майдонлар билан ажратилган тарафда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кафеда асосан хўррандаларга мўлжалланган доимий тарзда тайёр ҳолатдаги меню асосида пиширилган оммавий меню тавсия этилади. Чойхонада эса, миллий таомлар билан бирга “ҳаваскор” ошни хуш кўрадиганлар учун ҳам алоҳида жойлар бўлиб индивидуал овқат тайёрлашга мўлжалланган бўлса янада яхши.

Мажмуа таркибига киритиладиган маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам ҳозирги замон талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ ва шаҳар марказларида одатда маиший хизмат кўрсатиш биноларини алоҳида ва майдалаб ташланган ҳолатда учратамиз. Бу эса ўз навбатида одамларни кўп вақт йўқотишга сабаб бўлади. Шу боис бундай хизмат кўрсатиш жойларини ҳам мажмуага киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, масалан: сартарошхона, химчистка, кийим-кечак ва оёқ кийимларини таъмирлаш устахонаси, буюртма қабул қилиш хоналари ва бошқалар МММнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири, у ҳам бўлса, кутубхона, музей ва кўргазмалар зали бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ёшларни маданий –маърифий ишларга жалб қилиш, уларнинг эстетик маданиятини тарбиялашга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Шу боис шаҳар ва айниқса қишлоқ жойларида бунга эътибор қаратиш лоҳзим бўлади. Чунки кейинги 5-6 йил ичида давлатимиз ёшларга бўлган ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида турли хилдаги кўрик конкурсларни ташкил қилиб келмоқда, айниқса қишлоқ жойларида бундай ёш иқтидор эгаларига ана шундай марказларни қуриш орқали ёрдам кўрсатиш мумкин.

2. Маданий –маърифий марказ хоналарининг таркиби ва майдони.

А. 600 ўринли кинотеатр

№	Хоналарнинг номи	Хоналар майдони м ²
1	Тамошо кўрсатиш зали	0,9х600=540
2	Вестибюл, касса ва администратор хоналари	60
3	Фойе, буфет ва клуарлар	320
4	Чекиш, хожатхоналар	54
Жами:		974м ²
Илова: барча нормалар янги КМК асосида олинган		
Б. Киноаппарат хоналари.		
1	Кинопроекция хонаси	24
2	Тасмаларни ыайта айлантириш	6
3	Кинопроектор ва агрегатларни совитиш	10
4	Кино механик ва бошлиқ хонаси	12
5	Хожатхона	2
6	радиузел	12
Жами:		54м ²
В. Ҳизмат кўрсатиш ва хўжалик хоналари		
1	Идора-бошлиқ ва директор хоналари	18
2	Плакатлар устахонаси	20
3	Ходимлар хонаси	8
4	Хўжалик хонаси	6
5	Ишқор хонаси	4
6	Жихозларни сақлаш хонаси	6
7	Буфет учун ёрдамчи хона	12
Жами:		74м ²
Ҳаммаси бўлиб:		1104м ²
Иловалар: барча хоналарга яна қўшимча ёки камайтириш мумкин (10%)		

1. Кинотеатр биноси мажмуанинг (МММ) таркибида бўлганлиги сабабли унга қўйиладиган талаблар барча кинотеатрлар каби тегишлик бўлган маълумотларни КМК 2.01.03.96 ва ШНК 4.13.22. дан олиш мумкин.

2. Тамошабин зали мажмуа таркибига бириккан бўлиши алоҳида чиқиш жойларини –эвакуация масалаларини олдиндан ўйлаб лойишлатириш лозим. Эвакуция қилиш йўлларининг умумий кенглиги умумий эшиклар кенглигига яъни 100 кишига 0,6 мдан қилиб олиш керак бўлади. пандус қиялиги эса бино ичилда 1:6, бино ташқарисида эса, 1%8 нисбатда бўлишини таъминлаш керак.

3. Кинотеатр биносининг конструкциясининг ечимини ҳал қилишда иложи борича тайёр заводда чиқарилган унификация қилинган каркаслардан (3x3,6x6,9x9,9x18,18x24) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4. Бино хоналарнинг баландлигини барча мажмуа хоналари каби, вестибюл, фойеларни эса, 4,2м қилиб лойиҳалаш зарур.

2. 500 ўринли клуб

Одамларнинг дам олиш вақтини кўнглидагидек қилиб ўтказиш учун, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, турли ҳилдаги машҳулотларни олиб боришга мўлжалланган бино-клуб биноси ҳисобланади. Кейинги вақтда одамларни хаваскорлар ижодиёти, ўйин-кулги ўтказиш жойи, спорт машҳулотлари, этнографик ансамблларга ва бошқа кўплаб соҳаларга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, махсус ихтисослашган клуб биноларини мажмуа таркибида яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда диққатга сазовор бўлган клуб типлари мавжуд бўлиб, улар икки қисмдан иборат, биринчиси – оммавий кўнглиочар (тамошобин) бўлими ва иккинчиси- турли хил тўғаракларга мўлжалланган (клуб) қисмидир.

МММ таркибига киритилган клуб биноси 500 ўринли бўлиб вилоят маданият уйи вазифасини бажарувчи сифатида вилоят шаҳар марказларига (йирик туманларда) мўлжалланган.

Клуб хоналари куйидаги гуруҳларда бўлинади:

А- тамошобин қисми хоналари;

Б- клуб қисмининг хоналари;

Д- ёрдамчи ва маъмурий –хўжалик хоналари;

№	А- тамошобин қисми хоналари	
1	Тамашо зали	300м ²
2	Оркестр жойи	25м ²
3	Фойе буфети билан	150м ²
4	Буфетга тегишлик ёрдамчи хоналар	22м ²
5	Костюмерлар хонаси	30
6	Артистлар учун хожатхона (2та)	2x15м ²
7	Устахоналар (дурадгор ва чилангарлар хонаси)	15+15м ²
8	Ёнғин ҳавиязчилиги хонаси	15
9	Рассом хонаси	30
10	Декорация ва бутафория хоналари	35
11	Ювиниш хоналари (2-4 унитаз)	10
12	Душ хонаси (1 кабина 8 киши учун)	20
Жами:700м ²		
Б. Кино кўрсатиш хоналари.		
1	Кинопроекция хонаси	30м ²
2	Тасмаларни қайта ўраш хонаси	5
3	Тамбур	5
4	Кинотеханик хонаси	10
Жами:		50м ²

В. Клуб қисминың хоналары. Маъруза – тўғарақлар хонаси.		
1	Кичик зал (аудитория, эстрадаси билан)	120м ²
2	клуб	45
3	Тўғарақлар хонаси (6 та х30м ²)	180
4	Кинолектория	50
5	Изостудия	50
6	Омборхоналар (ҳар бир тўғарақ хонаси таркибида 10% ни ташкил этади)	18-21
Жами:		400м ²
Г. Дам олиш хоналари тўплами.		
1	Стол теннис хонаси (хона ўлчами 4,5х3)	30м ²
2	Биллиардхона (2 та стол)	64м ²
3	Мехмонхона	40м ²
4	буфет	36м ²
Жами:		180м ²
Д. 50 минг том учун мўлжалланган кутубхона		
1	Асосий ва ҳаракатдаги китобларни сақлаш хонаси	165м ²
2	Абонентларга китоб тарқатиш хонаси	60
3	Очиқ турдаги ҳамма учун ўқув зали	95
4	Болалар учун (16 ешгача) ўқув зали	55
5	Хизмат хонаси	20
Жами:		350-400м ²
Е. Рақс ва танца зали		
1	Зал эстрадаси билан	100
2	Асбобларни сақлаш хонаси	20
Жами:		120м ²

3. 150 ўринга мўлжалланган кафе-чайхона

МММ нинг таркибида бўладиган кафе-чайхона очик турда бўлиб, ҳамма учун хизмат кўрсатад. Кафе-чайхона бир ёки икки қаватга жойлашган бўлиши лозим. Ёзги ошхона ва ўтириш жойларини ҳам лойиҳалашлари шарт. Чайхонада кизикувчи, хаваскор хўррандаларга ҳам алоҳида кроватлар (“бокс” сўрилар) жойларини ажратиш лозим бўлади.

А. 100 ўринли кафе		
№		
1	Савдо қилиш зали	160
2	Овқат пишириш хонаси	40
3	Махсулотларни тайёрлаш цехлари (2)	2х15
4	Гўшт ва балиқ махсулотри учун (2)	2х15
5	Идиш –товокларни ювиш хонаси	24
6	Ошхона идишларини ювиш хонаси	10
7	Нон ва газакларни тарқатиш учун	12
8	Сервизхона	24
9	Алюхида совуткич хоналари (гўшт –балиқ) ҳамда гастронорм хўл мевадар хонаси	16
10	Фреон хонаси	4
11	Махсулотларни сақлаш хоналари (3та)	18
12	Юкларни тушириш хонаси	8-10
13	Идора ва бошқик хонаси	10

14	Хизматчилар хонаси	10
15	Гардероб (хизматчилар учун)	24
16	Кийим -кечаклар учун жой	6
17	Ҳожатхона	10
Жами:		436м ²
Б. 50-инвенти чойхона		
1	Савдо зали	90
2	Самовархона	15
3	Идишларни ювиш хонаси	18
4	Омборхона	18
Жами:		140м ²

4. Кўргазмалар зали.

Мажмуа таркиби лойиҳаланаётган кўргазма зали вазифаси аҳолининг ўз меҳнати ютуқларини техникаси таррақиёти жараёнида юз бераётган барча янгиликларни маданият янгиликларидан хабардор қилиш. Бу ердаги кўргазма зали асосан универсал ҳолда фаолият олиб боришга мўлжалланади. Кўргазма павильонларининг структураси ҳудди музей биноси каби ташкил қилинган ҳолда тамошабинган хизмат қилувчилар хоналари, кўргазмалар хоналари ва маъмурият хоналаридан иборат бўлади. Доимий кўргазма павильонларини лойиҳалаш жараёнидан универсал ички фазони ярата олиш экспозиция сони в тартибини ўзгартириб туришга қулайлик туғдирадиган режани яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўргазма бинолари архитектурасида замонавий қурилиш техникаси эришилган илғор ютуқлар ўз ифодасини топади. Уни қуришда энг илғор конструктив усуллардан ва енгил замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кўргазма залининг таркиби қуйидагилардан иборат:

№		
1	Экспозиция зали	200м ²
2	Экспозицияларни омборхонаси	50
3	Директор хонаси	40
4	Маъмурият хонаси	10
5	Хизматчилар хонаси	10
Жами:		210 м ²

5. Музей тўғрисида

Музей инсонларга маънавий озука берувчи мафкураси ва маданиятнинг тарбияловчи восита сифатида ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай бинонинг маданият маркази мажмуасида бўлиши билан унинг маъноси янада оширади. Замонавий музейлар – маданий, маърифий оқартув муассасаси бўлиб, функционал жиҳатдан, қурилиш жойининг қаерда бўлишига қараб, ўлкашунослик, бадний, ҳалқ ҳунарамандчилиги, тарихий, ёдгорлик, (мемориал) ва бошқача фанлар бўйича бўлиши мумкин. Музей хоналарини шундай жойлаштириш шартимки, барча хоналар бир

бири билан яхши боғланган ҳолда экспозицияни кириб кўрувчилар оқими алоҳида, бемалол кириб чиқишини таъминлаш лозим. Музейнинг хоналари интерьеры унинг функциясидан келиб чиққан ҳолда безатилиши хоналарнинг баландликлари ҳам шунга мос равишда бўлиши лозим. Унинг таркибий қисми қуйидагилардан иборат:

1	Экспозициялар зали	250м ²
2	Фондларни сақлаш хонаси	100м ²
3	Вестибюл гардероби билан	25м ²
4	Экскурсия хонаси	20м ²
5	Ходимлар хонаси	20м ²
6	Хожатхона	10м ²
Жами:		430м ²

Маданий-маърифий марказга хизмат кўрсатувчи ходимлар ва идора хоналари.

Мажмауаларнинг ҳар бир бўлимида ўзига яраша хизмат кўрсатувчилар учун алоҳида хоналари бўлган ҳолда уларни ягона маркази, яъни бошқариб турувчи ходимлар учун белгиланган хона қуйидагилардан иборат:

1	Умумий вестибюл	180м ²
2	Гардеробхона	72м ²
3	Чекиш хонаси	28м ²
4	Идора	18м ²
	Ходимлар хонаси	15м ²
	Услубият хонаси	30м ²
	Администратор хонаси	10м ²
	Хўжалик оғборхонаси	36м ²
	Механик хизмат кўрсатиш хонаси	450м ²
	Венткамера	60м ²
Жами:		895 м ²

МММ нинг умумий қурилиш ҳажми – 35-40000м³

6. Лойиҳани таркибий қисми.

1	Ҳолатий тарх (ситуацион режа)	М 1:5000
2	Бош режа (ободонлаштириш майдони билан)	М 1:500
3	Қаватлар режаси	М 1:100, 1:200
4	Фасадлар (2) тарзи	М 1:100, 1:50
5	Қирқимлар (1,2)	М 1:100
6	Перспектива ёки макет	
7	Хоналар ёки жамоат жойларининг интерьеры	
8	Архитектура қисмининг тушунтириш хати қуйидагилардан иборат: а) кириш қисми; б) бош режа; г) режалаштириш асоси, д) архитектуравий ечими е) қурилиш ашёлари ва конструкция, ж) техникавий – иқтисодий кўрсаткичлари.	

7. Лойиҳани бажариш босқичлари ва назорат

1. Топшириқни бериш ва тушунтириш;
2. Ғоя-эскизларни кўриб чиқиш;
3. Эскизларни тасдиқлаш ва дастлабки баҳолаш;
4. Лойиҳанинг барча қисмларини чизиб жойлаштириш (қўлда, компьютер графикасида)
5. График жиҳатдан яқунлаш ва лойиҳалаш химояга олиб чиқиш.

Фойдаланишга таявсия қилинган адабиётлар.

1. ҚМҚ 2.08.02-96 Жамоат бинолари ва иншоотлари Ўзб.Рес. давлат архитектура қурилиш қўмитаси 1997 й.
2. ШНК. 4.13.22.06- Клубы Т.2006
3. ШНК.4.13. 22.06 – Кинотеатры Т. 2006
4. ҚМҚ 2.08.04-04. Административные здания
5. ШНК 4.13.21-06 Клубы. Дома культуры. театры, цирки.
6. ШНК4.13.31-06 Предприятия бытового обслуживания
7. «Турар жой ва жамоат бинолари типологияси асослари» Х.М. Убайдуллаев, М.М. Инагамова. Т – 2009
8. «Архитектурное проектирование» Тосунова М.И. М. Высшая школа 1983 г.

М У Н Д А Р И Ж А

1	Кириш	3
	1. Фаннинг мазмун –моҳияти	6
2	2. “Архитектуравий лойиҳалаш” курсининг усулбий асослари	7
	3. Курс лойиҳалари	8
3	Курс архитектуравий лойиҳалари (4,5,6 семестр)	10
4	1. “Кам қаватли яшаш уйи” мавзуси бўйича босқич лойиҳасига ўқув топшириғи ва услубий кўрсатмалар.	11
5	2. “Ўрта қаватли турар жой биноси (лифтсиз)”	16
6	3. “Кўп қаватли турар жой биноси”	26
7	4. “200–600 машинага мўлжалланган гараж-автомашиналар турар жойи”	34
8	5. “630 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби”	42
9	6. “100 ўринли ресторан”	48
10	7. “Жанубий районлар учун мўлжалланган 500 ўринли кинотеатр”	52
11	8. “Кўргазма павильони”	57
12	9. “500 ўринли маданият маркази”	61
13	Диплом иши архитектуравий лойиҳалари (9-семестр)	66
14	1. Диплом иши лойиҳалари	67
15	2. Темир йўл йўловчилар бекати (ТЙЙБ)	71
16	3. “Метрополитен бекати”	84
17	4. “1000 ўринли мусиқали драматик театри”	101
18	5. “Халқаро аэропорт”	123
19	Меъморий атамаларнинг изоҳли лўғати	129
20	Фойдаланилган адабиётлар	136
21	“30 минг аҳолига мўлжалланган маданий – маърифий марказ”	137
22	Мундарижа	146

Buyurtma 2/2012
Bosishga ruxsat etildi 10.09.2012 y.
Bichimi 60x84, 1/16, Bosma tabog'i - 9 b.t. Adadi – 50 nusxa
“Arxitektura qurilish integratsiya va innovatsiya Markazi”ning
bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 13.